

Таъсисчи:

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

Ушбу сон муҳаррирлари

И. И. Хувайтов, Р. Р. Тумпаров

Саҳифаловчи

Д. Ҳ. Хамидуллаев

Муқова дизайнери

С.В. Асямов

Ахборотнома Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йил 18 июнда қайд этилган. Оммавий ахборот воситаси давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома № 0568

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК Раёсатининг 2011 йил 29 апрелдаги 172/5-сонли қарори билан илмий журналлар рўйхатига киритилган.

Таҳририят манзили:

100197, Тошкент шаҳри, Интизор кўчаси, 68.

Тел.: 265-23-56, 265-23-52.

e-mail: akadmvd@uzsci.net.

Оригинал-макет Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг таҳририят-ноширлик бўлимида тайёрланди.

Ҳар қандай усулда тўлиқ ёки қисман кўчириб босилганида «Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Таҳрир ҳайъатининг фикри муаллиф фикридан ўзгача бўлиши мумкин. Қўлёзмалар мазмуни ва келтирилган фактларнинг ҳақиқийлиги учун муаллиф жавобгар.

Таҳририят хатлар муаллифлари билан ёзишмайди. Қўлёзмаларга тақриз берилмайди ва улар қайтарилмайди.

Бичими 60x84 1/8. Нашр. ҳисоб табағи 11,0. Офсет усулида босилди. Адади 300 нусха. «Saydana-print» МЧЖ босмахонасида чоп этилди. Тошкент ш., Қамарнисо кўчаси, 3.

Босишга рухсат этилди 30.12.2012.

Буюртма №67.

© Ўзбекистон Республикаси
ИИВ Академияси, 2012.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ИИВ АКАДЕМИЯСИНING

АХБОРОТНОМАСИ

Чораклик илмий-амалий ҳуқуқий нашр

2012 йил, 4-сон

МУНДАРИЖА**Конституция — фуқаролик жамияти қуришнинг ҳуқуқий асоси****Конституция — правовая основа построения гражданского общества**

<i>Рўзиназаров Ш.Н.</i>	
Сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлашнинг конституциявий асослари.....	3
<i>Одилқориев Х. Т.</i>	
Конституция – мукамал демократик жамият қуриш пойдевори	8
<i>Нарбутаев Э. Х.</i>	
Конституция и стратегия судебных реформ.....	14
<i>Мамадалиев Ш.О.</i>	
Конституция – миллий ғоя ифодаси ва демократия кафолати.....	18
<i>Джавақова К. В.</i>	
Конституция – правовая гарантия защиты интересов народа.....	23
<i>Турдибоева Р. Э., Мирзакулов Ф. М.</i>	
Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – тараққиётимизнинг ҳуқуқий негизи.....	26
<i>Мухамедов Ў.Х.</i>	
Ўзбекистон Конституцияси: яратилиши, ўзига хос хусусиятлари ва ривожланиш истиқболлари.....	30
<i>Набераев Б.Ф.</i>	
Конституциявий қурилиш эволюцияси – демократик ривожланишнинг гарови.....	35
<i>Матчанов А. А.</i>	
Механизм конституционных гарантий прав человека в Узбекистане.....	42
<i>Душабаева М.</i>	
Конституция — аёл ҳуқуқларининг кўзгуси.....	47
<i>Кабиллов Ш. Р., Таджиханов Б. У.</i>	
Конституция — правовой фундамент экономической и социальной безопасности страны.....	52

Учредитель:

Академия МВД Республики Узбекистан

Редакционная коллегия

Ш.Т. Икрамов (главный редактор),
 Н. Т. Исмоилов (ответственный редактор),
 А. А. Хамдамов, У.Х. Мухамедов,
 Д. М. Миразов, О. Окюлов,
 М. З. Зиёдуллаев, Б. А. Яров

Редакторы номера

И. И. Хувайтов, Р. Р. Тумпаров

Верстка

Д. Х. Хамидуллаев

Дизайн обложки

С. В. Асямов

Вестник зарегистрирован Узбекским агентством по печати и информации 18 июня 2009 г. Свидетельство о регистрации средства массовой информации № 0568

Решением Президиума ВАК при Кабинете Министров Республики Узбекистан от 29 апреля 2011 года №172/5 включен в список научных журналов

Адрес редакции:

100197, г. Ташкент, ул. Интизор, 68.
 Тел.: 265-23-56, 265-23-52.
 e-mail: akadmvd@uzsci.net.

Оригинал-макет подготовлен в редакционно-издательском отделе Академии МВД Республики Узбекистан.

При перепечатке или воспроизведении любым способом полностью или частично ссылка на вестник «Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси» обязательна.

Мнение редакции может не совпадать с точкой зрения авторов публикаций. Ответственность за содержание публикаций и достоверность фактов несут авторы материалов.

Редакция не вступает в переписку с авторами писем, рукописи не рецензируются и не возвращаются.

Формат 60x84 1/8. Уч.-изд.л. 11,0. Печать офсетная. Тираж 300 экз. Отпечатано в типографии ООО «Saydana-print». г. Ташкент, ул. Камарнисо, д. 3.

Подписано в печать 30.12.2012.
 Заказ №67.

© Академия МВД
 Республики Узбекистан, 2012.

Окюлов О., Камалов О.

Конституция как системообразующая гарантия развития предпринимательства и частной собственности.....57
Шоимов Н. Б.

Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик хавфсизликни таъминлашнинг конституциявий-ҳуқуқий асослари.....62

Конституция ва жиноят қонунчилиги масалалари

Конституция и вопросы уголовного законодательства

Отжонов А. А.

Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини бузганлик учун жиноий жавобгарлик муаммолари.....66
Миразов Д. М.

Шахс конституциявий ҳуқуқларининг дастлабки тергов органлари томонидан таъминланиши.....71
Саидов Б.А.

Жамоатчилик назорати – дастлабки терговда шахснинг конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш гарови сифатида.....73
Тўйчиев А. А.

Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминлашга оид конституциявий нормаларнинг жиноят процессуал қонунчиликда ифода этилиши.....75

Ёш олимлар минбари

Трибуна молодых учёных

Менглиев Ф. В.

Конституцияда инсон ва фуқаро ҳуқуқларининг устуворлиги.....81

Ботоев М. Д.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси – жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни ривожлантириш асоси.....83

Курбанова Э. А.

О конституционно-правовых механизмах обеспечения социальных прав человека.....86

Эргашев А.

Бола ҳуқуқларини таъминлашнинг конституциявий-ҳуқуқий кафолати.....89

Эшназаров М.

Ахлоқ-одоб қоидаларини ҳимоя қилишнинг конституциявий-ҳуқуқий асослари.....92

Конференция ва семинарлар

Конференции и семинары

«Конституция – бахтимиз қомуси» мавзuidaги илмий-амалий конференция ҳақида ахборот.....96

Ш. Н. Рўзиназаров *

САЙЛОВ ҲУҚУҚИ ЭРКИНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

Сайловларнинг мустақил тараққиёт йўлини танлашда демократик қадрият сифатида аҳамияти беқиёсдир.

Мустақил тараққиёт сари дадил одимлаб боришда жаҳон миқёсида демократия соҳасида ўзини оқлаган тажрибалардан фойдаланиб, уларни миллий хусусиятлар билан уйғунлаштиришнинг нақадар муҳимлиги сайловлар жараёнида янада яққол кўзга ташланади. Айниқса, ўзимизга хос демократик қадриятларнинг истиқболдаги умум эътироф этган халқаро ҳуқуқ нормаларида ҳам ифодасини топиши, қолаверса, умуминсоний қадриятлар дурдонаси сифатида тан олинishi, миллий демократик тараққиёт моделимизнинг афзаллигини нафақат намоиш этиш, шунингдек уни ҳимоя қилишни ҳам тақозо этади. Миллий манфаатлар устуворлигини таъминлашда, кучли иқтисодий куч-қудрат ва маънавий салоҳиятга эга бўлишда, буюк давлат мустақиллигини ҳар томонлама ҳимоя қилишда демократик қадриятларга содиқлик асосий ўрин тутди. Бошқача айтганда, демократияга содиқлик нафақат олий саодат, балки мустақил тараққиётга эришишнинг муҳим гарови ҳамдир.

Кучли давлатдан кучли жамият сари боришда сайловларнинг роли беқиёсдир. «Демократия» ва «сайлов» тушунчалари узвий боғлиқ. Бу тушунчалар бир-бирини тўлдириш баробарида умуминсоний қадрият ҳамдир. Сайловларсиз демократик жараёнларни тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Том маънода сайловлар демократия кўзгуси саналиши ҳам бежиз эмас. Сайловлар орқали халқнинг орзу-умидлари ва интилишлари рўёбга чиқади. Жамиятда тинчлик, барқарор-

лик таъминланиши демократик сайлов жараёнларига ҳам бевосита боғлиқ.

Сайлов ҳуқуқи демократик моҳиятига кўра талқин қилинадиган бўлса, уни сайланадиган давлат ҳокимияти органларини шакллантириш тартиби ва асосларини белгиловчи ҳуқуқий нормалар йиғиндиси, деб таърифлаш мумкин. Шунингдек, фуқаронинг сайланадиган давлат органини шакллантиришда қатнашишдан иборат бўлган субъектив ҳуқуқини амалга оширишнинг демократик усули деб айтсак ҳам муболаға бўлмайди. Бу субъектив ҳуқуқнинг муҳим белгиси шундан иборатки, сайловларда эркин қатнашиш мақомига эга бўлган шахс қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва асосда сайлаш ҳамда сайланиш ҳуқуқларини амалга ошириш имкониятига эга бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов мамлакатимизда ҳуқуқий давлат қуриш ва адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш вазифаларини ифода этиб таъкидлаганидек, биз ана шу эзгу мақсадлар сари интилаётган эканмиз, ҳаётимизда демократик тамойиллар чуқур илдиз отишини истар эканмиз, демократиянинг бош тамойили бўлмиш эркин сайловлар масаласига алоҳида эътибор қаратишимиз лозим.

Сайлов – эртанги кунимизни белгилайдиган халқ хоҳиш-иродасининг юридик ифодаси. Сайлов жамият ва давлат тараққиётига демократик усулда эришишнинг ҳуқуқий воситасидир. Сайлов – фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга хизмат қиладиган демократия даражаси ва кўрсаткичидир. Сайлов – ҳар бир давлатнинг демократия ғояларига содиқлиги тимсоли.

* Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти директорининг ўринбосари, юридик фанлар доктори, профессор.

Мустақил Ўзбекистоннинг сайлов қонунчилиги умум эътироф этган халқаро ҳуқуқ нормаларига тўла мос келиши унинг демократик талаб ва стандартларга тўлиқ жавоб беришидан далолат беради. Жамиятни демократлаштириш жараёнида сиёсий партиялар ролини кучайтиришнинг конституциявий асослари яратилганлиги демократик жараёнларнинг мамлакатимизда ўзига хос ва мос ҳолда амалга оширилаётганлигини англатади. Мустақил сайлов комиссияси ўзининг бутун фаолияти билан сайлов тизимининг демократик принципларини амалга оширишга кўмаклашишга, сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш имкониятини таъминлашга даъват этилганлиги сайлов жараёнини қонуний, ошқора, адолатлилик принциплари асосида ўтказишнинг муҳим омили ҳисобланади. Энг муҳими, сайловга оид қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда унга тайёргарлик кўриш ва ўтказишнинг барча тамойилларига риоя қилинишига эришилаётганлиги ҳам унинг нормаларининг амалдаги ёрқин ифодасидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 7-моддасига кўра, халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади. Конституцияда назарда тутилмаган тартибда давлат ҳокимияти ваколатларини ўзлаштириш, ҳокимият идоралари фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш, ҳокимиятнинг янги ва мувозий таркибларини тузиш Конституцияга хилоф ҳисобланади ва қонунга биноан жавобгарликка тортишга асос бўлади.

Конституциянинг 12-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас. Шунингдек, 13-моддада белгилаб қўйилганидек, Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият

ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади.

Таъкидлаш жоизки, Конституциямизнинг 32-моддасида белгиланганидек, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади. Унинг 117-моддасига биноан, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов тегишинча уларнинг конституциявий ваколат муддати тугайдиган йилда – декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида ўтказилади.

Сайловлар умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Ўзбекистон Республикасининг ўн саккиз ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар сайланганидан сўнг бир ой ичида улар орасидан яширин овоз бериш йўли билан сайланадилар. Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас ва сайловда қатнашмайдилар. Бошқа ҳар қандай ҳолларда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмайди. Ўзбекистон

Республикаси фуқароси бир вақтнинг ўзидан иккидан ортиқ давлат ҳокимияти вакиллик органининг депутати бўлиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилган.

Демократик тараққиётнинг такомиллашуви фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини амалга оширишга ҳам чамбарчас боғлиқ. Сайловлар орқали фуқароларнинг жамият ва давлат ишларида фаол қатнашиши ёрқин намоён бўлади. Сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳуқуқларининг ажралмас қисмидир. Бу ҳуқуқ жамият ва давлат ҳаёти учун нафақат сиёсий, балки юридик аҳамиятга эга. Давлат фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини кафолатлаш баробарида уни ҳар томонлама муҳофаза этишни ҳам таъминлайди. Давлат ва ҳуқуқ феномени жиҳатидан сайлов ҳуқуқининг фуқаролар томонидан амалга оширилиши ҳуқуқий давлатни қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг зарурий атрибутидир.

Фуқароларнинг тенг сайлов ҳуқуқи кафолатланганлиги уларнинг демократик жараёнларда фаол иштирокини таъминлабгина қолмасдан бир хил ҳуқуқий мақомда иштирок этишга имкон беради.

Жамият ва давлат ишларини бошқаришда фуқароларнинг фаоллик даражаси сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини амалга оширишда ёрқин намоён бўлади. Фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи бир-бири билан боғлиқ бўлиб, демократик тараққиётга эришишда инсон ҳуқуқ ва манфаатларининг устуворлиги ҳамда муштараклигига таянади. Фуқаролар сайлов ҳуқуқларини амалга оширишнинг жамият ва давлат тараққиёти учун аҳамиятли жиҳати шундаки, бусиз давлат ҳокимияти органларини демократик асосларда шакллантириб бўлмайди. Бошқача айтганда, фуқаролар сайлов ҳуқуқининг кафолатисиз халқ ҳокимиятчилигини таъминлаш имкониятини яратиш мушкул. Сайловлар ва унда фуқароларнинг фаол иштироки, ўз навбатида, сиёсий ғоя ва қарашларнинг хилма-хиллиги негизда демократик мустақил тараққиётга эришилади. Сайлов ҳуқуқи фуқароларнинг демократик ҳуқуқ ва эркинликларини қамраб олганлиги сабабли, уни ҳар томонлама ҳимоя қилишни ҳам талаб этади. Шу боис, унинг ҳимояси

Конституция ва қонун нормалари орқали таъминланади.

Демократик сайлов ҳуқуқларини амалга ошириш ҳар бир инсоннинг сайлов ҳуқуқларини ўз хоҳиш-иродалари асосида эркин билдиришини тақозо этади. Эркинлик демократик сайловнинг муҳим белгисидир. Шу эркинлик замирида фуқаронинг хоҳиш-иродасини ҳеч қандай ташқи таъсирсиз амалга ошириши мужассамлашган. Сайловчиларнинг эрки – хоҳишини амалга ошириши уларнинг яширин овоз бериш ҳуқуқи моҳиятидан ҳам келиб чиқади.

Сайловчиларнинг хоҳиш-иродасини билдиришларини назорат этишга йўл қўйилмаслиги уларнинг хоҳиш-иродасини эркин ва яширин равишда билдиришни таъминлашнинг ҳуқуқий кафолати ҳисобланади.

Демократик сайловларни ташкил этишда ошкораликнинг аҳамияти катта. «Сайлов» ва «ошкоралик» тушунчалари алоқадордир. Сайлов жараёнида ошкораликни таъминлашда унинг бир қатор кафолатлари ҳал қилувчи мезон ҳисобланади. Ҳар бир сайловчи сайлов давомида сайлов округлари ва участкалари тузишга, сайлов комиссияларининг таркиби, комиссиялар жойлашган манзил ва иш вақтига, номзодларни рўйхатга олиш, овоз бериш ва сайлов якунларига доир ахборот олиш ва тарқатиш ҳуқуқига эга. Бундан ташқари, айтиш жоизки, тегишли сайлов комиссияларининг сайлов округлари ва участкалари тузиш, сайлов комиссияларининг таркиби тўғрисидаги, шунингдек, номзодларни рўйхатга олиш, овоз бериш ва сайлов якунлари ҳақидаги қарорлари матбуотда эълон қилиниши ҳам ошкораликнинг ёрқин намунасидир. Миллий сайлов қонунчилигимиздаги «очиқлик» ва «ошкоралик» категориялари демократик сайлов жараёнининг ўзагини ташкил этади. Ушбу ўринда «демократия» тушунчаси замирида сайловнинг муҳим принципи ҳисобланган ошкоралик ҳам ўз ифодасини топган. Ошкоралик фуқароларнинг демократик ғоя ва интилишларини рўёбга чиқаришда муҳим омил бўлиши билан бир қаторда, уларда ватанпарварлик, миллий истиқлол ғояларига ва ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳолда умуминсоний ва миллий қадриятларга содиқлик

руҳида тарбиялашда, энг муҳими, ўзининг тақдири учун хоҳиш-иродани эркин билдиришини намоён этишда ҳам муҳим ўрин тутди.

Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини теран англаши мустақил давлат тараққиётини янада жадаллаштиришга ёрдам беради. Аҳолининг ва айниқса, ёш сайловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш уларнинг жамият ва давлат ишларида фаол иштирок этишида муҳим омил ҳисобланади. Демократик қадриятлар фуқаролар ҳуқуқий онгига сингдирилган ва улар ҳаёт тарзининг ажралмас қисми сифатида қарор топган тақдирдагина уларнинг ижтимоий фаоллиги даражасини оширишга эришиш имконияти яратилиши мумкин. Демократик янгиланишлар фуқаролар сайлов ҳуқуқини амалга ошириш билан мутаносиб бўлган тақдирда ва унга мос тарзда уларнинг ҳуқуқий маданияти даражаси юксалтирилганда ҳуқуқий давлат куриш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришга эришиш мумкин. Фуқаролар сайлов ҳуқуқининг моҳияти шу билан изоҳланадики, энг аввало, уларга тегишли бўлган бу ҳуқуқ – сиёсий ҳуқуқ, бошқача айтганда, эр-хоҳишини билдириш ҳуқуқи ҳисобланади. Фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқи ҳисобланган сайлов ҳуқуқи уларнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий соҳадаги ғоя ва қарашларини ифода этиш имкониятини яратади. Фуқаронинг сайлов ҳуқуқини амалга оширишда бир томондан, давлат ва жамият ишларида иштироки намоён бўлса, иккинчи томондан, уларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳадаги ғоя, орзу ва интилишлари ҳам рўёбга чиқади. Шу жиҳатдан сайлов ҳуқуқини амалга ошириш кенг маънода инсон манфаатлари учун, қолаверса, мустақил давлат тараққиётини жадаллаштириш учун хизмат қилади.

Фуқароларнинг даврий сайловларда иштироки жамиятни демократлаштириш жараёнларини тезлаштиришга ёрдам беради. Шу сабабли сайловлар фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини ҳаракатга келтирувчи куч ҳисобланади.

Демократик сайловлар фуқаролар ижтимоий фаоллигини оширишнинг муҳим ҳуқуқий воситасидир. Бинобарин, жамиятни демок-

ратлаштиришни, мамлакатни модернизация қилишни сайловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантирмасдан амалга ошириш мушкул масала. Мустақил тараққиёт йўлимизнинг равон ва нурафшон бўлиши фуқароларимизнинг сайлов қонунчилигини билишига ҳам чамбарчас боғлиқ. Мустақиллик йилларидаги демократик, очиқ ва ошкора ўтказилаётган сайлов жараёнлари фуқароларимизнинг сайловлар мазмун-моҳиятини теран англаётганлиги ва демократик янгиланиш жараёнларида ижтимоий фаоллик кўрсатаётганидан далолат бермоқда. Бинобарин, фуқароларимизнинг «мустақиллик – ҳуқуқ демақдир» ақидасининг мазмунини англаб, ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳолда давлат ва жамият курилишида фаол иштирок этиши таъминланаётганлиги, Ватан туйғусининг буюклиги ва уни чин дилдан ҳис қилаётганлиги ҳамда инсон омилининг улуғланаётганлигини ўз ҳаётида сезаётганлиги ҳар бир шахс учун шараф ва ифтихор касб этади. Айниқса, қонунларимиз улар манфаати учун хизмат қилаётганлигини ҳар томонлама идрок этаётганлиги завқ бағишлайди деб айтсак, муболаға бўлмайди.

Мустақиллик йилларида сайлов қонунчилигини шакллантириш борасида амалга оширилган ишларнинг кўлами беқиёсдир. Шу билан бирга, мустақил тараққиётнинг ҳозирги босқичи, яъни кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш шароитида умум эътироф этган халқаро ҳуқуқ нормаларининг устуворлигини тан олган ҳолда жамиятда сиёсий институтларнинг, айниқса, сиёсий партиялар ролининг кучайтирилаётганлиги ҳам фуқаролар сайлов ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Фуқароларнинг давлат, жамият, шахс тўғрисидаги тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини янада теран англаши, уларнинг миллий мустақил тараққиёт учун аҳамиятини идрок этиши, олис мозийдан гувоҳлик берувчи сиёсий-ҳуқуқий таълимотларни мукамал билиши, айниқса бугунги жаҳон цивилизацияси жараёнларидан воқиф бўлиши сайлов ҳуқуқий маданиятини юксалтириш масаласининг нақадар долзарб эканлигини кўрсатади. Шу боис демократик сайловлар жараёнида фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш масаласи суд-ҳуқуқ соҳасида амалга ошири-

лаётган ислоҳотларнинг ҳам муҳим ўзагини ташкил этади. Бу жараёнда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси уларга берилган ваколатлар доирасида фуқаролар сайлов ҳуқуқларини ошириш борасида кенг қўлланма ишларни ташкил этаётганлиги айниқса, оммавий ахборот воситалари орқали ҳақиқатан ҳам сайлов демократия кўзгуси эканлиги очиқ ва ошкора намоён бўлаётганлиги фикримизнинг ёрқин исботидир.

Бундан ташқари, сайлов қонунчилигига оид шарҳлар, рисола, савол-жавоблар тариқасида тайёрланаётган турли туркумдаги илмий ва оммабоп қўлланмалар ҳам фуқаролар сайлов ҳуқуқий маданиятини оширишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Сайлов округлари ва участкалари томонидан жамоатчилик вакиллари жалб қилган ҳолда ўтказиладиган турли тадбир ва учрашувлар ҳам фуқаролар сайлов ҳуқуқий маданиятини оширишда муҳим ўрин тутди.

Бинобарин, сайлов жараёни иштирокчилари учун бир хил шароит ва имконият яратилганлиги, ташкилий-ҳуқуқий ва услубий таъминлаш билан боғлиқ ишларнинг самарали амалга оширилиши фуқароларнинг ўз субъектив сайлов ҳуқуқини, хоҳиш-иродасини эркин намоён қилишининг кафолати бўлиб хизмат қилади.

Мустақиллик йиллари Ўзбекистонда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқини амалга оширишнинг демократия мактаби шаклланди. Бу мактаб пойдеворини халқ ҳокимиятчилиги ташкил этади ва унга хизмат қилади. Бугунги кунда «Сайлов – демократия дегани, демократия – сайлов дегани» каби тушунча ва таърифларнинг мазмун-моҳиятини англаш демократик янгиланишларни амалга оширишнинг, қолаверса, бу борадаги ислоҳотлар энг аввало инсон манфаати учун хизмат қилаётганлигининг ёрқин исботидир. Сайлов демократия кўзгуси бўлиши баробарида, ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳолда мустақил тараққиёт йўлидан жадал одимлаб боришимизнинг ва кучли давлатдан кучли жамият сари интилишларимизни рўёбга чиқарувчи конституциявий ҳуқуқий воситадир.

Сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш де-

мократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Юртбошимиз Ислон Каримов таъкидлаб ўтганидек, «сайловлар – бу мамлакатимизда амалда бўлган ҳуқуқий нормаларнинг нечоғлиқ демократик руҳда эканини намоён этадиган, демократик ҳуқуқий давлатнинг узвий белгиси, халқнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишининг, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокининг асосий шакли бўлиб, ўта муҳим ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга масаладир. Шу муносабат билан ўтган давр мобайнида юртимизда самарали, демократик сайлов тизимини шакллантириш ва ривожлантириш соҳасида ғоят чуқур ўзгаришлар амалга оширилганини таъкидлаш ўринлидир». Боз устига, соҳага оид қонунчилик асосининг яратилиши халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган принциплари ва қонун талабларига тўлиқ жавоб берадиган икки палатали парламентга сайловлар ўтказишни ҳамда миллий сайлов тизимининг изчил ва босқичма-босқич либераллаштирилиши таъминлади. Президент Ислон Каримов таъкидлаганидек: «Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизни модернизация қилиш ва демократик ўзгаришларнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланган сайлов тизимимиз мунтазам такомиллашиб бормоқда. Шу билан бирга, бугунги кунда ҳаётнинг ўзи, айниқса, охири сайловда биз тўплаган тажриба юртимизда сайлов жараёнларини янада демократлаштириш масалаларини кун тартибига қўймоқда». Бундан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, сайлов қонунчилигини тадрижий такомиллаштириш борасида асослантирилган таклифларни ишлаб чиқиш ҳамда унинг норма ва тамойилларини унификациялаштириш юридик фаннинг, айниқса, конституциявий ҳуқуқнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлининг янги босқичида демократик янгиланишларни янада кучайтиришга эришилаётганлиги, фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирокини таъминлашда улар ҳуқуқлари амалга оширилишининг реал имконияти ва кафолати яратилганлиги оламшумул аҳамиятга эгадир.

КОНСТИТУЦИЯ – МУКАММАЛ ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ ПОЙДЕВОРИ

Истиқлолнинг беназир неъматидир, халқимиз даҳосидир ва тафаккурининг ҳосиласидир, давлатимиз мустақиллигининг ҳуқуқий рамзидир, фуқаролар ҳуқуқ ҳамда эркинликларининг ишончли кафолатидир бўлган *Конституциямиз қабул қилинганига йигирма йил* тўлди. Буюк келажак, нузли истиқбол сари шахдам одимлаб боришимизнинг ушбу шонли йиллари даврида Асосий қонунимиз Ўзбекистонда барпо этилаётган демократик ҳуқуқий давлат ва инсонпарвар фуқаролик жамиятининг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда.

Айни вақтда, Конституция давлат ва жамият ҳаётининг ҳуқуқий заминидир, мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик, осойишталик ва миллатлараро тотувликнинг асосидир. Давлатимиз раҳбари И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Конституция биз учун... ҳуқуқ, бурч ва мажбуриятларимиз мажмуасигина эмас. Балки, у ҳаётимизни фаровон этиш, уни чинакам қонуний асосда қуриш, ўз ҳақ-ҳуқуқларимизни таъминлаш, жамиятда қонун ва адолат устуворлигини ўрнатишнинг ҳаётбахш манбаидир»¹.

Конституциянинг аҳамиятига умумбашарий нуқтаи назардан баҳо бериладиган бўлса, у нафақат алоҳида давлат учун беқиёс қадрли ҳужжат, балки дунёвий миқёсда, бутун инсоният тараққиёти учун жиддий эътиборга молик қадриятдир. Конституция – инсоният тамаддунининг беназир маҳсули, кишилик жамияти ўз турмуши ва ижтимоий ҳаётини барқарор изга солиш мақсадида кашф этган буюк тарихий ютуқларидан бири. Инсоният ўзининг кўп асрлик тарихий тажрибасида шунга амин бўлдики, жамият ва давлат ҳаётининг мақсадли ҳамда режали кечишини таъмин-

ловчи, муҳим ижтимоий муносабатларни оқилона меъёрловчи тартиб-қоидалар мажмуи бўлмиш Конституцияга эҳтиёж мавжуд. Унда инсониятнинг ҳуқуқий онги ва тафаккурида шаклланиб, сайқал топган ҳуқуқий қоида ва мезонлар ўз ифодасини топади. Ҳар қандай конституция муайян жамият ва давлат олдида турган жуда муҳим ижтимоий-сиёсий, маданий ва ҳуқуқий вазифаларни ҳал этиш учун яратилса-да, ундаги ҳуқуқий ғоялар, принциплар, юридик қоида ва ечимлар, меъёр ҳамда мезонлар, бир томондан, алоҳида олинган давлат ва жамият манфаатларига хизмат қилса, иккинчи томондан, жаҳон ҳамжамиятининг ҳуқуқий-маънавий мулкидир, умумбашарий ҳуқуқий мерос ҳамда умумий конституциявий таълимотнинг таркибий қисми сифатида намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мамлакатимизда юритилаётган ҳуқуқий сиёсатнинг мазмун-моҳиятини ташкил этгани ҳолда, давлат қурилишининг устувор принципларини, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий тузум негизларини, жамият ривожланишининг стратегик йўналишларини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг меъёрларини белгилаб берган. У, аввало, инсон (фуқаро) манфаатларини устувор санаб, *фуқаро – жамият – давлат* ўртасидаги муносабатларнинг оқилона ҳуқуқий ечимига эришиш механизмларини мустаҳкамлаб қўйган.

Конституцияга мувофиқ, давлат ҳокимияти органларининг аввалги тоталитар тузумдан мутлақо фарқ қиладиган, ҳокимиятнинг бўлиниши принципига асосланган тизими яратилди. Уларнинг ҳар бири фаолиятида ҳуқуқий асосда авторитаризм ва тоталитаризмнинг хуружларини истисно этадиган чинакам

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи кафедраси бошлиғи, юридик фанлар доктори, профессор.

¹ Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурашимиз. Т.7. – Т., 1999. – Б.251 – 252.

демократик меъёрлар ва йўл-йўриқлар қарор топтирилди¹.

Конституциямиз бугун мамлакатда ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг таянчи, ҳуқуқий давлат барпо этишнинг қонуний асоси ҳамда инсон ва жамият манфаатларининг кафолати сифатида майдонга чиқмоқда. Конституция «янги Ўзбекистонни қарор топтириш жараёнидаги муҳим қадам..., суверен давлатимизнинг қонунчилик-ҳуқуқий негизини шакллантиришнинг асосий пойдевори, мустақил давлатчилигимизнинг тамал тоши бўлди»².

Ўзбекистон Конституцияси олий юридик кучга эга қонун сифатида давлатимиз қиёфасини, унинг ижтимоий-иқтисодий негизини, сиёсий тузумини, бошқарувнинг демократик принципларини, жамият тараққиётининг устувор соҳаларини муҳрлаб берди. У жамият миқёсида эришилган ўзига хос **ижтимоий келишувнинг** маҳсули сифатида намоён бўлиб, энг аввало, *давлат ҳокимиятини инсон ҳуқуқлари кўламига мутаносиб равишда меъёрлаш* ҳамда шу орқали ҳокимият билан фуқароларнинг ўзаро муносабатларини мувозанатлаш ва шаффофлаштириш вазифасини ўтамоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти 2010 йил 12 ноябрда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисида баён қилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш концепцияси»да тараққиётнинг «ўзбек модели» деб ном олган дастурнинг асосига Конституция ва қонун устуворлиги тамойили қўйилганлигига, барча эришилган ютуқ ҳамда марралар негизига Конституциямизнинг хизмати бекиёслигига урғу бериб, шундай деди: «Биз ишлаб чиққан ва бугунги кунда ҳаётга татбиқ этаётган ушбу моделнинг маъно-мазмунини – давлат қурилиши ва конституциявий тузумни тубдан ўзгартириш ва янгилаш, ... қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, ислохотларни босқичма-босқич ва изчил олиб бориш тамойилларига асослана-

диган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни амалга оширишдан иборатдир»³.

Мустақил тараққиётимиз йиллари мобайнида давлат ҳокимияти ва давлат бошқарувини демократлаштириш айнан Конституция асосида, унда мустаҳкамланган ҳокимиятлар тақсимланиши конституциявий принципини ҳаётга изчил татбиқ этиш, ҳокимият тармоқлари ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантириш, қонун чиқарувчи ва маҳаллий вакиллик органларининг ваколатлари ҳамда назорат функцияларининг таъсирчанлигини кучайтириш, судлов тизимини либераллаштириш ва суднинг мустақиллигини таъминлаш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси бугунги кунда барча давлат органлари, сиёсий партиялар, жамоат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда фуқаролар учун муқаддас ижтимоий-ҳуқуқий ҳужжатга айланди. Шу маънода, Президент Ислом Каримов баён этган мазкур Концепцияда таъкидланганидек, «мамлакатимизнинг демократик тараққиётини таъминлаш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий принципларини белгилаб берган Конституциямизнинг асосий қоида ва нормаларига таяниш алоҳида аҳамият касб этади»⁴.

Конституциямизнинг бекиёс кадр-қиммати шундаки, у нафақат истиқлолимизнинг бош ҳуқуқий кафолати, балки юксалиш ва камолот сари одимлаб боришимизнинг дастурул амалидир. Конституция ўзининг ҳуқуқий (қонуний) тартибга солувчи таъсир кучи орқали жамият ҳаётига уюшқоқлик, барқарорлик ва батартиблик хусусиятларини киритиб келмоқда. Аслида, ҳар бир конституциявий норманинг мазмуни ижтимоий эҳтиёжлар ва талабларни акс эттирганлиги боис, уларни самарали қўллаш – ижтимоий тараққиёт, ривожланиш ва юксалиш омили ҳисобланади.

Конституциямизнинг ғоявий мантиғига, ички фалсафасига эътибор берадиган бўлсак, у халқимизнинг адолатли жамият барпо этиш борасидаги интилишлари, эзгу истакларини

¹ Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. – Т., 1998. – Б. 183.

² Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т., 1998. – Б. 539.

³ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т., 2010. – Б. 3-4.

⁴ Ўша жойда. – Б. 3-4.

Ўзида мужассам этганлигига гувоҳ бўламиз. Бугун истиқлолимизнинг буюк тимсоли бўлган Конституциямиз халқимиз томонидан мўтабар ижтимоий-ҳуқуқий қадрият сифатида эъзозланаётгани бежиз эмас. Асосий қонуннинг ўта муҳим жиҳати шундаки, унинг барча қоидалари, бутун ички салоҳияти ҳуқуқий давлат ва фуқаровий жамият барпо этишга йўналтирилгандир. Унда ҳуқуқий давлатчиликнинг асосий тамойил ва белгилари ҳамда ижтимоий адолат принциплари мустаҳкамланган. Барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция ва қонунга асосланиши, қонунлар эса, ўз навбатида, Конституцияга мос бўлиши талаб қилинади. Қонун олдида барча баробар. Қонунга бўйсуниб мажбуриятдан ҳеч ким озод этилмайди.

«Конституциямиз аҳамияти ва моҳияти ҳақида гапирар эканмиз, – дейди давлатимиз раҳбари И. А. Каримов, – биз мамлакатимизда ҳуқуқий давлат, демократик жамият барпо этиш, инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини энг олий ҳамда устувор қадрият сифатида қарор топтириш борасида ўтган давр мобайнида қонунчилик соҳасида ва амалий сиёсатимизда қандай ютуқларни қўлга киритган бўлсак, уларнинг барчаси Конституциямизда муҳрлаб қўйилган талаб ва тамойиллар туйғуландир»¹.

Этиборли жиҳат шундаки, турмушимизда Конституциянинг ҳаётбахш кучи, барқарорлаштирувчи таъсири кундан-кунга ортиб бормоқда. Шак-шубҳасиз, Асосий қонунимиз жамиятни бирлаштирувчи ҳамда баҳамжиҳат этувчи, кенг оммани ислоҳотларнинг фаол иштирокчисига айлантирувчи муҳим омил сифатида майдонга чиқмоқда. Бу, ўз навбатида, ижтимоий тараққиётга эришишга, давлат ва жамиятнинг изчил ривожланишига хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Конституцияси олий даражадаги қонун сифатида давлатимизнинг қиёфасини, ижтимоий-сиёсий тузумини, ижтимоий раўнақимизнинг стратегик йўналишларини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатини ҳамда маънавий қадриятларимиз асосларини мустаҳкамлаб қўйгани билан ҳам этиборга моликдир.

Конституциямиз ҳамда унинг узвий қоидалари амал қилиши натижасида Ўзбекистонда демократик талабларга жавоб берадиган *конституциявий тузум* қарор топди. *Конституциявий тузум* – Конституцияда ифодаланган жамият ва давлат миқёсида қарор топган ҳаёт тарзи сифатида эътироф этилади. Мазкур тузум давлатнинг Конституцияси ва конституциявий қонунлари билан ўрнатилган ҳамда тартибга солинадиган ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий муносабатлар тизими демакдир.

Конституциямиз хилма-хил фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши ва ривожланиши, сиёсий партияларнинг эркин фаолияти, кўппартиявийлик тизимининг шаклланиши ва ривожланиши учун ҳуқуқий база яратди, сайлов тизимининг асосий принцип ва механизмларини тасдиқлади, сайлов эркинлиги, одамларимизнинг ўз хоҳиш-иродасини билдириш эркинлиги кафолатларини, ҳар қайси инсоннинг ҳокимиятнинг вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш, фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирок этиш каби ҳуқуқлари расмийлаштирилди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси демократик, адолатли ҳуқуқий тизим ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш борасида инсоният тўплаган энг илғор тажриба ва ғояларни ўзида мужассамлаштирган юсак мартабали ҳужжатдир. Ижтимоий адолат, демократия, инсон ҳуқуқлари, ҳокимиятларнинг тақсимланиши, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти тўғрисидаги илғор қоидалар ундан муносиб ўрин эгаллаган. Ўзбек халқининг кўп минг йиллик давлатчилик ва ҳуқуқий тараққиёти ютуқлари, унинг эрк, озодлик ва мустақиллик хусусидаги азалий орзу-умидлари ўз аксини топган.

Конституция шарофати билан ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллиги асосида ривожланмоқда. Ҳеч бир сиёсий партия яққа ҳоким бўлишига, ҳеч қайси партиянинг мафкураси давлат мафкураси даражасига кўтарилишига йўл қўйилмаслиги муҳити қарор топмоқда. Сиёсий партиялар парламент демократияси

¹ Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15. – Т., 2007. – Б. 96.

қоидалари ва талабларига риоя этган ҳолда Конституция ва қонунлар асосида фаолият юритмоқдалар. 2007 йил 11 апрелда Ўзбекистон Республикасининг «*Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида*»ги конституциявий қонуннинг қабул қилиниши ва Конституцияга тегишли ўзгартиришлар киритилиши мамлакатимиз сиёсий партиялари ривожда сифат жиҳатдан **янги босқични** бошлаб берди.

Сиёсий партиялар ҳуқуқий мақомининг янада такомиллаштирилганлиги, уларнинг давлат ҳокимияти органларини шакллантиришдаги иштироки кенгайганлиги, парламент доирасида (шу жумладан, ҳукуматнинг сиёсий йўлига муҳолафат бўла олиши қонунийлаштирилганлиги) фаолият юритишнинг юридик механизмлари аниқлаштирилганлиги кўппартиявийлик шароити билан боғлиқ мўътадил муҳитни яратди. Бу эса, ўз навбатида, жамиятда ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг кучли конституциявий-ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлади. Зеро, сиёсий партияларнинг фракциявий рақобати маърифий йўсинда, қонун доирасида олиб борилиши йўлга қўйилди.

Конституция адолатли юридик механизмлар ва демократик институтларни (сайлов, референдум, парламентаризм, кўппартиявийлик, сиёсий плюрализм ва бошқаларни) мустаҳкамлаш орқали жамиятда сиёсий барқарорликни, ижтимоий ҳамжиҳатлик ва тинчликни таъминламоқда, ижтимоий-сиёсий қатламлар ва гуруҳлар ўртасидаги кучлар нисбатини мувозанатга келтирмоқда. Жамиятдаги бутун ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий ҳаёт конституциявий тамойиллар ҳамда қоидалар асосида шаклланоқда. Айнан мана шундай конституциявий-ҳуқуқий ҳаёт тарзи ижтимоий тараққиётнинг ишончли кафолати ҳисобланади.

Ҳозирги кунда Конституция мамлакатда кенг қамровли иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий ислохотларни амалга оширишнинг, тамомила янги қонунчилик тизимини вужудга келтиришнинг замини сифатида гавдаланмоқда. Унда белгиланган мақсад ва вазифалар, ғоя ва принциплар мамлакатимиздаги ҳуқуқий ислохотларнинг асосий устуворликларини ва стратегик йўналишларини белгилаб бермоқда.

Конституциянинг юксак нуфузини эътиборга олган ҳолда унинг ҳар бир моддаси ҳаётимизда қатъий қўлланилишини, бевосита амал қилишини таъминлаш ниҳоятда муҳимдир. Конституциявий кўрсатмаларнинг ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан сўзсиз бажарилишини таъминлайдиган механизмларни яратиш долзарб вазифадир. Зотан, конституциявий тузум мустаҳкамлигининг энг муҳим шarti Асосий қонун нормаларининг тўғридан-тўғри, бевосита қўлланилиши ҳисобланади.

Конституциянинг ҳар бир қоидасини жамиятда умумий барқарорликни таъминлаш ва мамлакат тараққиётини кафолатлаш нуқтаи назаридан талқин этиш мумкин. Хусусан, Асосий қонунимизнинг 32-моддасига кўра, фуқаролар жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этадилар; 117-моддага мувофиқ, фуқаролар умумий демократик сайловларда иштирок этиш орқали давлат ҳокимияти органларига ўз вакилларини сайлайдилар. Бошқа бир қоидага биноан, фуқаролар ўз фаолликларини митинглар, йиғилишлар ва намойишлар шаклида амалга оширадилар (33-модда). Шу билан бирга, Конституцияда назарда тутилмаган тартибда давлат ҳокимияти ваколатларини ўзлаштириш, ҳокимият идоралари фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш, ҳокимиятнинг янги ва мувозий таркибларини тузиш Конституцияга хилоф ҳисобланади. Ўз навбатида, давлат бутун фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади (14-модда). Мазкур қоидалар жамиятда сиёсий барқарорлик ва осойишталикни таъминлаш орқали давлат ва жамиятнинг демократик йўналишда изчил ривожланишини кафолатлайди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси том маънода халқчил ва ижтимоий йўналтирилгандир. Унинг аксарият нормалари жамият ва фуқаролар манфаатини ифодалаб, оила, аёллар, кексалар, болалар, умуман фуқароларни ижтимоий ҳимоялашга сафарбар этилган (39, 46, 63, 64, 65, 66-моддалар).

Конституция бозор иқтисодиётига ўтишга, хусусий мулкчилик муносабатларини қарор топтиришга ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. У мулкчиликнинг хилма-хил шакллари тенглигини, иқтисодий фаолият юритиш ва

тадбиркорлик эркинлигини акс эттирувчи ғоя ҳамда қоидаларни мустаҳкамлаган. Унга кўра, хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат томонидан ҳимояланади. Асосий қонунга биноан, ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли. Фуқароларнинг мулкдор бўлиш ва мерос қолдириш ҳуқуқи қонун билан кафолатланади. Мулкдор ўз мулкига ўзи истагандек эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Давлат иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг ҳуқуқий жиҳатдан тенглигини ва қонун билан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди (36, 53, 54-моддалар). Ушбу конституциявий қоидаларга қатъий риоя этилиши жамиятда иқтисодий барқарорлик ва ривожланишни таъминлайди.

Шуни мамнуният билан эътироф этиш лозимки, мамлакатимиз парламенти хусусий мулкка оид конституциявий қоидаларни ҳаётга самарали татбиқ этишнинг ҳуқуқий механизмларини яратиш мақсадида 2012 йил июль-август ойларида Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунини қабул қилди. Қонунни мамлакат Президенти 2012 йил 24 сентябрда имзолади¹. Қонундан кўзда тутилган мақсад мамлакатда хусусий мулк ва у билан боғлиқ муносабатларни ривожлантириш ҳамда ҳуқуқий тартибга солиш, мулкдорлар ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ишончли кафолатлашдан иборат.

«Ҳозирги вақтда янги таҳрирда амал қилаётган «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги, «Рақобат тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунлар ва улар асосида имзоланган «Ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, шунингдек «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-тамоийилларини тубдан ўзгартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент фармонлари ва бошқа қарорлар

мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ривожлантириш, уни диверсификация ва модернизация қилиш ва бунинг учун зарур ишбилармонлик муҳитини шакллантириш ҳамда юртимизда инвестицион муҳит жозибадорлигини ва қулайлигини оширишнинг кафолати бўлиб хизмат қилиши лозим»².

Фуқароларнинг ҳуқуқий жиҳатдан муҳофазаланганлиги демократик давлатнинг муҳим кўрсаткичидир. Шунга урғу бериб таъкидлаш лозимки, *шахснинг ижтимоий ҳимояси* – фуқаролик жамиятининг устувор талаби бўлса, *шахснинг ҳуқуқий муҳофазаси* – ҳуқуқий давлатнинг асосий шартидир! Шу боис юртимизда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат барпо этиш вазифасини муваффақиятли удалаш учун Конституцияга қатъий таянган ҳолда ҳар бир инсон (фуқаро)нинг ишончли ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояси кафолатланиши лозим.

Юртимизда амалга ошаётган суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш ҳам пировардида инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлашга қаратилган бўлиб, бу соҳадаги ислохотларнинг замирида ҳам Конституция, одил судловнинг конституциявий принциплари ётибди. Давлатимиз раҳбари парламент мажлисида баён қилган Концепциясида ҳам суд ислохотлари борасида куйидагилар эътироф этилди. «Мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири, бу – қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатдир. Бир сўз билан айтганда, юртимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш ҳамда аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш биз учун ҳал қилувчи вазифа бўлиб қолмоқда».

Истиқлол йилларида суд ҳокимиятини босқичма-босқич мустаҳкамлаб бориш билан суднинг мустақиллигини таъминлаб, уни қатағон қуроли ёки жазолаш идораси эмас, балки инсон ва фуқаро ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ишончли ҳимоя ва муҳофаза этишга хизмат

¹ Халқ сўзи. – 2012. – 25 сент.

² Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир / Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи. – 2012. – 8 дек.

қиладиган том маънодаги мустақил давлат институтига айлантиришга қаратилган кенг кўламли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди.

Умумий юрисдикция судлари ихтисослаштирилиб, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судлар ташкил этилди. Буларнинг барчаси мамлакатимизда судлар ишини тубдан ўзгартириб юборди. Энг муҳими, фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиш кафолатлари кучайтирилди. Кассация инстанцияси ислоҳ қилиниб, суд ишларини қайта кўришнинг апелляция тартиби жорий этилиши натижасида фуқаролар қонуний кучга кирган биринчи инстанция суд қароридан норози бўлган тақдирда, ўз ҳуқуқ ва манфаатларини кассация инстанциясида, ўз адвокати иштирокида бевосита ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлдилар.

Иқтисодий жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан молиявий таъсир чораларини қўллаш имкониятлари кенгайтириб бораётгани, жиноий жазо тизимидан *мол-мулкни мусодара қилиш* тарзидаги жазо турининг чиқариб ташлангани, *етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган* тақдирда *озодликдан маҳрум қилиш* тарихидаги жазо қўлланмаслиги ҳақидаги қоидаларнинг киритилгани мамлакатимизда инсон, унинг кадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликларига олий қадрият сифатида қаралишининг яна бир ёрқин далилидир.

Шунингдек, ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиётига 2001 йилдан бошлаб *ярашув институти* киритилди ва у самарали амал қилмоқда. Мазкур институтнинг самарадорлиги ҳамда ўзбек халқининг раҳмдиллик ва кечиримлилик каби кўп асрлик аъналарига мослиги унинг изчиллик билан кенгайтириб боришига асос бўлмоқда. Ярашув институтининг жорий этилиши натижасида ўтган давр мобайнида 100 минг нафарга яқин фуқаро жиноий жавобгарликдан озод этилди¹. 2012 йил ўрталарига келиб бу кўрсаткич 131 минг нафарни ташкил этди.

Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов томонидан бугунги кунда сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий муносабатларнинг бутун тизимини модернизация қилиш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича олдимизда турган кенг кўламли вазифалар, жумладан, суд-ҳуқуқ

тизимини янада такомиллаштириш мақсадида амалга оширилиши лозим бўлган долзарб ташкилий-ҳуқуқий чоралар белгилаб берилди.

Жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борада амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан одамларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқлигини, бугунги сиёсий-ҳуқуқий воқеликни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президенти илгари сурган Концепцияда мамлакатимизда ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғиботини тубдан яхшилашга йўналтирилган мақсадли кенг кўламли чора-тадбирлар дастурини, шунингдек, инсон ҳуқуқлари соҳасида миллий ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш ва шу асосда инсон ҳуқуқлари бўйича маданиятни шакллантириш вазифасини қўйди.

Конституция қоидаларининг таҳлили, унинг нақадар теран демократик заминга, қудратли сиёсий-ҳуқуқий ҳамда маънавий-ахлоқий таъсир кучига эгаллигини исботлайди. Конституциянинг худди ана шу ғоявий, ҳуқуқий-мафкуравий, маърифий-тарбиявий салоҳиятини, мазмун-моҳиятини аҳоли кенг қатламлари, айниқса ёшлар онгига сингдириш олдимизда турган муҳим вазифадир.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси давлатимиз мустақилликка эришган дастлабки йиллардан оқ мамлакатимиздаги демократик ислохотлар йўлини ёритувчи, янги ҳаёт ва адолатли жамият яратишнинг ишончли асоси бўлиб хизмат қилмоқда. У Ўзбекистон давлати суверенлигининг ва эркин тараққий этишининг яққол тимсоли сифатида гавдаланмоқда. Реал ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг ўзи Конституциямизнинг улкан бунёдкорлик салоҳиятига эга эканлигини исботлаб турибди. Конституция ғоялари, принцип ва қоидаларини ҳуқуқий тафаккуримиз ҳамда маданиятимизнинг таркибий қисмига айлантириш юртимизда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишга пухта замин яратади. Зеро, бундай давлатчиликни қарор топтириш унинг сиёсий-ҳуқуқий мафкурасини ижтимоий онгимизга сингдиришдан бошланади. Ана шу йўналишда фаол ҳаракатланиш ҳар биримизнинг шарафли бурчимиздир.

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т., 2010. – Б. 22 –23.

КОНСТИТУЦИЯ И СТРАТЕГИЯ СУДЕБНЫХ РЕФОРМ

Конституция выполняет важную системообразующую роль во всем массиве законодательства и связана невидимыми нитями с механизмами, обеспечивающими стабильное развитие общества. Она, будучи основным устоем, «смысловым системным кодом» законодательства, обеспечивает его жизнеспособность и как все законодательство, с одной стороны, закрепляет определенную систему общественных отношений, с другой - препятствует развитию некоторых из них, исходя из посыла: человек, его права и свободы являются высшей ценностью.

Конституционные права и свободы человека есть способ взаимодействия личности с обществом и государством, обусловленный взаимными правами и взаимной ответственностью. Видимо поэтому ст. 19 Конституции Республики Узбекистан объявляет незыблемость прав и свобод гражданина, сложившихся до и вне государственного регулирования в качестве неотчуждаемых свойств личности, и возлагает на государство обязанность соблюдать и защищать признанные им права и свободы человека. Именно благодаря этой норме Конституции определены пределы публичной власти, границы его усмотрения.

Вместе с тем адекватное осознание личностью своих интересов и определение их соотношения с интересами государства и общества, ввиду отсутствия объективных причин противостоять интересам личности со стороны общества, позволяет достичь гармонии интересов действующих субъектов общественных отношений.

Важной же гарантией гармонии интересов личности, общества и государства является

равенство всех перед законом и судом, что усматривается из текста ст. 18 Конституции и ст. 16 УПК: «Правосудие по уголовным делам осуществляется на началах равенства граждан перед законом и судом, независимо от пола, расы, национальности, языка, религии, социального происхождения, убеждения, личного и общественного положения». Иными словами, обязанность каждого нести ответственность за содеянное независимо от его положения в обществе определяет меру свободы, границу автономии личности и пределы ее ограничения в общественных интересах. В этой связи ст. 20 Конституции предписывает: «Осуществление прав и свобод гражданином не должно нарушать законных интересов, прав и свобод других лиц, государства и общества». Значит, свобода сводится к праву и возможностям делать то, что не вредит другому. В пользовании естественными правами каждый человек ограничен лишь тем, чтобы пределы этого пользования обеспечивали за другими членами общества такое же пользование этими же правами. Эти пределы могут быть установлены лишь законом, воспрещающим действия, наносящие вред другим индивидам и обществу. Обеспечение такого рода запрета требует наличия государственной власти и силы. Однако их применение не должно выходить за пределы ограничений, определяющих границу государственного вторжения в сферу конституционных прав и свобод личности. Поскольку «каждый имеет право на свободу и личную неприкосновенность. Никто не может быть подвергнут аресту или содержанию под стражей иначе как на основании закона» (ст. 25 Конституции) и «каждый имеет право на

* Профессор кафедры уголовного процесса Академии МВД Республики Узбекистан, доктор юридических наук.

защиту от посягательств на его честь и достоинство, вмешательства в его частную жизнь, на неприкосновенность его жилища. Никто не вправе войти в жилище, производить обыск или осмотр, нарушать тайну переписки и телефонных разговоров иначе как в случае и порядке, предусмотренных законом» (ст. 27 Конституции). Эти положения развиваются в ст. ст. 17 и 18 УПК, в соответствии с которыми все государственные органы и должностные лица, ответственные за производство по уголовному делу, обязаны охранять права и свободы граждан, участвующих в уголовном судопроизводстве. Императив упомянутых конституционных и процессуальных норм содержит ряд прав и свобод личности, которые, по сути, являются гарантиями ограничения произвола представителей государственной власти, средствами контроля за их деятельностью. В этом плане закрепленный Конституцией обширный перечень судебных гарантий защиты прав и свобод личности (осуществление правосудия только судом, независимость судей и подчинение их только закону (ст. 111), презумпция невиновности (ст. 26), никто не вправе без суда лишить или ограничить права и свободы граждан (ст. 19) не только служит важнейшей гарантией при определении меры свободы личности, но и гарантирует государственную защиту прав и свобод человека и гражданина через судебную власть.

Одним словом, изменение приоритетов в системе общественных отношений и шкалы социальных ценностей детерминировало процессуальную активность личности и суда, предопределив искомые положения уголовной политики государства в условиях современных реалий. Стратегия борьбы с преступностью, которой придерживался правоприменитель, будучи политикой предупреждения социального отклонения, была оправдана издержками переходного периода, и словно склоненная чаша правосудия Фемиды она стимулировала применение лишь карательных средств воздействия в отношении граждан, вовлеченных в уголовно-правовой оборот. Ко всему, воинствующая по природе идеология не только попирала права виновных на защиту,

она попросту поощряла их жертвенное положение. Участие же потерпевших в уголовном судопроизводстве, как правило, ограничивалось обязанностью оказывать содействие сотрудникам следствия и дознания в раскрытии преступления и изобличении виновных лиц.

Более того, стратегия борьбы с преступностью, предусматривала консолидацию органов правоохранения и усиление обвинительной власти за счет судебного присутствия в ее стане. До недавнего времени суды оглашали обвинительное заключение, утвержденное прокурором, возбуждали уголовные дела, тем самым оформляя начало уголовного преследования.

Однако в век глобализации происходит смещение акцентов в психологии и сознании людей, породив ранее неизвестные формы преступного проявления. Теперь организованная, транснациональная преступность обретает конкретные очертания. Поэтому стратегия, которой придерживалось государство для борьбы с общеуголовной преступностью в контексте криминологической действительности, утрачивает свою прежнюю значимость, поскольку не всегда способна упредить нарушение водораздела между властью и криминалом. Его масштаб и глубина хотя и не выходят за пределы пороговых показателей, но представляют реальную угрозу криминализации общества.

Конечно же, стратегия защиты от преступности не может ссылаться только на традиционные институты романо-германской правовой семьи. Нынче востребована трансформация апробированных практикой и временем инструментов англо-саксонской школы права, активно используемых законодателями стран Западной Европы, в национальную уголовно-правовую систему. Она предполагает переход от карательного к восстановительному, альтернативному правосудию, которое рассматривает преступление как конфликт между лицом, его совершившим, и потерпевшим, что обусловило введение института примирения сторон и расширение основ частного обвинения. Точнее, диспозитивные начала уголовного судопроиз-

водства, оперируя концепцией компромисса, получили законодательную «прописку». На сегодня потерпевший наделен правом изъяслять свою волю в ходе предварительного расследования, в соответствии с которой определяется судебная перспектива уголовного дела или возбуждение уголовного преследования.

Во избежание тенденции по дальнейшей монополизации в правоохранительной сфере, в рамках механизма сдержек и противовесов был имплементирован институт «хабеас корпус», что оптимизировал статус суда, освободив его от выполнения несвойственных функций и возложив на него задачу по осуществлению контроля над предварительным следствием и дознанием, был установлен судебный порядок применения акта амнистии, освобождения от ответственности в связи с примирением сторон, отстранения от должности, помещения лица в медицинское учреждение.

Сформулированная законодателем процедура санкционирования судом ареста подозреваемого и обвиняемого лица изменила порядок применения данной меры пресечения и оказалась процессуальной версией материализации политики либерализации уголовных наказаний.

Укрепление же позиции адвоката в результате наделения его дополнительными полномочиями по осуществлению эффективной защиты в ходе досудебного производства следует расценивать как фактор, сдерживающий сторону обвинения от прессинга на суд. Наделение защиты правом собирать сведения, имеющие доказательственную значимость, и представлять интересы подзащитного на самой ранней стадии досудебного производства есть именно тот атрибут, который формируется по мере реализации принципа состязательности.

Процессуальное уравнивание обвинения и защиты порождает несколько иную парадигму отношений между дознанием и следствием, органами предварительного расследования и прокуратурой, прокуратурой и судом. В этих отношениях сейчас преобладают ведомственные интересы, не говоря уже о расслоении интересов дознания и следствия

внутри даже одного ведомства. В свою очередь, тенденция разобщенного подхода к выполнению задач уголовно-процессуального законодательства в условиях сохранения изживших способов сбора, проверки, оценки и процессуального оформления доказательств, процедур досудебного и судебного производства обретает необратимый характер.

Сложившаяся ситуация с ее столь очевидными издержками, порожденная классической моделью инквизиционного судопроизводства и организационно-правовым полем действия системы исполнения наказаний, розыска, правоохранительного ресурса предварительного следствия предписывает принятие кардинальных мер по реконструкции органов уголовной юстиции, особенно в плане обеспечения реальной независимости суда, которая во многом зависит от дальнейшей дифференциации полномочий судебных органов.

Примеры дифференциации, в частности, на уровне этапов процесса и процессуальных действий, в процессуальном законодательстве можно найти немалое количество. В их числе особые правила производства по делам несовершеннолетних, регламентация порядка апелляционного обжалования судебных решений. Дополнение системы правосудия самостоятельно функционирующей структурой - Высшим апелляционным судом с соответствующими подразделениями в областях есть единственная мера по преодолению ступенчатой схемы обжалования судебных решений и избежанию неоправданных процессуальных издержек, а исключение протестной практики прокуроров позволит сторонам обвинения и защиты в равной мере подавать апелляционную жалобу на решение судов первой инстанции. Это, *во-первых*.

Во-вторых, востребованность административных судов по рассмотрению дел, вытекающих из административных правонарушений, объясняется предоставлением возможности гражданам напрямую обращаться в суд по факту нарушения их законных прав должностными лицами.

В-третьих, производство же по уголовным делам об особо тяжких преступлениях коллегией присяжных заседателей, с одной стороны, свидетельствуя о логической завершенности законодательной схемы судебных слушаний в зависимости от степени тяжести содеянного, с другой - возложит на коллегию, как структуру общественного присутствия в уголовном судопроизводстве, ответственность за постановление вердикта о виновности лица.

В-четвертых, преобразование суда, в случае функционирования коллегии присяжных заседателей, из органа, констатирующего результаты предварительного расследования, в орган, исследующий доказательства на состязательной основе, возможно лишь при упрощенной форме досудебного производства, переход к которой поможет исключить громоздкую процедуру изобличения лица, совершившего преступление, и дополнительно оснастить арсенал адекватного противодействия криминалу. В этой связи признание единственной процессуальной формой досудебного производства - дознание, повысит оперативный уровень предварительного расследования за счет усиления полицейских начал в деятельности Министерства внутренних дел и создания на его базе сравнительно мобильных структур криминальной и муниципальной направленности.

В-пятых, формирование антикоррупционного комитета при Президенте Республики Узбекистан по расследованию коррупционных дел в отношении должностных и причастных им лиц в контексте ратификации парламентом международного договора 7 июля 2008 г. будет отвечать требованиям ст. 36 Конвенции ООН против коррупции от 31 октября 2003 г., где предложено «государствам - участникам, в соответствии с основополагающими принципами своей правовой системы образовать самостоятельный орган, специализирующийся на борьбе с коррупцией с помощью правоохранительных мер, и чтобы этот орган мог выполнять свои функции эффективно и без какого-либо ненадлежащего влияния».

Особенности контингента лиц, осужденных за коррупционные преступления, естест-

венно актуализируют проблему организации отбывания ими наказания в виде лишения свободы.

В-шестых, введение института субсидиарного обвинения усилит представительство интересов потерпевшего в уголовном процессе, а регламентация правового и процессуального порядка участия медиаторов (посредников) в досудебном и судебном производстве обеспечит правоприменительную эффективность института примирения сторон и будет свидетельствовать о его логичной обусловленности. Реализация же принципа реституции в уголовном праве гарантирует пострадавшему получение своевременной помощи по возмещению ему вреда с последующим взысканием выделенной суммы от осужденного в регрессном порядке.

В-седьмых, расширение правовых основ освобождения от уголовной ответственности и наказания также в случаях заключения соглашения о сотрудничестве с органами следствия и дознания наряду с регламентацией порядка его применения может свидетельствовать о практической состоятельности идеи процессуализации и некоторых институтов преступления и наказания, к примеру, снятие судимости, участие специалистов-психологов, психиатров, реабилитологов и т.д. при назначении судом наказания, условно-досрочном освобождении от отбытия наказания, замене наказания более мягким.

В-восьмых, корректирование действующей классификации преступлений в сторону сужения круга деяний, относящихся к числу менее тяжких в конечном итоге подведет законодателя к мысли о необходимости включения в уголовно-правовой оборот понятия «уголовный проступок» и дополнения УПК разделом о производстве по делам об уголовных проступках.

Разумеется, предполагаемые организационно-правовые решения содержат гуманную направленность, однако они не способны гуманизировать правоприменительный процесс. Гуманизация правоприменения предусматривает гуманизацию психологии правоприменителя.

КОНСТИТУЦИЯ – МИЛЛИЙ ҒОЯ ИФОДАСИ ВА ДЕМОКРАТИЯ КАФОЛАТИ

Ўзбек халқи қадимдан эркинликка, тинчликка, фаровонлик ва комилликка интилиб яшаган. Дунё халқлари томонидан халқимизнинг бағрикенг, тинчликпарвар, меҳмондўст сифатида баҳоланиши асосида ҳам уларнинг ана шу орзу-умидлари ва интилишлари ётади. Ўзбек халқининг орзу-истаклари ва манфаатларини ифода этувчи миллий мафкурамизнинг асосини Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик, ижтимоий ҳамкорлик ва комил инсон ташкил этади.

1992 йил 8 декабрь – энг муҳим тарихий сана, миллий байрам сифатида ўзбек халқи тарихидан муносиб ўрин эгаллади. Чунки халқимиз айнан шу куни ўз тарихида илк бор миллий ғоя ва демократик қадриятларга асосланган Конституциясига эга бўлди. Мустақил Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши ўзбек халқининг тарихий ютуғидир. Бугун халқимиз Конституциянинг 20 йиллигини нишонлаш арафасида турибди. Шу муносабат билан Конституция Ўзбекистон халқига нима берди, унинг афзалликлари нимадан иборат, деган саволларга тўхталиб ўтиш жоиз.

Авваламбор, Конституция ўзбек халқига мустақил, эмин-эркин яшаш ҳуқуқини берди. Тарихдан маълумки, ўзбек халқи ўзининг 3,5 минг йиллик давлатчилик тарихида 800 йилдан зиёд мустамлакачилик исканжасида яшади. Мустақил Ўзбекистон Конституцияси халқимизни қулликдан, тобеликдан халос этди. Халқимиз, ҳар бир инсон энг олий сиёсий ва ҳуқуқий қадрият бўлган эркинлик, мустақилликнинг ҳуқуқий кафолатига эга бўлди. Унда мамлакатимиздаги ҳар бир инсоннинг манфаатлари ифода этилган. Шу боис ҳар бир

эрксевар инсон учун Конституция қадридир.

Конституция миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни кафолатлади. Бу эса миллатлараро, конфессиялараро зиддиятлар келиб чиқишининг олдини олди. Чунки Ўзбекистон кўп миллатли ва кўп динли давлат бўлиб, унда 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари истиқомат қилади. Фақат миллатлараро тотувлик ғоясигина мамлакатимизда тинчлик ва тотувликни таъминлашга қодир. Шу боис Конституцияда «Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади» (4-м.), деган қоида мустаҳкамлаб қўйилган. Бугун ушбу қоида ҳаётга татбиқ этилган. 1992 йилда Республика байналминал миллий маркази ташкил этилди. Республикада 140 дан ортиқ миллий-маданий марказлар фаолият кўрсатмоқда. Миллий-маданий марказларни бирлаштирувчи «Халқ бирлиги» ижтимоий ҳаракати тузилди. Ҳаракатнинг «Халқ бирлиги» ҳафталик газетаси нашр этилмоқда. Республикада 11 тилда радиоэшиттиришлар, саккиз тилда (ўзбек, қорақалпоқ, рус, тожик, туркман, қozoқ, инглиз, корейс тилларида) газеталар нашр этилмоқда, умумий ўрта таълим тизимида етти тилда (ўзбек, қорақалпоқ, рус, тожик, туркман, қozoқ, қирғиз тилларида) ўқув машғулоти ташкил этилган.

Ўзбекистон қонунчилиги ва амалиётида «кўп сонли миллат», «кам сонли миллат» деган иборалардан фойдаланилмайди. Чунки, Асосий қонунда ҳеч бир миллатга имтиёзлар бериш назарда тутилмаган. Эслатиб ўтамиз, Рес-

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти кафедраси бошлиғи, фалсафа фанлари доктори, профессор.

публикамизда ўзбеклар аҳолининг 74,5%, руслар – 6,9, тожиклар – 4,8, қozoқлар – 4,1, татарлар – 2,6, қирғизлар – 0,9, яҳудийлар ва немислар – 0,1, бошқалар 6,0 %ни ташкил этади.

Давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланишда ҳам миллий белгилар инобатга олинмайди. Шу сабаб, давлат тизимида турли миллат ва элат вакиллари раҳбарлик лавозимларида меҳнат қилишяпти. Президентимиз Ислоҳ Каримов: «Республикада юздан зиёд халқлар ва элатлар яшаб турибди. Бизда барча этник гуруҳларга миллий маданиятларини, анъаналарини, тилларини ривожлантиришлари учун катта ва етарли имкониятлар бериляпти. Ўтиш даврининг қийинчиликларига қарамай, Ўзбекистонда сиёсий барқарорлик, тинчлик ва миллатлараро тотувлик сақланиб қолаётганлиги билан фахрланамиз»¹, – деган эди.

Айрим давлатлар қонунларида давлат раҳбари бўлиш учун шу мамлакатда туғилган (АҚШ) ёки этник миллатга мансуб (ГФР) бўлиши шарт эканлиги белгилаб қўйилган. Бундан кўринадики, миллатлараро муносабатлар борасида Ўзбекистон Конституцияси айрим ривожланган демократик давлатларнинг конституцияларидан ҳам демократикроқдир.

Дунёнинг айрим давлатларида бугун ҳам миллий асосда содир этилаётган тўқнашув ва урушларни кузатиш мумкин (Масалан, Озарбайжон ва Арманистон можароси, Ироқда араб ва курдлар ва ҳ.к). Бу давлатлар миллатлараро тотувликни таъминлаш борасида Ўзбекистон қонунчилиги ва амалиётидан фойдаланишса, айти мурда бўларди.

Ўзбекистоннинг миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш борасидаги тажрибаси жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида қизиқиш билан ўрганилмоқда. Хориж матбуоти, таниқли сиёсатчи ва раҳбарлар Ўзбекистоннинг миллий сиёсатига юксак баҳо беришмоқда. Дунёнинг баъзи давлатларида миллий-этник муносабатлар мураккаблашиб, айрим давлатларда

ҳам оз сонли миллат вакиллари камситиш ҳолатлари (*масалан, Қирғизистонда ўзбекларнинг қатағон қилиниши каби*) кузатилаётган бир пайтда, 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари, ҳамжиҳатлик, ҳамкорликда иноқ яшаётган, уларни ягона оила фарзандларидек бирлаштирган Ўзбекистон чиндан ҳам бугун бошқаларга намуна бўлмоқда.

Ҳозир ер юзида 6 мингдан зиёд миллат ва элат вакиллари яшаюпти. Бугунда тинчликни сақлаш учун миллатлараро тотувликнинг таъминланиши объектив заруратдир. Бир миллатни иккинчи бир миллатга қарши қўйиш, миллий қадриятларни менсимаслик, миллатчилик, шовинизми, фашизм каби иллатлар миллатлараро тотувлик ғояси ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланмаган ҳудудларда (масалан, Москва, Санкт-Петербург, Вильнюс, Львов шаҳарларида) кузатилмоқда.

Миллатлараро муносабатлар тинчлик масаласидир. Ер юзида тинчлик ҳукм суриши учун миллатлараро тотувлик сув билан ҳаводек зарур. Президентимиз бу масалага алоҳида эътибор қаратиб: «Ўзбекистоннинг бойликлари кўп, лекин бизнинг энг катта бойлигимиз, энг юксак қадриятимиз, бу – жамиятимизда ҳукм сураётган тинчлик, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликдир»², – деб бежиз таъкидламаган.

Динлараро бағрикенглик (толерантлик). Ўзбекистонда ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмаслиги ғоясининг Конституциянинг 31-моддасида мустаҳкамлаб қўйилиши мамлакатимизда виждон эркинлигини таъминлашда улкан аҳамият касб этди.

Ўзбекистон кўп динли давлат сифатида дунёга танилди. Бугун юртимизда 16 та диний конфессия фаолият кўрсатмоқда. Булар – Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Рус православ черкови Тошкент ва Ўрта Осиё

¹ Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 4. – Т., 1994. – Б. 141.

² Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. – Т., 2002. – Б. 181.

епархияси, Евангель христиан баптистлар черковлари иттифоқи, Рим-католик черкови, Тўлиқ инжил христианлар маркази, Ўзбекистон Библия жамияти, 1906 та масжид, 163 та христианлар черкови, 7 та яҳудийлар жамоаси, 7 та баҳойлар жамоаси, 2 та Кришнани англаш жамияти, 1 та православ ва 1 та тўлиқ инжил христианлари семинарияси ва бошқалардир. Ўзбекистон аҳолисининг 98,3% бирор динга эътиқод қилади. Уларнинг 86,3% мусулмон, 9 % православ, 3% бошқа динларга эътиқод қилади, 1,7% ҳеч қайси динга эътиқод қилмайди.

Конституцияга кўра, диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди, Ўзбекистонда диний руҳдаги сиёсий партияларнинг тузилиши ва фаолияти тақиқланади. Бу қоидаларнинг конституцияга киритилиши туфайли диндан сиёсий мақсадларда фойдаланишга чек қўйилган. (57,66-м.). Миссионерлик, прозелитизм, диний экстремистик фаолият учун жиноий жавобгарлик белгилаб қўйилган (ЖКнинг 145, 216²-моддалари). Шу сабабли, Ўзбекистонда диний руҳдаги зиддиятлар кузатилмайди. Юқоридагилар билан бирга диндорларнинг диний эътиқодига катта ҳурмат билдирилиб, улар учун барча шароитлар яратилмоқда. Жумладан, Ўзбекистонда Ислон университети ташкил этилди (1999), ҳар йили ҳаж сафари амалга оширилмоқда (20 йил ичида 50 мингдан ортиқ киши ҳаж сафарини амалга оширган). Қурбон ва Рамазон ҳайитлари диний байрамлар сифатида нишонланмоқда. Қуръони карим 300 минг нусхада нашр этилди. Буюк уламоларнинг номлари қайта тикланди (Имом Бухорий, Нақшбанд, Яссавий, Кубро ва бошқа).

Бугун дунёнинг айрим ҳудудларида диний руҳдаги зиддиятлар авж олмоқда. Масалан, Ироқда шиалар ва суннийлар, Европада православ ва католиклар, Ҳиндистонда мусулмонлар ва ҳиндулар ўртасидаги зиддият-

лар кучайган. Дунёда 3 мингдан ортиқ дин мавжудлигини инобатга олсак, диний зиддиятларнинг авж олдирилиши қандай мудҳиш оқибатларга олиб келишини тасаввур қилиш қийин эмас. Шу боис, диний толерантлик бугун дунё тинчлигини таъминлаш масаласидир. Диний толерантлик тинчлик йўлидир. Дунёда диний толерантлик таъминланмас экан, барқарор тинчликка эришиб бўлмайди. Ўзбекистоннинг диний толерантлик борасидаги сиёсати дунё халқлари учун ўрганишга молик тажрибадир.

«Юртимизда қабул қилинган ва қабул қилинаётган қонунлар ва ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, умуман, бугун бизнинг амалий ҳаётимизда қилаётган барча-барча ишларимиз мамлакатимизни ривожлантириш ва модернизация қилиш суратларини қай даражада жадал таъминлаб бераётганини, бизнинг олдимизга қўйган бош мақсадимизга, яъни Ўзбекистоннинг дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторидан жой олишидек буюк мақсадга қай даражада яқинлашаётганини англаш ва баҳолаш биз учун айниқса муҳимдир»¹.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ўзбек халқини ҳокимиятнинг эгасига айлантирди. Бунга «Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир» (7-м.) деган қоида асос бўлиб хизмат қилди. Ўзбек халқи тарихида ҳокимият «подшо»га, «монарх»га, «КПСС»га тегишли бўлган бўлса, илк бор мустақил давлатимизнинг Конституцияси шарофати билан ҳокимият халққа тегишли бўлди. Бу, таъкидлаганимиздек Ўзбекистон халқининг буюк ютуғидир. Халқимиз ҳокимиятнинг эгаси сифатида уч маротаба Президентлик (1991, 2000, 2007), тўрт маротаба Парламент (1994, 1999, 2004, 2009) сайловларида иштирок этиб, ўзининг ҳокимиятга бўлган эгаллик ҳуқуқини намоён этди. Сайловлар йўли билан халқ манфаатларига хизмат қилувчи ҳуқуқий демократик давлат барпо этилди. Конституцияда халқнинг давлат

¹ Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир / Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи. – 2012. – 8 дек.

бошқарувида билвосита иштирок этиши ҳам назарда тутилган. Унга кўра халқ сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат бошқарувида иштирок этиш, сиёсий партиялар орқали давлат ҳокимиятини шакллантириш, Оммавий ахборот воситалари (ОАВ), Нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ) орқали ижро ҳокимияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш ваколатларига эга бўлди. Бугун Ўзбекистонда 6 мингдан зиёд халқ депутатлари, 4 та сиёсий партия, 6 мингга яқин ННТ, 1200 та ОАВ халқ манфаати йўлида хизмат қиляпти.

Конституцияда давлат ҳокимиятининг тизими ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципи мустақамлаб қўйилиши натижасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви ривожланган демократик давлатларга тенглашмоқда. Икки палатали парламентнинг ташкил этилиши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайловларда кўпчилик депутатлик ўрнига эга бўлган сиёсий партияга – Бош вазир номзодини таклиф этиш, Олий Мажлисга эса Бош вазирга нисбатан ишонсизлик вотумини билдириш ҳуқуқларининг берилиши, мустақил суд ҳокимиятининг вужудга келиши (Олий суд, Олий хўжалик суди, Конституциявий суд ташкил этилиши), ўлим жазосининг бекор қилиниши Ўзбекистон Конституциясининг ривожланган демократик давлатлар конституциялари қаторидан жой олаётганини кўрсатади.

Конституция кўп партияли тизимнинг ҳуқуқий асосларини яратди. Бунга қуйидаги қоида асос бўлди: «Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас» (12-м.). Натижада яқка ҳокимликка асосланган коммунистик мафкура барҳам топиб, бир партияли тизим ўрнига кўп партияли тизим вужудга келди. Бугун партиялараро рақобат, фракциялараро кураш, сиёсий плюрализм воқеликка айланган. Ўзбекистоннинг демократик сиёсий тизимида сиёсий партияларнинг роли ортиб, ваколатлари кенга-

йиб боряпти. Ўзбекистон сиёсий партияларига Президентликка, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашлар депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқининг берилиши, уларнинг ҳокимият учун курашнинг қонуний асосларига эга бўлганликларини кўрсатади. Бу эса давлат ҳокимиятини зўрлик билан ўзгартириш, революция орқали ҳокимиятга босим кўрсатиш, сиёсий беқарорликни вужудга келтириш каби салбий ҳодисаларнинг олдини олиш имконини бермоқда. Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги 150 та депутатлик ўрнидан 135 тасига сиёсий партиялар эгаллик қиляпти.

Ҳуқуқий демократик давлатнинг «қонун – бу ҳокимият» деган тамойилидан келиб чиқсак, ҳокимият сиёсий партияларга тегишлидир. Бугун қонунлар сифатига ҳам сиёсий партиялар масъулдир. Демак, Ўзбекистонда Конституциямизнинг II бобида баён этилган халқ ҳокимиятчилиги ҳаётда ўз ифодасини топган десак бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг афзалликлари ҳақида сўз юритганда қуйидагиларни таъкидлаб ўтиш жоиз.

Биринчидан, Конституция инсонпарварлик ғояларига содиқ қомусдир. Бош қомусда «...инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадрқиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият...» сифатида эътироф этилган (13-м.), шу боис «инсон – жамият – давлат» тизимида инсон ҳуқуқларига устуворлик берилган. Бу эса жамият, давлат инсоннинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий-маънавий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилиши лозимлигини билдиради. Олий Мажлис ҳузурида Омбудсман институтининг (1995 йил), Вазирлар Маҳкамаси қошида Инсон ҳуқуқлари Миллий марказининг (1996 йил) тузилиши, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури (1997 йил) доирасида комил инсонни тарбиялаш жараёнлари Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларига давлат сиёсати даражасида эътибор қаралаётганидан далолат беради.

Иккинчидан, Конституцияда умуминсоний ва миллий қадриятлар уйғунлиги таъминланган, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган

қоидалари устунлиги тан олинган. Ушбу қоида амалиёти Асосий қонуниимизнинг дунё халқлари томонидан энг демократик конституциялардан бири сифатида эътироф этилишига сабаб бўлди.

Учинчидан, Конституциямиз тинчликпарварлиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Ташқи сиёсатнинг мафкуралардан холи эканлиги, ҳар қандай халқаро муаммоларни тинч йўл билан ҳал этиш, ҳарбий-сиёсий блокларга аъзо бўлмаслик, ўзга ҳудудларда содир этиладиган ҳарбий ҳаракатларда иштирок этмаслик, Ўзбекистон Қуролли Кучлари фаолиятининг мудофаага қаратилганлиги – буларнинг ҳаммаси Асосий қонуниимизнинг тинчликпарварлик ғоясига содиқлигини англатади. Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори ортиб боришида Конституциямизнинг ўрни бекиёсдир. Президент Ислон Каримовнинг Афғонистонда тинчлик ўрнатишга қаратилган «6+3 гуруҳи»ни тузиш БМТ Хавфсизлик Кенгаши таркибига Германия, Япония, Ҳиндистонни киритиш, Афғонистонга қурол олиб кирилишига «эмбарго» эълон қилиш тўғрисидаги халқаро ташаббуслари ҳам Конституциямиз мазмунидан келиб чиққан.

Тўртинчидан, Конституция Ўзбекистон халқига, ҳар бир фуқарога мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини берди. Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этадиган бўлди (53-м.). Халқ умуммиллий бойликларнинг эгасига, ҳар бир фуқаро моддий ёки интеллектуал мулк соҳибига айланди. Бугун мамлакатимизда «мулкдорлар синфи» пайдо бўлди. Шахсий, хусусий, жамоа, давлат мулклари ўртасида рақобат муҳити вужудга келди. Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясига олинди. Маълумки, мулксиз инсон эркисиз, тобе инсондир. Мулксизлик инсонни люмпенлаштиради (уни қашшоқлаштиради, инсонийликдан айиради, фикрсизлик, қулликка етаклайди). Демократия мулксизлар жамияти эмас, аксинча, мулкдорлар жамиятидир. Эркинлик асосида ҳам мулк ётади. Мулксиз эркинлик уйсиз одамнинг уйим бор дея хаёл суришини эслатади. Советлар даврида «ер – деҳқонларга, завод ва фабрикалар – ишчиларга» дея

инсонларни йўқ нарсага ишонтаришга ҳаракат қилинди.

Ўзбекистон Конституцияси ҳар бир инсонни мулксизлик, эркисизликдан халос этиб, уларни мулкдорларга айлантирди. Бу халқимизнинг ютуғи, Бош қонуниимизнинг ҳаётбахш кучи, унинг асосий афзаллигидир.

Бешинчидан, Конституциямизнинг афзалликларидан яна бири, унинг жамият талабларига мос тарзда ўзгариб бориши ва унда ижро механизмнинг мавжудлигидир. Бош қомусимиз мутлақ ҳақиқатларга даъвогарлик қилмайди, у қотиб қолган (догма) эмас, амалий ҳаракатнинг ҳуқуқий дастуридир. Конституцияда ифодаланган халқ манфаатларини ифода этувчи ғоялар қонунлар, ижро механизмлари орқали ҳаётга татбиқ этилмоқда. Халқимизнинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти, турмуш фаровонлиги юксалишига мос равишда бош қонуннинг ривожланиши объектив жараёнга айланди. Бунга 20 йил давомида Конституцияга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларни эслаш жоиз. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг «Референдум яқунлари ва давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг асосий принциплари тўғрисида» (2003 йил), «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги (2007 йил) конституциявий қонунлари, Президент Ислон Каримовнинг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»даги қонунчилик ташаббусига кўра қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»ги қонуни шулар жумласидандир.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси Ўзбекистон халқи манфаатларини ифода этувчи, миллий ғоя ва умум эътироф этган демократик қадриятларга хизмат қилувчи, амалий аҳамиятга эга бўлган тинчликпарвар ҳаракат дастуридир.

К. В. Джавакова*

КОНСТИТУЦИЯ – ПРАВОВАЯ ГАРАНТИЯ ЗАЩИТЫ ИНТЕРЕСОВ НАРОДА

Нет большего счастья для меня, чем свобода Родины, благополучие народа, процветание страны, благосостояние каждой семьи на нашей священной земле.

И.А.Каримов

Счастье каждый человек понимает по-своему. Одни отождествляют счастье с удовольствием, другие – с полным удовлетворением своих потребностей, третьи связывают свое представление о счастье с карьерой...

Однако ни забвение, ни наслаждение, ни удовлетворение всех потребностей, ни власть не приносят, видимо, настоящего счастья, они дают лишь имитацию счастливой жизни, после которой быстро наступают пресыщение и разочарование.

Мудрецы считали, что единственно возможный вид счастья – это жизнь в согласии с самим собой, без страха, без напрасных надежд и мечтаний, в спокойном и ясном видении проблем и невзгод. Счастье – это внутренняя умиротворенность, когда вместо страха и забот жизнь проникнута пониманием святости каждой прожитой минуты, красоты окружающего мира, которые отражаются в душе человека. А это возможно лишь в условиях мира, спокойствия и согласия, которые обеспечивает нам Конституция.

Народ Узбекистана на протяжении веков, тысячелетий мечтал о справедливом государстве, благополучном обществе и свободной жизни. Такое государство, общество и свободная жизнь воплощены в нашей Конституции, в ней определены ее формы и моральный облик. 20 лет, прошедшие со дня принятия Конституции Узбекистана, подтверждают правильность заложенных в

ней принципов и положений, на основе которых создана законодательная и правовая база, обеспечивающая демократизацию, либерализацию, а также практическое обновление всех сторон нашей жизни.

Конституция Узбекистана преследует такие благородные цели, как верность идеям прав человека и государственной независимости, осознание глубокой ответственности перед нынешним и грядущим поколениями, опора на исторический опыт узбекской государственности, уважение к демократии и законности, признание общепринятых принципов международного права, обеспечение достойной жизни гражданам, создание гуманного правового общества и, наконец, обеспечение мира и национального согласия. Главное заключается в том, что Конституция выполняет миссию великого университета, который дает нам уроки того, какими качествами мы должны обладать, чтобы построить общество, о котором мечтали, быть достойными этих светлых дней. Конституция определила права и обязанности и государства, и общества, и каждого гражданина. И не только определила, но и связала, скоординировала их друг с другом. Конституция закрепила приоритетность прав и свобод человека, более трети норм посвятив вопросам обеспечения их защиты. Узбекистан является полиэтничным государством, в котором проживают более 130 наций и народностей. В связи с этим принцип равенст-

* И.о. профессора кафедры политологии и философии Академии МВД Республики Узбекистан, доктор философских наук.

ва всех его граждан перед законом, независимо от пола, расы, национальности, вероисповедания, политических и религиозных убеждений, имущественного и должностного положения, места жительства, принадлежности к общественным объединениям, а также других условий личного или общественного характера имеет особо важное значение.

Конституция Республики Узбекистан - это Основной Закон государства, правовая основа общественной жизни, документ, придающий силы в стремлении к счастливому будущему. Именно в Конституции нашли свое отражение механизмы и гарантии реализации прав и свобод человека, четко определены интересы всех слоев общества. Это документ, вобравший в себя общечеловеческие ценности, которые прошли проверку временем, разработанный с использованием опыта развитых цивилизованных государств. Каждой своей статьей и общим смыслом наша Конституция отражает сформировавшиеся еще со времен Ходжи Ахмада Яссави, великого Амира Темура и Темуридов национальное мышление, непреходящие ценности ислама; свойственные нашим людям качества справедливости, правдивости, веры, благородства, доброты, щедрости и мужества. Конституция вобрала в себя самые лучшие качества людей, живущих в Узбекистане: мировоззрение, основанное на прочных принципах, человечность, доброту, уважение к себе и к другим, стремление к познанию и науке, достоинство, совесть, целомудрие, сдержанность. Одним словом, Конституция на деле служит утверждению мира, свободы, братства и дружбе народов и наций, стабильности в стране и на планете.

Если в советский период в Конституции Узбекской ССР была узаконена приоритетность государственных интересов над интересами человека, то в Основном Законе Узбекистана ясно определен другой принцип: и государство, и общество, прежде всего, должны служить человеку, защищать его интересы и права. Это говорит о том, что главная цель в осуществлении внутренней и внешней политики, реформ во всех отраслях экономики видится в соответствии с этим принципом.

Если проанализировать содержание и статьи Конституции, можно заключить, что каждый раздел, глава и статья направлены на защиту свободной и счастливой жизни каждого человека. Так, в Конституции открыта дорога для предпринимательской инициативы и свободных рыночных отношений. Очевидно, что предоставление гражданину конституционного права на частное владение имуществом способствует укреплению в человеке чувства собственного достоинства, независимости от чужой воли, его активной инициативной и созидательной роли в обновлении и развитии нашего общества. Далее, государство защищает законные интересы политических партий, общественных объединений, создает равные правовые возможности для их участия в общественной жизни; большое внимание уделено вопросам свободомыслия, свободы совести и религиозных убеждений, закреплена механизм взаимодействия законодательных, исполнительных и судебных институтов власти; четко определены полномочия Олий Мажлиса Республики Узбекистан, Президента Узбекистана, Кабинета Министров, институтов судебной власти: Конституционного суда, Верховного суда, Высшего хозяйственного суда и др.

Особо следует отметить, что защита прав и свобод человека (личных, политических, экономических, социальных, культурных) - неукоснительная обязанность всех государственных органов. Человек должен быть уверен в том, что сам определяет свою судьбу, не забывая при этом о своей ответственности за собственные решения и поступки. Президент И. А. Каримов не случайно обращает наше внимание на тот факт, что «если бы этот основополагающий принцип приоритета прав человека над государственными интересами нашел свое полное претворение в нашей жизни, прежде всего в сознании и деятельности государственных чиновников, руководителей, если бы они полностью прониклись значимостью этого принципа, то есть чувствовали бы себя не напыщенными господами, начальниками, а людьми, которые служат народу, оказавшему им доверие, то сколько бы было предотвращено неблагоприятных поступков и дел».

Конституция - это документ не только большого политического и юридического звучания, но и огромного эмоционального воздействия. Она вдохновляет граждан общества на труд, на подвиг во имя интересов Узбекистана. Конституция, способствуя творческой активности граждан, вместе с тем подчеркивает, что успешное развитие общества, демократии, прав и свобод может происходить только в рамках строгого соблюдения законности. Демократия и законность неотделимы. Как говорил известный ученый Узбекистана Ш. З. Уразаев, «закон это не доброе пожелание, а государственное веление, обязательное, неукоснительное». Законы – это социальная ценность, выражающая в точно определенной форме волю народа. Законы выступают как организующая и дисциплинирующая людей сила, как олицетворение в праве необходимого в обществе порядка, как судья, как арбитр, как выражение справедливости, гуманности, здравого смысла.

Знание смысла и содержания Конституции, глубокое изучение ее сути позволит каждому гражданину общества найти ответ на многие злободневные вопросы. Сегодня актуальным остается вопрос повышения политико-правовой культуры наших граждан. Ведь только просвещенный, духовно-нравственный человек, обладающий широким спектром личных, политических, социальных, экономических, культурных прав и свобод может активно участвовать в жизни страны, творчески реализовывать себя не посягая при этом на права и свободы других людей.

Очевидно, что с каждым годом наша Конституция приобретает все более важное значение в развитии страны, в судьбе нашей Родины и народа. Это объясняется тем, что на пути независимости и самостоятельного развития мы обретаем все больший опыт построения нового общества, преодолевая ранее не встречавшиеся испытания, движемся вперед к своим целям. И граждане Узбекистана осознают, что достигнутые нами успехи, мирная и спокойная жизнь, наша вера в завтрашний день, рост авторитета страны на международной арене базируются на

правовых основах, определенных и установленных в Конституции.

За годы действия Конституции создан целостный правовой механизм реализации Основного Закона – приняты кодексы, законы, ратифицированы международные договоры, которые закрепляют и реализуют основополагающие принципы демократического развития. И вместе с тем, Конституция это творческий документ, который постоянно совершенствуется. Об этом свидетельствуют те изменения и дополнения, которые были внесены в Основной Закон за годы независимости, а также предложенные Президентом И. А. Каримовым законодательные инициативы в «Концепции дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества в стране». Так, принятый Закон Республики Узбекистан «О внесении изменений и дополнений в отдельные статьи Конституции Республики Узбекистан (статьи 78, 80, 93, 96 и 98)» направлен на дальнейшее повышение самостоятельности и ответственности исполнительной власти, усиление роли и контрольных функций парламента за деятельностью исполнительной ветви власти, зрелости политических партий за судьбу и будущее страны. Можно сказать, что сформирована прочная правовая основа для дальнейшего усиления самостоятельности исполнительной, законодательной и судебной ветвей власти, обеспечения их согласованного функционирования и взаимодействия. Вместе с тем реализация этих законов сыграет важную роль в повышении уровня правосознания и правовой культуры граждан, улучшении качества их жизни.

Таким образом, каждая статья Конституции отражает механизм реализации прав и свобод граждан, их интересов, что способствует состоянию удовлетворенности, полноте и осмысленности жизни, осуществлению своего человеческого назначения. Конституция выражает представление о том, какой должна быть жизнь человека, создает условия для всестороннего развития личности, наполняет жизнь человека тем высшим смыслом и дает то глубокое удовлетворение, которые приносят человеку ощущение счастья.

Р. Э. Турдибоева*
Ф. М. Мирзақулов**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ – ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ НЕГИЗИ

*...Ўтган давр мобайнида босиб ўтган мураккаб
йўлимизга яна бир бор назар ташлаб, мустақил
тараққиётимиз давомида амалга оширган
ишларимиз, эришган натижаларимизни ҳолисона
баҳолаш ва уларнинг моҳияти ва аҳамиятини кенг
жамоатчилик, бутун халқимизнинг эътибори ва онгу
шуурига етказиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман.*

И.А.Каримов

Мустақиллигимизнинг ҳуқуқий асоси сифатида қабул қилинган ва халқимизнинг иродаси, руҳияти, ижтимоий онги ва маданиятини ўзида акс эттирган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинганига 20 йил тўлди. Инсоният тарихи олдида ушбу муддат жуда қисқа саналса-да, аммо ҳаётда бу бир инсоннинг улғайиб, вояга етиб 20 ёшга тўлиши билан тенг. Мана шу давр мобайнида Асосий қонунимиз жамиятимиз ҳаётининг ҳуқуқий таянчи ва буюк келажакимиз йўлидаги ёрқин маёққа айланиб, турмуш синовларидан муваффақиятли ўтиб келмоқда.

«Ўзбекистонимизнинг мустақил тараққиёт йилларида эришган барча-барча ютуқ ва марралари, унинг улкан суръатлар билан ўсиши, аввал Конституциямизнинг ҳаётбахш қудрати ва салоҳиятини унда мужассам бўлган принциплар, қоида ва нормаларнинг нақадар чуқур ўйлангани, ҳар томонлама

мустаҳкам асосга эга эканини яққол намоён этди»¹.

Президент Ислом Каримов бундан ўн йил муқаддам, яъни Конституциямизнинг 10 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида² Асосий қонунимизнинг ўтган 10 йил мобайнидаги амал қилиш тажрибасини умумлаштирган ҳолда ҳали олдимизда турган вазифалар жуда кўплиги ҳақида тўхталиб, уларнинг энг муҳимларидан бештасини кўрсатиб ўтган эди. Бугун ушбу беш йўналишдаги вазифаларнинг ўз ечимини топганлиги ва уларнинг бугунги кундаги ижросига тўхталиб ўтиш жоиздир:

«Конституциямиз ҳаётимизда ўз аксини тўлиқ топиши учун ... замон талаб қиладиган кўпгина янги қонунларни қабул қилиш...» **биринчи вазифа** қилиб белгиланган эди.

Ўтган ўн йил ичида бу вазифа ижроси бўйича кўп ишлар амалга оширилди. Биргина қонунчилик борасида икки палатали парламентга ўтишимиз, профессионал палатанинг

* ТошДАУ қошидаги Қибрай академик лицейи директори, юридик фанлар номзоди, доцент.

** ТошДАУ гуманитар фанлар кафедраси катта ўқитувчиси.

¹ Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир / Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи. – 2012. – 8 дек.

² Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё, ҳамкорлик йўли. Т.11.– Т. 2002.– Б. 34-35.

жўшқин фаолияти натижасида юздан ортик қонунларнинг қабул қилиниши бунинг яққол далилидир.

Президент **иккинчи вазифани** қуйидагича белгилаб берган эди: «Жамиятимизда қонун устуворлигига эришиш учун ҳокимиятнинг уч тармоғи – қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятининг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш зарур. Шундагина ҳокимият тармоқлари орасида том маънодаги мувозанат қарор топади, содда қилиб айтганда, адолат тарозиси бузилмайди».

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 89-моддасига киритилган ўзгартишга мувофиқ, эндиликда «Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғи» эмас, балки «давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди»ган бўлди. Шунингдек, мамлакатимизда ҳокимият тизимини ислоҳ этиш борасида қатор янги қонунлар қабул қилинди, Конституция ва қонунларга республикаимизда кечаётган демократлаштириш жараёнларини акс эттирувчи бошқа ўзгартиш ва қўшимчалар ҳам киритилди.

2010 йил ноябрь ойида Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовнинг «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»³ номли маърузасида таклиф этилган устувор йўналишлардан бири ҳам давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришдир. Ушбу йўналишдаги ишлар давлат ҳокимиятининг учта субъекти, яъни давлат бошлиғи бўлган Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлаш учун зарур шарт-шароитларни юзага келтирмоқда. Шунингдек, суд тизимини ислоҳ этиш борасида қўйилган қатор вазифалар ҳам ўз ечимини топди.

Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этишни шартли равишда бир неча босқичга ажратишимиз мумкин. Биринчи босқичда (1991–2000 йилларда) амалга оширилган ислоҳотлар натижасида, янги одил судлов тизими тузилиб, судлар ихтисослаштирилган бўлса, ислоҳотларнинг 2-босқичида (2001–2010 йилларда) инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясида суд ҳокимиятининг ролини ошириш, жиноий жазони либераллаштириш, судга қадар бўлган босқичда суд назоратини кучайтириш ҳамда амнистия актини қўллашда суд тартибини ўрнатиш; адвокатура институтини, ижро иши юритишни ва процессуал қонунчиликни такомиллаштириш ва шу каби бир қанча муҳим масалалар ҳал қилинди.

«Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да таклиф этилган иккинчи устувор йўналиш суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш билан боғлиқ бўлиб, бу борада белгиланган вазифалар амалга оширилганида суд назоратининг кучайиши, жиноят процессида «Хабеас корпус» институтининг қўлланиш соҳаси янада кенгайишига эришилади; энг муҳими, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида умумэътироф этилган принциплар ва халқаро ҳуқуқ нормаларининг амалга оширилиши таъминланади.

Шунингдек, суд мажлисида айблов хулосасини ўқиб эшиттириш мажбуриятини фақат прокурор зиммасига юклатиш ва ЖПКдан суднинг жиноят иши қўзғатишга доир ваколатини чиқариш каби нормалар суднинг мустақиллиги, холислиги ва беғаразлигини таъминлашга, жиноят процессида тортишув принципини кучайтиришга хизмат қилади.

Учинчи вазифа «ижро ҳокимияти ва идораларининг, яъни бу ҳокимлик ёки вазирлик бўладими – умуман мансаб курсида ўтирганларнинг ўзига юкланган вазифани адо этишда масъулияти ва жавобгарлигини янада ошириш» деб белгиланган, айна вақтда бу

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т., 2010.

талаб аввало, маъмурий идоралар, қонунни муҳофаза қилувчи органлар ва ташкилотларга тегишли эканлиги кўрсатилган эди.

Мамлакатимизда бу борада ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғиботини тубдан яхшилашга йўналтирилган мақсадли, кенг кўламли чоратадбирлар дастурини ишлаб чиқиш орқали, аҳолининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишини, фуқароларда қонунга итоаткорлик туйғусининг янада ортишини таъминлашга эътибор қаратилган. Барча соҳаларда, Асосий қонунимизнинг 2-моддасида кўрсатиб ўтилганидек, давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар, 14-моддасида белгиланганидек, давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади.

«Концепция»да таклиф этилган иккинчи устувор йўналиш суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этишда «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши эса фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, қонунийликка риоя қилишнинг реал ҳуқуқий кафолатларини яратишга йўналтирилган ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг, авваламбор, ички ишлар идораларининг бу соҳадаги фаолияти янада либераллашувини таъминлашга олиб келади.

Тўртинчи вазифа қилиб «нодавлат ва ижтимоий, ўзини ўзи бошқариш ташкилотларининг ва фуқаролик институтларининг роли, ўрни ва моҳиятини, уларнинг давлат корхоналари устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш зарурлиги» белгиланган, бу йўналишда бугунги кунда фақатгина биринчи қадамлар ташлангани таъкидланган эди.

Ушбу вазифалар Юртбошимиз томонидан долзарб деб қўйилганидан буён ўтган ўн йил ичида бу борада салмоқли ишлар амалга оширилди. Жамоат ташкилотларининг сони ва жамиятдаги фаоллиги ошди, улар фаолияти-

нинг ҳуқуқий асослари яратилди. «Кучли давлатдан кучли жамият сари» концепцияси босқичма-босқич амалга оширилиб келинмоқда.

«Концепция»да таклиф этилган бешинчи устувор йўналиш ҳам фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантиришга бағишланган. Унга кўра фуқаролик жамияти институтларининг янада ривожланишига эришишда «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши, ННТ ва давлат тузилмалари ўртасида муносабатларининг аниқ чегараларини белгилашга ёрдам беради.

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Бунда маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, шунингдек, унинг давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимидаги вазифаларини янада кенгайтириш назарда тутилган.

«Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари сайлови тизимини янада такомиллаштириш бўйича оқсоқоллар ва уларнинг маслаҳатчилари энг муносиб фуқаролар ичидан сайланишини, фуқаролар ижтимоий фаоллигини кучайтиришда маҳалланинг аҳамияти ва роли оширилишини таъминлайдиган чора-тадбирларни назарда тутадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

«Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши эса жамоатчилик назоратининг турлари, шакллари ва субъектларини, назорат предметини, уни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмларини, шунингдек, мазкур соҳада амалдаги қонун ҳужжатларини ижро этмагани учун мансабдор шахсларнинг

жавобгарлиги шартларини белгилаб қўйишга ёрдам беради.

Бешинчидан, жамоатчилигимиз, аҳолимизнинг сиёсий ва ижтимоий савияси ҳамда фаоллигини ошириш даркор. Мен бу масалани биринчи даражали масалага айлантириш керак, деб ўйлайман, деган эдилар Юртбошимиз.

Бу борада фуқароларнинг ҳуқуқий ва сиёсий онги ва маданиятини, фаоллигини ошириш мақсадида давлат ва нодавлат ташкилот ҳамда муассасалар фаолият юритмоқдалар. Биргина оммавий ахборот воситаларининг ёки таълим муассасаларининг турли жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда олиб боришаётган чоратадбирларини мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Яъни фуқароларимиз, айниқса ёшларимизнинг маънавий етук бўлишлари учун аввало оила, маҳалла, таълим муассасалари ва бошқа давлат ва нодавлат ташкилотлари, қолаверса ушбу долзарб масалага бефарқ бўлмаган ҳар бир фуқаро ўз фаолиятини олиб бормоқда. Дарҳақиқат, адолатли фуқаролик жамиятининг асосини, тўлақонли фуқаролик позициясини эгаллаган шахслар ташкил этар экан, бу масала доимо долзарблигича қолади. Фуқаролик жамиятида Конституция ва қонунларга риоя этиб яшаш аҳолининг кундалик ҳаёт тарзига айланиши керак. Айниқса, ҳуқуқий-сиёсий ахборотни аҳолига етказиб беришда ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланилаётганлиги, Интернет тизими орқали қонунчилик базасидан бепул фойдаланиш имкониятлари яратилганлиги жамиятда ҳуқуқий ва сиёсий маданиятни юксалтиришга ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Шахс маънавияти ҳақида гапирганда, Президент Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асари доимо кўз ўнгимизда туради. Асарда бепарво одамнинг жамият учун нақадар хавфли эканлиги

таъкидланиб шундай дейилади: «Азалдан маълумки, бепарво одам душмандан ҳам хавфлироқдир. Чунки душманнинг кимлиги, асл қиёфаси сиз учун олдиндан маълум бўлади. Бироқ лоқайд ва бепарво одамнинг қиёфасини бирданига билиб бўлмайди. Шунинг учун у ичингизда юриб, сизга қарши тиш қайрайдиган душманлар учун имконият яратиб беради». Асарнинг шу ерида машҳур файласуфлардан бирининг куйидаги фикридан ўринли фойдаланилган: «Душманлардан кўрқма – нари борса, улар сени ўлдириши мумкин. Дўстлардан кўрқма – нари борса, улар сенга хиёнат қилиши мумкин. Бефарқ одамлардан кўрқ – улар сени ўлдирмайди ҳам, сотмайди ҳам, фақат уларнинг жим ва бепарво қараб туриши туфайли ер юзида хиёнат ва қотилликлар содир бўлаверади»⁴.

Кўриб турганимиздек, бундан ўн йил муқаддам белгилаб олган вазифаларни йўналишлар бўйича таҳлил қилиб чиқсак, бу борадаги вазифалар доимо давлат ва жамиятнинг диққат марказида турганлигини ва бу борадаги ишлар бир зум тўхтамаганлигини ҳамда бугунги кунда ҳам бу борада фаолиятимиз жўшқин давом этиб келаётганлигининг гувоҳи бўламиз. Юртбошимиз томонидан узоқни ва давлатимизнинг келажак равнақини кўзлаб олдимизга қўйган ҳар бир вазифалари ва ташаббуслари ҳаётимизда ўз ечимини топиб, ижроси таъминланиб бораётганлиги мамлакатимиз қудратини янада оширмоқда. Конституциямизнинг 20 йиллиги кенг нишонланаётган кунларда, босиб ўтган мураккаб йўлимизга назар солсак, Ватанимиз ва халқимиз тақдирида Асосий қонунимизнинг аҳамияти ва қадри тобора ортиб борганлигининг гувоҳи бўламиз. Демак, Конституция нормалари асосида қабул қилинган қонунлар ва уларнинг ҳаётимизда тобора ўз ўрнини топиб бораётганлиги жамиятда қонун устуворлигини таъминлашга олиб келиши шубҳасиздир.

⁴ Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т., 2008. — Б.124.

ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ: ЯРАТИЛИШИ, ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Мамлакатимиз ҳудудида демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ҳамда эркин фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислоҳотлар изчил давом этмоқда. Бу ислоҳотларнинг энг муҳимларидан ва дастлабкиларидан бири, албатта мустақил Ўзбекистон Конституциясининг қабул қилиниши эди. Ана шу тарихий воқеага ҳам мана 20 йил тўлди. Тарих учун ушбу қисқа давр ичида бутунлай янгича тизимни ўз ҳудудида барпо этишни мақсад этган ёш, мустақил давлатимиз томонидан Конституция асосида улкан эзгу ишлар амалга оширилишига эришилди. Бу даврда Асосий қонунимиз ўзининг нечоғлик халқчил эканлигини, дунё мамлакатларининг энг илғор тажрибаларидан андоза олган ва миллий анъаналаримиз сингдирилган ҳолда тайёрланганлигини тўлатўқис исботлади десак, муболаға бўлмайди.

Ушбу мақолада учта масалага эътиборни қаратилади:

- 1) мустақил Ўзбекистон Конституциясининг яратилиши;
- 2) Конституциямизнинг ўзига хос жиҳатлари, хусусиятлари;
- 3) Конституциямизга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар.

Мустақил Ўзбекистон Конституциясининг яратилиши. Конституция байрами билан боғлиқ шодиёна кунларда унинг яратилиш тарихига яна бир бора назар ташлаш бу йўлда ўз фидойилигини намоён этган, маънавий жасорат кўрсатган инсонларнинг машаққатли меҳнатини эслаб ўтишга ундайди.

Янги Конституциямизнинг яратилишига собиқ Иттифоқ парчаланишининг сўнги

даврларида мамлакатимиз ҳудудида жамият ва давлат ҳаётини ривожлантириш йўлида ташланган мардонвор қадамлар туртки берди. Иттифоқ мустамлакаси остида бўлган давлатлар ичида биринчилардан бўлиб Ўзбекистон ҳудудида Президентлик институти жорий этилди. Бу сиёсий аҳамиятга молик муҳим воқеа бўлиб, ушбу институт ишини амалда самарали ташкил этиш учун конституциявий-ҳуқуқий ислоҳотларни ўтказиш зарурати туғилди. Ўзбекистоннинг мустақиллик арафасида бозор муносабатлари томон тутган мутлақо янгича йўли, жаҳон ҳамжамиятига секин-аста кириб бориши, мулкчиликнинг барча шакллариغا нисбатан муносабатларнинг бутунлай ўзгаргартирилгани ҳам Конституциянинг қабул қилинишига сабаб бўлди.

Ўзбекистоннинг янги Конституциясини ишлаб чиқиш тўғрисидаги таклиф илк бор Ўзбекистон Олий Советининг 1990 йил март ойида бўлиб ўтган сессиясида Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов томонидан илгари сурилган эди.

1990 йил 20 июнда қабул қилинган «Мустақиллик декларацияси»нинг 12-бандида эса «Ушбу декларация Ўзбекистоннинг янги Конституциясини ...ишлаб чиқиш учун асос» эканлиги мустаҳкамлаб қўйилди¹. Декларация қабул қилинган сессиянинг ўзидаёқ Ўзбекистон Президенти раислигида 64 кишидан иборат комиссия ташкил этилди ва ушбу комиссия бевосита ўз ишини 1991 йилнинг апрелида бошлади. Комиссия ишини мувофиқлаштириб туриш мақсадида унинг аъзолари таркибидан 32 кишидан иборат ишчи гуруҳи тузилди.

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Олий академик курслари бошлиғи, юридик фанлар доктори.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т., 2011. – Б.233.

Шунингдек, тахмин этилаётган 6 та бўлимнинг (амалдаги Конституцияда ҳам 6 та бўлим) ҳар бирини ишлаб чиқиш бўйича комиссия аъзолари ҳамда 50 нафар мутахассис жалб этилган ҳолда кичик ишчи гуруҳлари ташкил этилди.

Конституциянинг қандай бўлиши ҳақида умумий тасаввур ҳосил қилиш мақсадида унинг концепциясини тайёрлашга киришилди. Натижада учта муқобил вариант тайёрланди (биринчиси — Президент девони варианты, иккинчиси — Ўзбекистон Фанлар академияси И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти варианты, учинчиси — Сиёсатшунослик институтининг варианты). Комиссия учта концепцияни умумлаштирган ҳолда ягона концепция лойиҳасини ишлаб чиқди ва ўрнатилган тартибда тасдиқлади ҳамда шу концепцияга биноан Конституция матнини тайёрлаш устида иш бошлаб юборилди. Лойиҳанинг дастлабки кўриниши 158 моддадан иборат бўлса, Комиссия раисининг жиддий таҳрири, мулоҳазаси ҳамда комиссия аъзоларининг хайрихоҳлигида аввал 149, сўнг 137, кейинроқ 127 та моддага туширилди.

Президентимиз лойиҳанинг бутун матнини кўздан кечириш баробарида бугунги кунда Асосий қонунимизда ўз ўрнини топган «шахснинг дахлсизлиги», «айбсизлик презумпцияси», «фан, техника, маданиятни ривожлантиришда давлатнинг ғамхўрлик қилиши», «аёллар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги», «оналик ва болаликнинг давлат томонидан муҳофаза этилиши» каби қоидаларнинг бевосита муаллифи ҳамдир.

Бу ҳақда ўша даврда Конституция комиссияси раисининг ўринбосари сифатида хизмат қилган марҳум устозимиз академик Шавкат Закариевич Ўразаевнинг қайд этишича, «Конституция комиссиясининг раиси лойиҳадаги ҳар бир тафсилот-детални чуқур идрок этиб, ўз кўли билан тузатишлар ва аниқликлар киритиб, ишга қунт билан ёндашиш, ишчанлик, билимдонлик ва малака бобида ибрат кўрсатар эди. ... Конституция комиссиясининг раиси нафақат бутун ишни ташкил этиб

бошқариб турди, шу билан бирга халқимиз тақдиридаги шу буюк ҳужжатни бевосита ярата борди, унинг ҳар бир қайдасини ақли ва қалбидан ўтказиб, сайқаллаб такомиллига етказди»¹.

Конституция лойиҳаси 1991 йил 26 сентябрда умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда эълон қилинди. Бу иш лойиҳа тайёрланишида комиссия ва халқ уйғунлигининг таъминланишига, аҳоли истакларининг конституцияда рўёбини топишига хизмат қилди. Умумхалқ муҳокамаси даврида фуқаролар томонидан Конституция лойиҳасига 100га яқин фикр-мулоҳазалар келиб тушди. Улар умумлаштирилган ҳолда сайқал берилган Конституциянинг янги лойиҳаси иккинчи марта 2 ойдан сўнг – 21 ноябрда матбуотда эълон қилинди. Иккинчи муҳокама жуда кенг доирада ўтказилиб, олий таълим муассасалари, ўрта-махсус касб-ҳунар билим юрталари, давлат органлари, корхоналар, ташкилотлар доирасида йиғилишлар ўтказилди. Қизғин тус олган бундай анжуманлар натижасида ишлаб чиқилган таклиф-тавсиялар комиссияга юбориб турилди. Қайта ишланган сўнгги 128 моддадан иборат лойиҳа эса, ниҳоят, 1992 йил 8 декабрда қабул қилинди.

Конституциямизнинг ўзига хос жиҳатлари. *Биринчиси*, Конституция Ўзбекистон ҳудудида янгича миллий ҳуқуқий тизим ҳамда конституциявий тузум яратилиши ҳамда унинг ривожланишининг асоси ҳисобланади. Бу унинг муқаддимасида жаҳон мамлакатларида асрлар мобайнида шаклланган жами инсонпарвар ҳамда демократик ғояларга содиқликнинг эътирофида, мулкчиликнинг хилма-хиллиги жорий этилганлигида, сиёсий плюрализмнинг мужассамланганлигида намоён бўлади. Ўзидан аввал мамлакат ҳудудида амалда бўлган Туркистон АССРнинг 1918, 1920 йиллардаги, Бухоро ва Хоразм ХСР 1920, 1921 йиллардаги ҳамда Ўзбекистон ССРнинг 1927, 1937, 1978 йиллардаги конституцияларидан мазмун-моҳиятига кўра мутлақо фарқ қилади.

Иккинчиси, Конституциянинг дастлабки саҳифасидан сўнгги саҳифаларига қадар

¹ Ўразаев Ш.З. Мустақил Ўзбекистон Конституцияси. – Т., 1992. – Б. 16—17, 23.

мустақиллик ғояси билан йўғрилганлиги, Ўзбекистоннинг дунё сиёсий харитасида эркин ва озод мамлакат сифатида муштаҳкамланишига асос бўлиб хизмат қилди.

Учинчиси. Конституция инсон омилининг мамлакатимизда олий неъмат сифатида қадрланишига замин яратди. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Конституция ўзининг туб моҳияти, ғояси ва фалсафасига кўра янги ҳужжатдир. Унда коммунистик мафкура, синфийлик, партиявийликдан асар ҳам йўқ. Жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуғи – инсон деган фикрни илгари сурдик ва шу асосда фуқаро – жамият – давлат ўртасидаги ўзаро муносабатнинг оқилона ҳуқуқий ечимини топишга интилдик»¹.

Асосий қонунда юртимиз фуқароларидан ташкил топган энг улуғ жамоа бўлмиш халқ давлатнинг ўзининг ҳам, унинг ҳокимиятининг ҳам ягона манбаи ҳисобланиши эътироф этилди. Барча давлат идораларининг халқ манфаатлари ва фаровонлигига хизмат қилиши, халқ номидан фақат у сайлаб қўйган Президент ҳамда парламент иш кўра олиши қоидалари конституциявий даражада муштаҳкамланди. Халқ камоли йўлида демократиянинг энг илғор намуналари Асосий қонун мазмунидан жой олди. Инсон ва фуқароларга берилган сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар уларнинг давлат ҳаёти билан ҳамнафас бўлиб яшашга, сиёсий ислохотларнинг бевосита иштирокчисига айланишига кафил бўлиб хизмат қилмоқда.

Тўртинчиси, Конституцияда илк бор Ўзбекистон ҳудудида давлат ҳокимияти учга тақсимланган ҳолда ташкил этилиши муштаҳкамлаб қўйилди. Бу давлат ҳокимиятининг бир идора ёки шахс қўлида тўпланиб қолишининг, тоталитаризм ва диктатуранинг олдини олишга қаратилган, тарихда исботланган назариядир. Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ҳамда суд ҳокимиятлари бир мақсад йўлида бирлашиш асносида, шакллантирилишидан тортиб ҳаракатланишигача бир-бирини тийган

ҳолда, фақат ва фақат қонунга кўра иш олиб боради. Бу уларнинг давлат ишларида ҳаволалиб кетишининг олдини олади. Адабиётларда «Конституция ва қонунлар асосида вужудга келадиган ва кўпчилик аҳолига таянадиган давлат ҳокимияти бугунги кунда инсоният жамиятида мумкин бўлган барча шакллардан энг мақбули ва халқчилдир»², деб қайд этилади.

Бешинчиси, Конституция – қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш ва кодификациялаштириш асоси ҳисобланади. Сабаби, унинг мазмунидаги деярли барча норма ва қоидалар муштақиллик йилларида юзлаб қонунчилик ҳужжатларининг яратилишига асос бўлиб хизмат қилди. Бошқача айтганда, бундай қонунчилик ҳужжатлари Конституция нормаларининг ҳаётга татбиқ этилишини таъминлаш мақсадида яратилган. Бунёд бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизими «карвон»ининг аввалида Конституция «сарбон»лик қилади.

Масалан, «Оммавий ахборот воситалари» деб номланувчи бўлимнинг ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги, «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунлари қабул қилинган.

Конституциямизга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар. Айти вақтда Конституциямизнинг мазмуни ҳуқуқий давлат барпо этиш ҳамда эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш борасидаги демократик ислохотлар билан мунтазам тарзда уйғунлаштирилиб борилмоқда. Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиланишларнинг изчиллигини, босқичма-босқиччилигини Конституцияга киритилаётган тузатишлар, ўзгартиш ҳамда қўшимчалардан ҳам англаш мумкин.

Бундай такомиллашув жараёнлари қуйидагиларда намоён бўлади:

Биринчиси, 1993 йил 28 декабрда амалга оширилди. Унга кўра, Ўзбекистон Республи-

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон – келажаги буюк давлат. – Т., 1992. – Б. 37.

² Ўразаев Ш.З. Муштақил Ўзбекистон Конституцияси. – Т., 1992. – Б. 35.

каснинг Конституцияси 77-моддасининг биринчи қисмидаги «150 нафар депутатдан» деган сўзлар «депутатлардан» деган сўзлар билан алмаштирилди¹. Бу албатта, аҳоли ўсиши, туман-шаҳарлар мақомининг ўзгариши билан ўз-ўзидан сайлов округлари сони ўзгариши инobatга олинган ҳолда киритилган эди.

Иккинчиси, 2003 йил 24 апрелда амалга оширилди. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси моддаларига киритилган ушбу ўзгартишлар асосан унинг бешинчи бўлими XVIII – XX, XXIII бобларига тааллуқли ҳамда Ўзбекистон Республикасининг икки палатали парламентини сайлаш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йилга ўзгартирилиши тўғрисидаги масалалар юзасидан 2002 йил 27 январь куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумининг қарорлари билан боғлиқ. Референдум қарорларига мувофиқ, «Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги конституциявий қонундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисини икки палатали парламентга ўтказиш мақсадини конституция даражасида мустақамлашга қаратилди².

Учинчиси, 2007 йил 11 апрелда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига тузатишлар киритилган. Ушбу тузатишлар давлат бошқарувини янада демократлаштириш, ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи тармоқлари, ҳукумат ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари зиммасига Конституция билан юклатилган ваколатларни амалга оширишдаги роли ва масъулиятини ошириш, мамлакат Президенти вазифаларини аниқ-равшан белгилаш ҳамда ҳуқуқий меъёрлар доирасида

чеклаш, шунингдек юқорида кўрсатиб ўтилган ислохотларни амалга оширишда, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилишда сиёсий партияларнинг роли ҳамда таъсирини кучайтириш мақсадида киритилди.

Масалан, Конституциянинг 89-моддаси қуйидаги таҳрирда баён этилди: «Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди»³. Бу билан Президент ижро ҳокимияти раҳбари ва Вазирлар Маҳкамасининг раиси ҳисобланишига оид қоидага чек қўйилди.

Тўртинчиси, 2008 йил 25 декабрда «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонуни билан Конституциянинг 77-моддаси биринчи қисми янги таҳрирда баён этилди⁴. Унга кўра, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутатлари 120 нафардан 150 нафарга ўзгартирилди. Бу ўзгартишларни киритишга мамлакатимизда Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг ташкил этилиши туртки бўлди ва бу ҳаракатга Қонунчилик палатасида 30 та ўрин берилди. Парламентимиз томонидан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги ва «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонунларга киритилган қўшимчалар ҳам сайлов қонунчилигини янада такомиллаштиришга хизмат қилади»⁵.

Бешинчиси, 2011 йил 18 апрелда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Ушбу ўзгартиш ва қўшимчалар демократик ислохотларни янада

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. – 1994. – №1. – 5-м.

² Ўзбекистон Республикаси қонунлари тўплами. – 2003. – 9-10-сон. – 67-м.

³ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси. – 2007. – 4-сон. – 162-м.

⁴ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2008. – 52-сон. – 510-м.

⁵ Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир / Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи. – 2012. – 8 дек.

чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, давлат ҳокимиятининг учта субъекти: давлат бошлиғи – Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлаш, шунингдек социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотларни амалга оширишда, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилишда сиёсий партияларнинг роли ҳамда таъсирини кучайтириш мақсадида амалга оширилди.

Қуйидаги қоидалар энг муҳим ўзгартишлардан биридир: «Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ўртасида зиддиятлар доимий тус олган ҳолда Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан бир қисми томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига расман киритилган таклиф бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлиси муҳокамасига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳақидаги масала киритилди.

Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади. Бундай ҳолатда Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазирни лавозимидан озод этиш тўғрисида қарор қабул қилади. Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бутун таркиби Бош вазир билан бирга истеъфога чиқади»¹.

Бундай ўзгартишлар, албатта, мустақилликнинг дастлабки йилларида ташкил этилган

кучли ижроия ҳокимияти тизгинини аста-секин бўшатиб боришга қаратилди. Президентимиз 1993 йилда Россиянинг «Комсомольская правда» газетаси муҳбири билан бўлган суҳбатда қуйидагиларни таъкидлаган эди: «Ҳақиқий давлатчилик қарор топаётган вақтда, айниқса бир тизимдан иккинчисига ўтиш даврида ҳар ҳолда кучли ижроия ҳокимияти зарур. Қон тўкилишига ва қарама-қаршиликларга йўл қўймаслик, минтақада миллатларо ва фуқаролар тотувлиги, тинчлиги ва барқарорликни сақлаш учун шундай бўлиши зарур»².

Олтинчиси, 2011 йил 12 декабрда «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 90-моддасига тузатиш киритиш тўғрисида»ги қонун билан амалга оширилди. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколат муддати етти йилдан беш йилга ўзгартирилди³. Бундан мақсад давлат бошқарувининг демократик принципларини, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ўзгаришларни амалга оширишда Олий Мажлисининг роли ва аҳамиятини мустаҳкамлашдир. Бу ўзгартишлар «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да берилган давлат бошқаруви ва жамият қурилиши соҳасидаги демократик ўзгаришларнинг мантиқий давоми бўлиб, ривожланган демократик мамлакатларнинг кўпчилигида қабул қилинган давлат қурилиши амалиётини ҳисобга олган ҳолда киритилди.

Ўйлаймизки, халқимизнинг асрий орзуларини ўзида жо этган Конституциямиз асрлар давомида халқ фаровонлигига хизмат қилиб, мамлакатимизни буюк келажак сари етаклаши шубҳасиздир.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси. – 2011. – 4-сон. – 100-м.

² Каримов И.А. Янги уй қурмай туриб эскисини бузманг. – Т., 1993. – Б.11.

³ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси. – 2011. – 12/1-сон. – 343-м.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚУРИЛИШ ЭВОЛЮЦИЯСИ – ДЕМОКРАТИК РИВОЖЛАНИШНИНГ ГАРОВИ

Мамлакатимиз мустақилликка эришган илк йиллардан бошлаб бугунги кунгача босиб ўтган тараққиёт йўлимизга назар ташлар эканмиз, юртимизда демократик андозаларга тўла мос келадиган замонавий сиёсий тизим барпо этиш борасида жамият ҳаётининг изчиллик билан, босқичма-босқич эркинлашувини таъминловчи мустақам ташкилий-ҳуқуқий асослар яратилганини яққол кўришимиз мумкин. Давлат ва жамият қурилиши соҳасида амалга оширилаётган изчил ҳамда туб ислохотлар натижасида мамлакатимизда фаолият самарадорлиги юқори бўлган кучли парламент, самарали ижро ҳокимияти, мустақил суд тизими шакллантирилди.

Бу йил Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 20 ёшга тўлди.

Том маънодаги тарихий санани ҳар сафар байрам қилар эканмиз, «Конституциямиз – Асосий қонунимиз қабул қилиниши билан биз Ўзбекистон келажакни, янгитдан барпо этилаётган давлатимизнинг чуқур мазмуни, маъно ва моҳиятини, сиёсий, иқтисодий, гуманитар ва маънавий тараққиётининг, юртимиз қиёфасини, унинг халқаро ҳамжамятдаги ўрни ва нуфузини тубдан ўзгартириб юборган мамлакатимизни ислох этиш ва модернизация қилишнинг пировард мақсадларини аниқравшан белгилаб олганимизни ҳақли равишда юксак баҳолаймиз»¹.

Бош қонунимизда тараннум этилган демократик қадриятлар ва илғор ғоялар орқали халқимиз маърифий дунёни англаётган бўлса, жаҳон оммаси Конституциямиз орқали халқимиз табиати ва олижаноб фазилатларини англамоқда. Асосий қонунда ўзбекона одамийлик, инсонпарварлик, бағрикенглик, адолат ва саховатпешалик хислатлари ўзининг ҳуқуқий

ифодасини топган. Унда ўзбек давлатчилигини замонавий маърифий асосларда қайта тиклаш, тинч-тотув яшаш ва тинчликни барча чоралар билан мустақамлаш, демократияни чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитети ғояларига содиқ қолиш, адолатли ҳуқуқий давлат барпо этиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий ҳамжиҳатликни таъминлаш дастури баён этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида сўзлаган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» номли дастурий маърузасида давлат мустақиллиги «давлат қурилиши ва конституциявий тузумни тубдан ўзгартириш ва янгилаш, иқтисодиётни мафкурадан холи этиш, унинг сиёсатдан устунлигини таъминлаш, давлатнинг бош ислохотчи вазифасини бажариш, яъни ислохотлар ташаббускори бўлиши ва уларни мувофиқлаштириб бориши, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат юргизиш, ислохотларни босқичма-босқич ва изчил олиб бориш тамойилларига асосланадиган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни амалга ошириш учун шарт-шароит яратди»², деб таъкидлади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ана шундай кенг кўламли демократик ислохотларни амалга ошириш, кучли ва очиқ фуқаролик жамиятини шакллантириш учун ҳуқуқий асос бўлди.

Ўзбекистон халқи юртбошимиз раҳнамолигида мустақиллигимизнинг илк кунларидан бошлаб ўз умрини ўтаб бўлган эски мустабид совет тизимидан воз кечиш, мамлакатимизда

* Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти Мониторинг жараёнининг маълумотлар базасини тизимлаштириш ва шакллантириш бўйича ахборот-таҳлил гуруҳи раҳбари.

¹ Каримов И. А. Бизнинг йўлимиз – демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. Т. 20. – Т., 2012. – Б.62.

² Ўша жойда.

ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очиқ демократик давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришга азму қарор қилди.

Шуни таъкидлаш керакки, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва янгилашга қаратилган дастурий вазифаларни бажаришда миллий қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизни сақлашга, халқимизнинг асрлар давомида шаклланган менталитетига ҳурмат билан муносабатда бўлишга катта эътибор қаратилди. Шу билан бирга, муваффақиятли ва барқарор ривожланадиган замонавий демократик давлат қуришнинг ўзини оқлаган жаҳон тажрибасини чуқур ўрганиш ва қабул қилиш ҳам диққат марказда бўлди.

Конституциямиз қабул қилиниши билан мамлакатнинг миллий, тарихий ҳамда анъанавий ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда уни босқичма-босқич ва изчил модернизация ва ислоҳ қилиш билан боғлиқ янги эволюцион ривожланиш босқичи бошланди. Ушбу давр мобайнида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига тегишли ўзгартишлар киритилганини алоҳида қайд этиш лозим.

Маълумки, Президент Ислом Каримов мустақиллик йилларида ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилган улкан ўзгаришларни, халқимизнинг фидокорона меҳнати билан эришилган катта ютуқларни, Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йўлини алоҳида икки босқичга ажратади. Шу боис, Ўзбекистон Конституциясининг ривожланишини ҳам икки босқичга бўлиш мумкин.

Биринчи босқич, яъни ўтиш даври ва миллий давлатчилик асосларини шакллантириш билан боғлиқ биринчи галдаги ислоҳот ва ўзгаришлар босқичи (1991–2000 йиллар). Бу босқичда Ўзбекистон халқи эски мустабид тизимдан воз кечиб, мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни асосий мақсад сифатида белгилаб олди. Ана шу мақсад ифодаланган Конституция лойиҳаси Юртбошимиз раҳбарлигида тайёрланди, халқ ўртасида икки марта муҳокама этилиб такомиллаштирилгач, қонун чиқарувчи орган томонидан қабул қилинди.

Конституцияда Ўзбекистонда давлат ва жамият қурилишининг асосий принциплари аниқ ифодалаб берилди, давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти тармоқларига бўлиниши энг муҳим

принцип сифатида белгиланди. Шунингдек, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати олий қадрият ҳисобланиши, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидалари устунлигининг тан олинishi қайд этилди.

Асосий қонунимизда ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмаслиги ва ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллиги асосида ривожланиши белгилаб берилди. Айти пайтда барча мулк шакллари-нинг тенг ҳуқуқлилиги шароитида истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлиги, хусусий мулкнинг бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида эканлиги мустаҳкамлаб қўйилди.

Ана шу принципларни инобатга олиб, Ўзбекистоннинг янги сиёсий ва давлат тузилиши асосларини, аввало, қонунчилик тизимини шакллантириш, марказда ва жойларда ваколатли ҳокимият органларининг яхлит тизимини ташкил этишга қаратилган ишлар собитқадамлик билан амалга оширилди.

Иккинчи босқич, яъни фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилиш босқичи (2001-2010 йиллар). Бу босқичда Асосий қонунимизга мамлакатни модернизация қилишга, иқтисодиётни ривожлантиришга, сиёсий ҳаётимизни, қонунчилик, суд-ҳуқуқ тизимини ва ижтимоий-маданий соҳаларни изчил ислоҳ қилишга қаратилган ўзгартиш ва тузатишлар киритилди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, «...биз ўзимизнинг пировард мақсадимизга эришиш учун замон қандай тез ва шиддат билан ўзгараётганини ҳисобга олган ҳолда, воқеликнинг ортида эмас, балки унинг олдида юришимиз, ҳар қандай нохуш ҳаракат ва муаммоларнинг олдини олишимиз, тараққиётимиз ва демократик янгиланиш заминини белгилаб берадиган қонунларни ўз вақтида қабул қилишимиз, уларга ҳаёт тақозо этаётган ўзгартириш ва қўшимчаларни киритишимиз зарурати бугун нечоғлик долзарб эканини англаш, тушуниш қийин эмас».

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган тузатишларни тавсифлайдиган бўлсак, уларни қуйидаги соҳаларга бўлиш мумкин:

— мамлакатда парламентаризмнинг вужудга келиши ва ривожланишига оид;

— Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Олий Мажлиси ўртасидаги ваколатлар чегараларини белгилашга доир;

— Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси ўртасидаги ваколатлар чегараларини белгилаш борасидаги;

* Ўзбекистон Республикаси Президенти ваколатларини такомиллаштириш соҳасидаги тузатишлар.

Ушбу соҳаларда 6 та қонун қабул қилинди. Хусусан:

Биринчидан, 1993 йил 28 декабрда Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 77-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди. Шуни мамнуният билан айтиш жоизки, юртимиз ўзининг давлат мустақиллигини қўлга киритиши билан давлат ҳокимиятининг муҳим институти сифатида миллий парламентимиз ривожланишининг янги босқичи бошланди.

Ушбу қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 77-моддасининг биринчи қисмидаги «150 нафар депутатдан» деган сўзлар «депутатлардан» деган сўзлар билан алмаштирилди.

Парламент томонидан ушбу давр мобайнида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, мустақиллигимизнинг мустаҳкамланиши билан боғлиқ бўлган бир қатор қонунлар қабул қилинди.

Иккинчидан, ҳозиргача босиб ўтилган йўлимизга назар ташлайдиган бўлсак, дастлабки йилларда бир палатадан иборат Олий Мажлис ҳам фаолият юритди. У ўтган даврда давлат ҳокимияти органлари тизимида ўзининг муносиб ўрнини эгаллади ва демократик ислохотлар чуқурлашган сари унинг таъсири ҳам муттасил ортиб борди. Шу билан бирга, бу даврда парламентаризм қадриятлари қарор топди, ўзига хос миллий парламент аънавалари, қонунчилик мактаби шаклланди. Қонун лойиҳаларини умумхалқ муҳокамасга ҳавола этиш, миллий дастурлар ва янги таҳрирдаги қонунлар қабул қилиш амалиёти яратилди. Энг асосийси, мамлакатимиз аҳолисининг муҳим демократик институт – парламентга муносабати тубдан ўзгарди.

Шу билан бирга, бу даврда икки палатали парламентга ўтиш учун, яъни парламент ўз ваколатларини самарали амалга ошириши, ҳар томонлама асосли ва пухта қарорлар қабул қилиш учун зарур бўлган ўзаро мувозанат ва чекловлар тизимини яратиш, депутатларнинг доимий асосда профессионал тарзда иш олиб боришлари, парламент фаолиятида умум-

давлат ва ҳудудий манфаатларнинг мутаносиблигига эришиш, аҳолининг мамлакат ижтимоий ва сиёсий ҳаётидаги иштирокини янада кенгайтириш учун етарли шарт-шароитлар яратилди.

2002 йил 27 январда бўлиб ўтган умумхалқ референдуми яқунлари асосида 2003 йил 24 апрель куни «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. 2004 йилда бўлиб ўтган демократик сайловлар натижасида шакллантирилган икки палатали парламент қонун ижодкорлиги жараёнига янги маъно ва мазмун олиб кирди.

2002 йил 27 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси парламентини икки палатали қилиб шакллантириш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йилга ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилган умумхалқ референдуми ҳам аслида айнан шу вазифаларни ҳал этишга қаратилган эди.

Референдум натижаларига биноан, 2002 йил 4 апрелда Олий Мажлиснинг VIII сессиясида «Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги конституциявий қонун қабул қилинди. У ўз моҳиятига кўра келгусида давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасида амалга оширилиши зарур бўлган ўзгаришларни белгилаб берди.

Иккинчи чақриқ Олий Мажлиснинг ўнинчи сессиясида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги конституциявий қонунлар қабул қилинди. Мазкур қонунларда палаталарнинг мақоми, уларни шакллантириш тартиби, ваколатлари, ўзаро ҳамда бошқа ҳокимият тармоқлари органлари билан ҳамкорлик қилиш механизмлари белгилаб берилди.

Олий Мажлис томонидан 2003 йил 24 апрелда «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» қонун қабул қилинди. Ушбу қонун – биринчидан, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари ўртасида ваколатларнинг янада демократик, янада мутаносиб равишда қайта тақсимланиши ва уларнинг мувозанатини таъминлади. Шунингдек, ушбу ўзгартиш ва қўшимчалар парламент қуйи ва юқори палаталарининг мақоми ва ваколатларини, Ўзбекистон Президенти ҳамда

Вазирлар Маҳкамаси ваколатларини, шунингдек, сайлов тизими асосларини белгилаб берадиган моддаларда ўз аксини топди.

Ҳокимият тармоқларининг ҳар бирига Конституцияда белгилаб берилган ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини мустақил ҳолда амалга ошириш учун зарур шарт-шароит ва кафолатлар яратилди.

Қонунчилик ҳокимиятининг роли ва аҳамияти сезиларли даражада ортди. Олий Мажлиснинг ҳукуматни шакллантириш ва унинг фаолиятини назорат қилиш, хусусан, Бош вазир номзодини тасдиқлашдаги роли ва ваколатлари кучайди.

Президент ваколатларининг бир қисми, биринчи галда, давлат, суд тизими ва махсус хизматларнинг раҳбарларини, чет эллар ва халқаро ташкилотлардаги дипломатик вакилларни тайинлаш ва тасдиқлаш ваколатлари янги ташкил этилган юқори палата – Сенатга ўтказилди.

Конституциянинг «Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир» деб қайд этилган 89-моддасининг таҳрири тубдан ўзгарди. Бу модданинг «Ўзбекистон Республикаси Президенти айна вақтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳисобланади» деган иккинчи қисми олиб ташланди.

Президент ваколатлари ҳамда вазифаларининг шу тарзда қайта тақсимланиши, ҳеч шубҳасиз, давлат қурилиши соҳасида бошланган демократик жараёнларни янада чуқурлаштириш, Бош вазирнинг, ҳукумат ва бутун ҳукумат тузилмаларининг ваколатларини ошириб, шу билан бирга, уларнинг масъулиятини сезиларли даражада кучайтириш имконини берди ва бундай ҳолат Конституцияда ўз тасдиғини топди.

Бундан ташқари, ушбу Қонунга мувофиқ, қуйи палата, яъни Қонунчилик палатаси ўз фаолиятини доимий, профессионал асосда амалга оширадиган бўлди. Ўз-ўзидан равшанки, бу ҳол мазкур палатага сайланадиган депутатлар таркибининг сифат жиҳатидан ўзгаришига, уларнинг малака ва касб маҳоратига бўлган талабнинг ортишига олиб келди.

Айни вақтда қонунлар устида ишлаш жараёнининг ўзи ҳам тубдан ўзгарди ва пировард натижада қабул қилинадиган қонун ва меъёрий ҳужжатларнинг сифати ҳам яхшиланишига олиб келди. Сессия мажлислари тартибда ишлайдиган ҳозирги парла-

ментимиздан доимий асосда ишлайдиган Қонунчилик палатаси фаолиятига ўтиш ҳам шу мақсадга хизмат қилди.

Шу билан бир қаторда, депутатларнинг Қонунчилик палатасига партиялар томонидан тақдим этилган рўйхатлар асосида ва ўз номзодини қўйиш йўли билан сайланиши, бугун фаолият юритаётган партияларнинг, шунингдек, нодавлат, жамоатчилик ва фуқаролик институтлари, бирлашма ва ташкилотларнинг жамият амалий ҳаётидаги ўрни, таъсири ва аҳамиятини тубдан кучайтириш учун зарур шарт-шароит яратди.

Ўз навбатида, вакиллик органи сифатида тузилаётган, ҳудудий субъектлар – маҳаллий кенгашлар депутатлари вакилларини тенг миқдорда бирлаштирувчи юқори палата – Сенатнинг шакллантирилиши қонунчиликнинг энг юқори органи бўлмиш Олий Мажлисга, таъбир жоиз бўлса, мамлакатнинг юрак уришини билиб туриш, минтақалар билан бевосита алоқаларни амалга ошириш, уларнинг манфаатларини акс эттириш ва ҳимоя қилиш имконини берди. Қуйи ва юқори палаталарнинг бундай тартибда шаклланиши Ўзбекистон Республикаси парламентида нафақат сиёсий гуруҳ ва ҳаракатларнинг, балки минтақавий кучларнинг, бир сўз билан айтганда, мамлакат аҳолиси барча ижтимоий қатламларининг манфаатларини тўлиқ ифода этиш учун зарур асос ва кафолатларни яратди.

Ўз-ўзидан аёнки, қонунчилик ҳокимияти таркибий тузилишининг ўзгариши ва унинг икки палатали асосда шакллантирилиши билан ҳар қайси палатанинг ваколатларини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини, уларнинг мутлақ ва бирликда амалга оширадиган фаолият соҳаларини Конституциянинг ўзида аниқ чегаралаб қўйишнинг аҳамияти жуда каттадир.

Таъкидлаш жоизки, Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг фаолият соҳалари ва йўналишларининг, бу масаланинг барча жиҳатларини иноватга олган ҳолда, қонуний асосда конституциявий нуқтаи назардан аниқ-равшан белгилаб берилиши уларнинг ишида бир хиллик ва бир-бирини такрорлаш эҳтимолини бартараф этишни таъминлади. Айни пайтда парламент аъзолари орасида ўзаро зиддият ва кибр-ҳавога берилиш, низоли вазиятлар вужудга келишининг олдини олиш имконини бермоқда.

Бугунги кунда ҳокимият тузилмаларини ташкил этиш ва мувозанатни сақлашнинг янги, янада мукамал демократик тизимини шакл-

лантириш бўйича кўрилатган чоралар, Конституциямизга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар жамият сиёсий ҳаётини фаоллаштириш, фуқароларимизда ижтимоий ва сиёсий жиҳатдан ўзлигини англаш туйғусининг кучайиши учун жиддий омил бўлиб хизмат қилмоқда. Бу жараёнларни ҳозирданок марказда ҳам, жойларда ҳам кўриш мумкин.

Учинчидан, давлат бошқарувини янада демократлаштириш, ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи тармоқлари, ҳукумат ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари зиммасига Конституция билан юклатилган ваколатларни амалга оширишдаги роли ва масъулиятини ошириш, мамлакат Президентининг вазибаларини аниқ-равшан белгилаш ҳамда ҳуқуқий меъёрлар доирасида чеклаш, шунингдек юқорида кўрсатиб ўтилган ислохотларни амалга оширишда, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилишда сиёсий партияларнинг роли ҳамда таъсирини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг моддаларига тузатишлар киритиш тўғрисида (89-м., 93-м. 15-б., 102-м. 2-қ.)»ги 2007 йил 11 апрель қонуни қабул қилинди. Ушбу қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан мамлакат Президенти бир вақтнинг ўзида ижро этувчи ҳокимиятнинг бошлиғи эканини белгилайдиган норма чиқарилди. Бугунги кунда Конституциямизнинг 89-моддасига мувофиқ «Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ва ҳамкорлигини таъминлайди». Шу муносабат билан Президентнинг айрим ваколатлари Олий Мажлис Сенати ва Вазирлар Маҳкамасига олиб берилди. Вазирлар Маҳкамасининг фаолияти янада такомиллаштирилди, Конституциянинг 98-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи ҳокимиятни амалга оширади.

Ушбу қонун Президентнинг ҳукумат билан, умуман, бутун ижроия ҳокимият тизими билан бўлган муносабатини тубдан ўзгартирди. Бош вазирга ҳукуматга раҳбарлик қилишнинг ўтиши, унинг ҳуқуқи кенгайтирилганлиги, шу жумладан ҳукумат таркибининг унинг тавсияси билан шакллантирилиши, унинг Вазирлар Маҳкамасининг фаолиятини ташкил этиш ва унга раҳбарлик қилишдаги масъулияти ҳамда жавобгарлигини оширди. Бу ислохотлар ҳуку-

матнинг мамлакат иқтисодиётига, ижтимоий ва маънавий соҳадаги фаолиятига самарали раҳбарликни амалга ошириш учун янада кенг имконият яратди ва ҳукуматнинг том маънода амалда мустақил бўлишини таъминлади.

Улар ҳозирги кунда мамлакатимиз парламентининг роли ва таъсирини кучайтиришга, давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти тармоқлари ўртасида янада мутаносиб ва барқарор мувозанатни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Натижада сўнги йилларда Қонунчилик палатасида сиёсий партиялар фракцияларининг фаолияти тобора жонланаяпти, фракциялараро курашлар кучаймоқда ва бу ҳолат сиёсий партиялар нуфузининг ошиши ҳамда қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари сифатининг яхшиланишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Айни вақтда демократик ислохотларни чуқурлаштириш зарурати фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада оширишни, демократик ҳуқуқий давлат қурилиши, ижтимоий тараққиётнинг бугунги реал ҳолати ва талабини ҳисобга олган ҳолда сиёсий партияларнинг давлат ва жамият ҳаётида тутган ўрни ва ролини кучайтиришга қаратилган янги қарорлар қабул қилишни, инсон манфаатлари, аҳолининг хоҳиш-иродаси ҳамда фикрларини тўла инobatга олишни тақозо этмоқда.

Тўртинчидан, Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрда «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» қонуни қабул қилинди. Ушбу қонуннинг моҳияти шундан иборатки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг сони 120 тадан 150 тага кўпайтирилди. Натижада мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнлари, аниқроғи уларнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан қонунларнинг адолатли, халқчил бўлишини, фуқароларнинг хоҳиш-иродасини инobatга олган ҳолда ишлаб чиқилиб, қабул қилинишини ҳамда ушбу қонунларнинг амалдаги ижросини тўлиқ таъминлашнинг самарасини оширди.

Бешинчидан, 2011 йил 18 апрелда Президентимизнинг Олий Мажлис палаталарининг

2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» деб номланган маърузасида баён қилинган қонунчилик ташаббусига мувофиқ тайёрланган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78,80,93,96, ва 98-моддаларига)»ги қонуни қабул қилинди.

Мазкур ҳужжат давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштириш, давлат ҳокимиятининг учта субъекти: давлат бошлиғи - Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлашга, шунингдек социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотларни амалга оширишда, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилишда сиёсий партияларнинг роли ҳамда таъсирини кучайтиришга қаратилган.

Қабул қилинган қонун мамлакатимизда давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасидаги ислохотларнинг асосий мақсади – давлат ҳокимияти тизимининг барча тармоқлари фаолиятининг масъулияти ва самарасини ошириш бўйича босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотларнинг мантиқий давомидир.

Ушбу Қонунга мувофиқ, Конституция 78-моддасининг 15-бандига киритилган қўшимчада мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан Бош вазирнинг ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиш Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг биргаликдаги ваколатлари доирасига киритилди. Бу қоида қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимият ўртасидаги муносабатнинг ўзига хос усулини жорий қилиш билан бирга, Бош вазир ва у орқали ижроия ҳокимият фаолияти устидан парламент назоратини амалга оширишнинг янги механизмини яратади. Баъзи хорижий давлатлардагидан фарқли равишда биздаги бу янгиликнинг ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Яъни, кўпгина мамлакатларда ҳукуматнинг ҳар йили бир марта парламентга ҳисобот бериб туриш амалиёти мавжуд. Бизда эса парламент палаталари у ёки бу масалани долзарб деб ҳисоблаганда ҳукумат раҳбарининг ҳисоботини ҳар қандай вақтда ҳам эшитаверади. Бу конституцион қоида парламентнинг ижроия ҳокимиятга таъсирини янада оширади, энг асосийси, ҳукуматнинг фао-

лияти устидан жамоатчилик назоратининг кенгроқ бўлишига олиб келади ва ҳукумат фаолиятининг очиқлигини таъминлайди.

Ўз ўрнида Конституциямизнинг 93-моддасига киритилган қўшимчага биноан Бош вазирга вилоятлар ҳокимлари ва Тошкент шаҳар ҳокимини тайинлаш учун Президентга тақдимнома киритиш ҳуқуқи ҳам берилмоқда. Маълумки, вилоятлар ҳокимлари ва Тошкент шаҳар ҳокими ўз лавозимлари бўйича жойларда ижроия ҳокимиятни ҳам амалга оширадilar ва ҳудудларни иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантириш бўйича масъулият ҳам биринчи навбатда уларнинг зиммасидадир. Конституциямиз томонидан Вазирлар Маҳкамаси, хусусан Бош вазир зиммасига юклатилган вазифалардан келиб чиқадиган бўлсак, юқоридаги ҳуқуқнинг Бош вазирга берилиши юридик жиҳатдан тўғри ва ҳокимиятлар бўлиниши принципига тўла мос келади, энг асосийси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва ҳукумат ўртасидаги алоқани мустаҳкамлайди ва ижроия ҳокимиятнинг иш самарасини оширади.

Конституциянинг 98-моддасига киритилган ўзгаришлар мазмун-моҳиятига кўра Бош вазир лавозимига номзод кўрсатиш ва уни тасдиқлашнинг янада демократик тартибини жорий этишга қаратилган. Киритилган ушбу қоидада Бош вазир номзоди Қонунчилик палатасига бўлиб ўтган сайловларда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партиялар томонидан Президентга таклиф этилиши кўзда тутилмоқда. Бунинг маъноси катта. Чунки, Бош вазир номзодини кўрсатиш учун илгари қанча депутатлик ўрнини эгаллаганлигидан қатъи назар, сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатасидаги ҳамма фракциялари билан маслаҳатлашув ўтказилар эди. Яъни, кўп депутатлик ўрнига эга бўлган фракция ҳам, кам депутатлик ўрнига эга бўлган фракция ҳам бу масалада бир хил ҳуқуқ ва имкониятга эга бўлиб қолган эдилар. Эндиликда эса бу масалада кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партияга ҳуқуқ берилмоқда. Бу, биринчи навбатда, сиёсий партияларни янада фаоллик кўрсатиш, сайловларга жиддий тайёргарлик кўриш, кўпроқ депутатлик ўрнини олиш учун ҳаракат қилишга ундайди; ўз навбатида уларнинг ижроия ҳокимият иши устидан масъулиятини ҳам оширади.

Шунингдек, биринчи маротаба Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳуқуқи ҳам жорий этилди. Шун таъкидлаш керакки, бу янгилик халқаро амалиётга мос келиши билан бирга, айрим хусусиятларга ҳам эга. Яъни, биринчидан, ишончсизлик вотуми Бош вазир ва Қонунчилик палатаси ўртасида зиддиятлар доимий тус олсагина билдирилади. Иккинчидан, ишончсизлик вотуми билдириш масаласи Қонунчилик палатаси депутатларининг камида учдан бир қисми томонидан кўтарилиши мумкин. Бу эса ишончсизлик вотумини билдиришда турли эътирозлар ва тушунмовчиликлар пайдо бўлишининг олдини олишга қаратилгандир. Учунчидан, бу масала депутатлар томонидан Президентга кўриб чиқиш учун таклиф этилади ҳамда Президент бу таклифни Олий Мажлис палаталарининг қўшма йиғилиши муҳокама-сига киритади.

Конституция 80-моддасининг 6-банди ва 93-моддасининг 12-бандига киритилган ўзгартишларда Ҳисоб палатаси раисининг тайинланиши ва лавозимидан бўшатилиши ҳақидаги Президент фармонларининг Сенат томонидан кўриб чиқилиши ва тасдиқланиши ҳақидаги қоида мустахкамланди. Маълумки, Ҳисоб палатасига масъул вазифалар юклатилган ва у ўз фаолияти юзасидан Олий Мажлисга ҳисоб бериб туради. Шундан келиб чиқадиган бўлсак, мазкур янгилик юридик жиҳатдан ҳам, сиёсий нуқтаи назардан ҳам тўғри бўлиб, Сенатнинг ваколатларини кенгайтириш, бюджетни шакллантириш ва ижроси устидан парламент назорати самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Конституциянинг 93-модда 8-бандидан «ижро этувчи ҳокимият девонини тузади ва унга раҳбарлик қилади» деган норманинг Президент ваколатларидан чиқарилиши Президентнинг бир вақтнинг ўзида ижро этувчи ҳокимият бошлиғи эканлигини белгилайдиган норманинг Конституциямиздан чиқарилиши ва ижро ҳокимиятининг ислоҳ қилинаётгани билан бевосита боғлиқ бўлиб, ваколатларнинг мутаносиб тақсимланишини назарда тутди.

Олтинчидан, 2011 йил 12 декабрда «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 90-моддасига тузатиш киритиш тўғрисида» қонун қабул қилинди.

Ушбу тузатиш Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш

концепциясининг талабларини амалга оширишга ҳамда дунёнинг ривожланган демократик давлатларида йўлга қўйилган амалиётга тўла мос келишини таъкидлаб ўтиш муҳимдир.

Конституциямиз асосига қўйилган, чуқур ва пухта ўйланган мақсад, принцип ва нормаларнинг ҳаётийлиги ва амалиётга тўғри татбиқ этилишининг самараси ўтган давр мобайнида эришилган ютуқ ва марраларимизда, халқимиз фаровонлигининг ошиб боришида, жаҳон ҳамжамиятида мамлакатимизнинг обрўси тобора юксалиб бораётганида кўриниб турибди.

Юқорида таъкидлаб ўтилганлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, Конституциямиз – қонун устуворлиги, унинг барча фуқаролар учун тенглиги ва шунингдек, давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлинишининг ҳуқуқий принципини белгилаб берди, уларнинг мустақиллиги, мустақил ҳокимият тармоғи сифатида ривожланишини кучайтиришга, демократик давлатнинг асосий шарти бўлган ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали механизмини шакллантиришга қаратилган қонуний негизни яратди.

Юртбошимиз таъбири билан айтганда, «Асосий қонунимиз ҳуқуқий давлат қуриш йўлига ўтишимизнинг пойдеворини қуриб берди».

Демак, мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини олий қадрият сифатида қарор топтириш борасида ўтган 21 йил мобайнида қандай ютуқларни қўлга киритган бўлсак, уларнинг барчаси Конституциямизда белгилаб қўйилган қоида ва принциплар билан узвийдир.

В 2012 г. в Узбекистане собрано более чем 3 миллиона 350 тысяч тонн хлопка-сырца. Среди факторов, обеспечивших это высокое достижение, следует в первую очередь отметить коренные реформы, осуществленные в годы независимости в сфере сельского хозяйства, богатый земледельческий опыт наших предков. Сегодня узбекский хлопок пользуется все большим спросом на международной арене, где наша страна становится одним из лидеров мирового хлопкового рынка.

Достигнутые ощутимые результаты экономических преобразований позволили обеспечить неуклонное повышение доходов и благосостояния народа, успешную реализацию крупномасштабных социальных программ.

Сегодня расходы на образование во ВВП страны составляют свыше 12 процентов, в то время как в мировой практике этот показатель не превышает 3-5 процентов.

Опираясь на 41 статью Конституции, эффективно реализуются Национальная прог-

рамма по подготовке кадров и Государственная общенациональная программа развития школьного образования. При этом важно отметить, что при проведении глубоких и масштабных реформ в сфере образования учитывается многонациональный характер нашего общества, обеспечен равный доступ представителей национальных меньшинств к получению образования. Если обратиться к конкретным цифрам, то в нашей стране 382 школы — с каракалпакским, 785 — с русским, 549 — с казахским, 334 — с таджикским, 88 — с кыргызским, 49 — с туркменским языками обучения.

Как нам известно, из-за разразившегося в мировом масштабе финансово-экономического кризиса во многих странах наблюдается сокращение финансовых ресурсов на социальные нужды, тогда как в Узбекистане на реализацию социальных программ в 2012 г. в структуре ВВП выделено около 59 процентов.

Также необходимо отметить важное место улучшение качества жизни населения. Конкретным и наглядным результатом осуществляемых мер по охране здоровья людей и улучшению качества жизни населения является увеличение продолжительности жизни населения за годы независимости на 7 лет.

Важнейшим фактором успешного развития является то, что после обретения независимости Узбекистан последовательно идет по собственному, соответствующему менталитету нашего народа эволюционному пути развития, получившему название «узбекская модель» и основанному на пяти известных принципах. Эта модель еще раз подтвердила свою состоятельность и жизненность в условиях охватившего весь мир финансово-экономического кризиса.

Сегодня мы твердо можем сказать, что Конституция независимого Узбекистана является опорой национальной, экономической, социальной и финансовой безопасности страны. И с каждым днём она приобретает все более важное значение в судьбе нашей Родины и народа.

О. Окюлов*,
О. Камалов**

КОНСТИТУЦИЯ КАК СИСТЕМООБРАЗУЮЩАЯ ГАРАНТИЯ РАЗВИТИЯ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА И ЧАСТНОЙ СОБСТВЕННОСТИ

Принятая 8 декабря 1992 г. Конституция Республики Узбекистан сыграла выдающуюся роль в становлении и поступательном развитии нашего независимого государства. Действительно, Основной Закон полностью оправдал себя и в качестве главного юридического инструментария общественных отношений, и в качестве фундаментальной базы законодательства. Это наглядно свидетельствует о том, что в основу Конституции Узбекистана заложены рациональные, оптимальные и научно обоснованные идеи. Эти идеи не возникли сразу и случайно. Они были разработаны на заре независимости Президентом страны, содержались в его фундаментальных трудах. Каждая идея, мысль были выверены его политической практикой, аналитическим умом.

Основная сложность при разработке Конституции заключалась в том, что в ее содержание и структуру должны были быть заложены глубоко продуманные на перспективу установки, касающиеся политической, экономической, общественной системы, государственного устройства. Если иметь в виду, что Республика Узбекистан в тот период стояла в начале пути своего суверенного развития, то Конституция должна была стать своеобразной путеводной звездой, определяющей верный путь развития. Сегодня можно с уверенностью утверждать, что эта архисложная задача была полностью реализована.

Следует отметить, что глава XII Конституции, посвященная экономическим основам общества, в сравнении с некоторыми другими ее частями, остается в неизменном виде. Однако это не означает, что данный сегмент общества не подвержен глубоким изменениям. Наоборот, именно в этой сфере произошли радикальные качественные изменения. Накануне принятия Конституции в стране все еще существовала изжившая себя административно-командная система. Хотя в качестве стратегии развития была поставлена цель перехода к системе рыночных отношений, однако многие не совсем четко представляли пути ее достижения. Именно в такой ситуации были сконструированы в Основном Законе юридические установки экономических основ общества, заложены необходимые новеллы, которым предстояло играть созидательные функции в процессе социально-экономических реформ. А это требовало от разработчиков гениальной прозорливости, ювелирного расчета на основе глубокого, всестороннего научного анализа и интуиции. Только такая оценка адекватно отражает деятельность рабочей комиссии по разработке Конституции во главе с Президентом И. А. Каримовым.

Если оценить значение и целесообразность новелл главы XII Конституции с точки зрения прошлого, настоящего и будущего, то следует признать, что она по всем параметрам успешно выполняли и выполняют роль

* Доктор юридических наук, профессор.

** Начальник кафедры гражданского права Академии МВД Республики Узбекистан, кандидат юридических наук, доцент.

регулятора социально-экономических отношений и своеобразной рамочной базы для действующего законодательства. Необходимо также отметить, что конституционные новеллы служили специфической политической гарантией невозврата к прошлому, к административной системе: в части первой ст.53 Конституции сформулирована установка, что экономика Узбекистана направлена на развитие рыночных отношений. Из этого следует, что всякое навязывание нерыночных механизмов к основам экономической системы антиконституционно.

В системе рыночных отношений государство не выступает в качестве субъекта производства товаров, выполнения работ и оказания услуг. Оно как носитель политической власти несет иные нагрузки и функции. Государство как главный реформатор создает условия посредством правового, налогового, таможенного регулирования для нормального функционирования субъектов предпринимательства. В Конституции закреплена роль государства как гаранта обеспечения свободы экономической деятельности, предпринимательства и труда с учетом приоритетности прав потребителей. Государство также гарантирует равноправие и равную защиту всех форм собственности. Иными словами, гарантии государства охватывают свободу, равноправие и правовую защиту в отношении и производителя, и предпринимателя, и потребителя. Здесь как бы незримо присутствуют также гарантии оптимальных и рациональных отношений государства во взаимоотношениях между вышеуказанными субъектами и государственными служащими, выступающими от имени государства. Эта незримая гарантия успешно реализуется особенно в последние годы в ходе либерализации осуществления предпринимательской деятельности и укреплении системы их правовой защиты. Яркий пример тому – новая редакция Закона Республики Узбекистан «О гарантиях свободы предпринимательской деятельности» от 2 мая 2012 г. Развивая, углубляя конституционные нормы, этот Закон закрепляет гарантии

и условия для свободного участия и заинтересованности граждан в предпринимательской деятельности, повышение их деловой активности, а также защиту прав и законных интересов субъектов предпринимательской деятельности.

Расширен круг прав предпринимателей. Субъекты предпринимательской деятельности вправе: осуществлять любую деятельность, не запрещенную законодательством; быть учредителями (участниками) других субъектов предпринимательства – юридических лиц. Усилена также их социальная ответственность. В соответствии с Законом субъекты предпринимательства обязаны устанавливать размер оплаты труда лиц, работающих по трудовому договору (контракту), не ниже установленного законодательством минимального размера, своевременно производить расчеты с ними, а также страховать в качестве работодателя свою гражданскую ответственность, соблюдать требования законодательства о конкуренции и о защите прав потребителей.

Во взаимоотношениях субъектов предпринимательской деятельности с государственными, в том числе правоохранительными и контролирующими органами, а также банками действует принцип приоритета прав субъекта предпринимательской деятельности, в соответствии с которым все неустрашимые противоречия и неясности законодательства, возникающие в связи с осуществлением предпринимательской деятельности, толкуются в пользу субъекта предпринимательской деятельности.

В Законе указано, что государственными органами и органами хозяйственного управления во всемирной информационной сети Интернет создается постоянно обновляемая страница, предоставляющая субъектам предпринимательства возможность подавать жалобы на неправомерные решения государственных органов или органов хозяйственного управления, действия (бездействие) их должностных лиц.

В отличие от ранее действовавшего Закона, его новая редакция определяет порядок проведения краткосрочных проверок деятельности субъектов предпринимательства на территориях рынков, торговых комплексов и прилегающих к ним местах временного хранения автотранспортных средств в части полноты поступления и учета сдачи разового сбора, арендной платы, применения контрольно-кассовых машин с фискальной памятью, расчетных терминалов по приему платежей по пластиковым карточкам, а также соблюдения правил торговли и оказания услуг. Такие проверки проводятся только уполномоченными законодательством подразделениями органов государственной налоговой службы на основании приказов начальников этих подразделений с последующим уведомлением об этом специально уполномоченного органа по координации деятельности контролирующих органов или его соответствующего территориального подразделения в течение одного рабочего дня со дня проведения краткосрочной проверки.

Основанием для проведения проверок деятельности субъектов предпринимательской деятельности органами прокуратуры, внутренних дел и Службы национальной безопасности Республики Узбекистан является наличие возбужденного уголовного дела. При этом проверкой может охватываться деятельность субъекта предпринимательской деятельности, связанная только с возбужденным уголовным делом, о чем должно быть указано в постановлении о назначении проверки.

Субъекты предпринимательской деятельности имеют право не допускать к проверке лиц, не имеющих оснований для ее проведения, не выполнять требования правоохранительных и контролирующих органов по вопросам, не входящим в их компетенцию, и не знакомить их с материалами, не относящимися к предмету проверки.

Результаты проверок оформляются актом (справкой), один экземпляр которого ос-

твляется у проверяемого субъекта предпринимательской деятельности в день окончания проверки.

Реализация этих норм формирует новый тип отношений между правоохранительными, контролирующими органами и предпринимателями, основанный не только на законности, но и доброжелательности и сотрудничестве.

Часть 2 ст. 53 Конституции посвящена частной собственности: «Частная собственность, наряду с другими формами собственности, неприкосновенна и защищается государством. Собственник может быть лишен ее только в случаях и в порядке, предусмотренных законом».

Гибкость в управлении, универсальность в предназначении, заинтересованность в сохранности и приумножении делает частную собственность не только привлекательной для собственника, но и безальтернативной основой рыночной системы. Объединяя стратегические замыслы с теоретическими предпосылками, Президенту Республики Узбекистан И.А.Каримову удалось выкристаллизовать экономико-правовой механизм частной собственности, очищенный от идеологических догм.

Особый правовой режим для частной собственности никоим образом не ущемляет конституционный принцип равноправия всех форм собственности. Наоборот, развитие и приумножение частной собственности обеспечивает более полное удовлетворение потребностей абсолютного большинства частных собственников, заметно уменьшает их нужды и зависимость от публичной собственности, тем самым расширяются возможности использования публичной собственности в общегосударственных целевых проектах. Иначе говоря, там, где частная собственность слаба и ограничена, удовлетворение потребностей и нужд населения все более зависит от государственной собственности и от прихоти чиновников. И наоборот, наличие мощной системы частной собственности и адекватного правового механизма ее охраны обеспечивает экономическую

самостоятельность людей и реализацию их способностей.

Конституционные нормы о развитии частной собственности и охраны прав частных собственников детализированы в законодательстве страны. Следует подчеркнуть, что вопросы защиты частной собственности всегда были и остаются в центре внимания главы нашего государства. В частности, в его трудах раскрываются функции частной собственности в экономической системе как основы предпринимательства, как фактора обеспечения самореализации граждан, преодоления иждивенчества в социальной сфере, подчеркивается необходимость создания и поддержки класса собственников как необходимого ингредиента стабильности политической системы. По инициативе Президента Республики Узбекистан разработан и принят специальный Закон «О защите частной собственности и гарантиях прав собственников». Необходимость принятия такого Закона и его основные концептуальные положения были обоснованы в докладе И. А. Каримова «Концепция дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества», с которым он выступил на совместном заседании Сената и Законодательной Палаты Олий Мажлиса 12 ноября 2010 г.¹

Закон «О защите частной собственности и гарантиях прав собственников» целиком направлен на реализацию рассмотренной выше нормы Конституции. Центр тяжести этого Закона находится на второй главе, которая посвящена правовым средствам и мерам защиты, и главе третьей, в которой закреплены юридические гарантии прав собственников. Наряду с общими мерами защиты и гарантиями, в них нашли отражение и специальные, которые относятся к частной собственности. Кем бы не был частный собственник – физическое лицо, коммерческое

юридическое лицо в виде частного или семейного предприятия, хозяйственное общество или товарищество, производственные или потребительские кооперативы, негосударственные некоммерческие организации – все они пользуются этими мерами защиты и на них распространяются эти гарантии.

Специфика конструирования рассматриваемого Закона заключается в том, что в нем нашли отражение некоторые нормы, которые были закреплены в Гражданском кодексе, Законе «О собственности». Обычно в законодательной технике не поощряется такое дублирование, зеркальное отражение одной нормы в двух и более законах. Однако в данном случае наблюдается определенная логика и рационализм. Во-первых, дублированные нормы имеют фундаментальное значение, воплощают в себе цементирующее начало законодательства о собственности (например, условия осуществления права частной неприкосновенности, неприкосновенности частной собственности и др.). Во-вторых, эти нормы стабильны и не подвергаются испытаниям времени, поэтому эффект домино (изменение одной дублированной нормы предопределяет соответствующую корректировку нормы-дублера в другом законе) здесь явно не грозит. В-третьих, нормы несут в себе не только нагрузку на правовое регулирование, но и информационную нагрузку. Поэтому дублирование одной и той же нормы в двух и более законах способствует повышению степени информированности, осведомленности населения о содержании этих норм, что положительно влияет на процесс их исполнения в правоприменительной практике.

Новым Законом заметно расширен арсенал правовых средств по защите права частной собственности. В частности, закреплен принцип приоритета прав собственников,

¹ Каримов И. А. Концепция дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества // Народное слово. – 2010. – 13 нояб.

т.е. во взаимоотношениях собственника с государственными органами все неустраиваемые противоречия и неясности законодательства, возникающие в связи с осуществлением права частной собственности, толкуются в пользу собственника.

Если иметь в виду, что по отдельным объектам имущества (по недвижимому имуществу, денежным средствам, транспортным средствам и т.п.) есть порой противоречащие друг другу подзаконные акты, то можно предполагать заметное раскрепощающее значение этой нормы.

Закон особо акцентирован на обеспечение стабильности законодательства в регулировании отношений права частной собственности. Она закреплена в качестве самостоятельного способа защиты права частной собственности в Гражданском кодексе. Одновременно эта позиция нашла своё подтверждение и в ст.23 (гарантии при принятии акта законодательства, регулирующего отношения частной собственности) и в ст. 24 (недопустимость пересмотра и отмены результатов приватизации имущества). Обе нормы направлены на укрепление у собственника чувства уверенности в завтрашнем дне, снятие тревог и опасений по лишению имущества не только в результате произвола, но и легальными действиями органов государственной власти и управления, правоохранительных учреждений.

Следует отметить, что действие Закона не замыкается только материальными объектами. В ч.3 ст. 4 Закона предусмотрено, что владельцы исключительных прав на объекты интеллектуальной собственности и обладатели коммерческой тайны пользуются правами и гарантиями, установленными данным Законом и другими законодательными актами. Это означает, что способы и средства защиты, гарантии прав частных собственников, установленные Законом, могут быть использованы и частными субъектами – правообладателями на объекты интеллектуальной собственности. Такое расширительное толкование частной собственности

создает удобства и заметно обогащает арсенал правовых средств защиты интеллектуальной собственности.

В Законе закреплена гарантия прав собственника при прекращении права собственности, не направленного непосредственно на изъятие его имущества. Решение об изъятии земельного участка и сносе дома, иных строений, сооружений или насаждений принимается в соответствии с генпланами, а также проектами детальной планировки и застройки жилых районов и микрорайонов населенных пунктов. О таком решении собственник уведомляется письменно, под роспись не позднее, чем за 6 месяцев до начала сноса. Снос дома, строений, сооружений или насаждений на изымаемом земельном участке до предварительного и полного возмещения убытков по рыночной стоимости не допускается. При несогласии собственника с решением, влекущим прекращение права частной собственности, оно не может быть осуществлено до разрешения спора судом.

Эти нормы создают качественно новое комфортное условие для функционирования института частной собственности и развития предпринимательства и тем самым усиливают значимость и действенность конституционных основ частной собственности.

Бесспорным фактом сегодняшней реалии является то, что опорой экономики нашей страны является частная собственность и предпринимательство, стабильно и динамично развивающаяся рыночная система. В соответствии с этим развивается и совершенствуется адекватный механизм правового регулирования. С уверенностью можно утверждать, что в дальнейшем такая гармония будет обеспечена, так как в нашем Основном Законе заложен прочный юридический фундамент экономических основ общества, свободы экономической деятельности, предпринимательства и труда с учетом приоритетности прав потребителя, равноправия и правовой защиты всех форм собственности.

АТРОФ ТАБИЙ МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганига йигирма йил тўлди. Шу муносабат билан халқимиз энг улғу, энг азиз айём – Конституциямизнинг шонли йигирма йиллигини шоду хуррамлик билан кутиб олди.

Давлатимиз ва халқимиз ҳаётида том маънода муҳим аҳамият касб этувчи Асосий қомусимиз ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов: «Ўзбекистонимизнинг мустақил тараққиёт йилларида эришган барча-барча ютуқ ва марралари, унинг улкан суръатлар билан ўсиши аввало Конституция-мизнинг ҳаётбахш қудрати ва салоҳиятини, унда мужассам бўлган принциплар, қоида ва нормаларнинг нақадар чуқур ўйлангани, ҳар томонлама мустаҳкам асосга эга эканини яққол намоён этди»¹, — деб таъкидлаган эди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, аҳоли саломатлигини ҳимоялаш ва экологик хавфсизликни таъминлаш масалалари алоҳида эътиборга лойиқ бўлиб, унинг бир қатор (50, 54, 55, 80, 93, 100-м.м.) моддаларида экологияга оид нормалар ўз аксини топган. Конституция атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик хавфсизликни таъминлашнинг амалдаги ҳуқуқий асоси эканлиги унинг юқорида қайд этилган моддаларида яққол кўриниб туради. Мамлакатимизда ва Россия Федерациясида атроф муҳитни муҳо-

фаза қилишнинг ҳуқуқий масалалари бўйича иш олиб борган ҳуқуқшунос олимларнинг тадқиқот ишларида ҳам бу ҳолатларни кўриш мумкин².

Қомусимизнинг «Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари» деб номланган иккинчи бўлимининг 50-моддасида шундай дейилади: «Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар». Ушбу сатрнинг тўғри ва истиқболни кўзлаб битилганлиги Конституция асосида юзага келган Ўзбекистон Республикасининг экология соҳасига оид бир қатор қонунлари («Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Ўрмон тўғрисида»ги, «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги, «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги, «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги, «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги, «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги, «Экологик экспертиза тўғрисида»ги, «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги ва ҳ.к.)да ўз ифодасини топган. Бу қонунлар фуқароларга табиатни муҳофаза қилишда алоҳида мажбурият юклайди.

Бинобарин, фуқаролар ўзларининг ва келгуси авлодларнинг саломатлиги учун зарур бўлган қулай табиий муҳитда яшашлари, саломатликларини атроф муҳитнинг зарарли таъсиридан муҳофаза қилиш ва экологик

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ИПКТБ катта илмий ходим-изланувчиси, юридик фанлар номзоди, доцент.

¹ Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир / Президент Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи. – 2012. – 8 дек.

² Усмонов М.Б. Табиат объектларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишнинг конституцион асослари // Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ҳаётга татбиқ қилиш муаммолари: Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. – Т. 1995. – Б. 83-85.; Холмўминов Ж.Т. Ўзбекистон Республикасининг экология ҳуқуқи: Дарслик. 2003. — Б 12.; Файзиев Ш. Табиатни муҳофаза қилишнинг конституциявий асослари // Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ҳаётга татбиқ қилиш муаммолари: Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. – Т., 995. – Б. 128—129.; Мамонов В.В. Конституционные аспекты обеспечения экологической безопасности Российской Федерации // Конституционное и муниципальное право. — 2003. — № 2.

хавфсизлик таъминланишини талаб қилишлари, шунингдек табиат бойликларига нисбатан эҳтиёткорлик билан оқилона муносабатда бўлишлари, экологик қонун-қоидаларга, уларнинг талабларига сўзсиз амал қилишлари шарт.

Бундан ташқари, ушбу модданинг аҳамияти шундаки, *биринчидан*, мазкур моддада қайд этилган мажбурият табиат бойликларидан нафақат оқилона фойдаланиш, балки уларни тиклаш ва кўпайтириш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш қоидаларига амал қилишни тақозо этади; *иккинчидан*, ушбу моддада зикр этилган ҳолат давлатимизнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий масаласи бўлибгина қолмай, балки экологик сиёсатининг асосини ташкил этади ва бутун жамият аъзоларига атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш соҳасида тегишли масъулият юклайди; *учинчидан*, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик хавфсизликни таъминлашга қаратилган тадбирларни лозим даражада бажаришга кўп нарса боғлиқ эканлиги туфайли бутун жамият аъзоларидан бу ишга онгли муносабатда бўлиш талаб этилади.

Конституциямизнинг 54-моддасида «Мулқдор мулкига ўз хоҳишича эғалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулқдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт» деб белгилаб берилган. Унга кўра, *биринчидан*, мулк ҳуқуқининг мазмуни эътироф этилади; *иккинчидан*, мулқдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган мулқдор (жисмоний ва юридик шахслар)нинг хўжалик ва ишлаб чиқариш жараёнида экологик муҳитга зарар етказмаслиги ва экологик хавфсизлик талабларини бузмаслиги қайд этилган бўлиб, уларнинг экологик мажбуриятлари ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланган.

Асосий қонунимизнинг 55-моддасида «Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойлиқдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир» деб таъкидлаб ўтилган. Ушбу модданинг аҳамияти шундаки, *биринчидан*, давлатнинг ўз табиий бойликларига бўлган

муносабатининг йўналишларини белгилайди; *иккинчидан*, атроф табиий муҳит муҳофазасини конституция даражасига кўтариб, давлатнинг энг муҳим вазифаси сифатида ифода-лайди; *учинчидан*, Ўзбекистон Республикаси экологик сиёсатининг ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлайди.

Мухтасар қилиб айтганда, 55-модда талаби шундаки, Ўзбекистон Республикасида табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш зарур ва улар табиий ресурсларга нисбатан мулк ҳуқуқининг белгиларидан бири бўлган ажралмаслиги белгисига асосан бири иккинчига боғлиқдир. Ушбу боғлиқлик табиатдаги ўзаро мувозанатнинг мутаносиблигини сақлаб туради. Табиат объектларининг биронтасига етказилган зарар албатта бошқаларига ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатмай қолмайди. Шунинг учун ҳам улар давлат муҳофазасидадир.

Асосий қонунимизнинг XVIII бобида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҳуқуқий ҳолати белгиланган. Ушбу бобнинг 80-моддасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати мутлақ ваколатларининг асосий йўналиши сифатида — Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитасининг раисини тайинлаш ҳамда уни лавозимидан озод этиш каби масъулияти эътироф этилган.

Конституциямизнинг XIX боби Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳуқуқий ҳолатига бағишланган бўлиб, унинг 93-моддасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатларидан бўлган — фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя этилишининг кафили эканлиги қайд этилган.

Маълумки, фуқароларнинг ҳуқуқларидан бири — бу уларнинг экологик ҳуқуқларидир. Ҳозир қонунчиликда ва адабиётларда инсоннинг экологик ҳуқуқлари кенг эътироф этилмоқда. Масалан, Португалия Конституциясининг 10-моддасида ҳар бир фуқаронинг мувозанатли ва соғлом атроф-муҳитга бўлган ҳуқуққа эгаллиги мустаҳкамланган... . Россия Федерацияси Конституциясининг 42-моддасида инсоннинг қулай атроф-муҳитда яшаш ҳуқуқи аниқ баён қилиб ўтилган.

Демак, Президент фуқароларнинг экологик ҳуқуқлари ва экология соҳасига оид қонунларнинг кафилидир.

Шунингдек, мазкур модданинг иккинчи бандида Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини муҳофаза этиш, миллий-давлат тузилиши масалаларига доир қарорларни амалга ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриши қайд этилган. Зеро, миллий хавфсизликнинг ажралмас бир бўлаги экологик хавфсизлик бўлиб, айна шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов шундай деб таъкидлайди: «Хавфсизлик тушунчаси фақат ҳарбий соҳа билангина чегараланиб қолмаслиги барчага маълум. Кейинги пайтда хавфсизликнинг сиёсий, иқтисодий, инсонийлик ва бошқа белгиларни ўз ичига оладиган ҳарбий бўлмаган жиҳатларини англаш анча кучайди.

Биз, экология ҳалокати марказига тушиб қолган Марказий Осиёда истиқомат қилаётган кишилар буни яхши тасаввур этамиз.

Мен атроф муҳит ва стратегик хавфсизлик муаммоларининг бир-бирига ўзаро таъсирига далил бўлиб хизмат қилаётган Орол фожиасини назарда тутмоқдаман»¹.

Демак, Президентнинг экология соҳасига оид ваколатларидан бири – бу экологик хавфсизлик масалаларига доир қарорларни амалга ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўришидир.

Бундан ташқари, мазкур модданинг ўн учинчи бандида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раиси лавозимига номзодни тақдим этиш каби ваколатлари қайд этилган.

Асосий қонунимизнинг XXI боби маҳаллий давлат ҳокимияти асосларига бағишланган бўлиб, унинг 100-моддасида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ваколатларининг асосий йўналишлари сифатида уларнинг қонунийликни, ҳуқуқий тартиботни ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш ҳамда атроф

муҳитни муҳофаза қилиш каби масъулияти қайд этилган.

Таъкидлаш ўринлики, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг тарихан қисқа йигирма йили ичида ёш мамлакатимиз учун барча соҳалар қатори экологик соҳада ҳам атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, аҳоли саломатлигини ҳимоялаш ва экологик хавфсизликни таъминлаш борасида ҳар томонлама ривожланиш ва юксалиш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш даври бўлди деб айтсак, муболаға бўлмайди. Республикамизда бу борада амалга оширилаётган ишлар, қабул қилинаётган қарорлар ўзининг ижобий самараларини бермоқда, олиб борилаётган хайрли ишларнинг кўлами йилдан-йилга кенгаймоқда.

Дарҳақиқат, юртимизда барча соҳалар каби экология соҳасига берилаётган кучли эътиборни оналар ўлимининг 2 баробардан кўпроқ камайгани, болалар ўлими 3 баробар камайганида, одамларнинг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшга, жумладан аёлларнинг ўртача умр кўриши 75 ёшга етганида ҳам кўриш мумкин².

Бундан ташқари, 2008—2012 йилларда Ўзбекистон Республикасининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш ишлари дастури³да куйидаги тўртта асосий йўналишлар: *биринчидан*, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш; *иккинчидан*, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва хўжалик юритишнинг экологик методларини жорий этиш; *учинчидан*, норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш ҳамда экологик илм-фанни, аҳолининг экологик таълими ва тарбиясини ривожлантириш; *тўртинчидан*, халқаро ҳамкорлик ва минтақавий экологик хавфсизлик бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш мўлжалланган бўлиб, бугунги кунда ушбу йўналишларда самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Истиқлол йиллари мамлакатимизда экология соҳасидаги фаолиятнинг устувор йўналишларини белгилаб олиш, унинг энг

¹ Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т. 4. – Т., 1996. – Б.35—36.

² Бу ҳақда батафсил маълумот учун қаранг: Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т., 2010. — Б.56.

³ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2008—2012 йилларда Ўзбекистон Республикасининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш ишлари дастури тўғрисида»ги қарори // *Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами*, 2008.— 37-38-сон. — 382-м.

муҳим масалаларини изчиллик билан ҳал этиш, бу жабҳадаги ишларни ҳар доим янги, янада юксак босқичга кўтаришда ҳеч шубҳасиз, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 4 январдаги «**Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида**»ги фармойиши ҳуқуқий асос ва дастуриламал бўлмоқда.

Шу боис, Асосий қонунимизда қайд этилган экологик норма ва қоидалар асосида мамлакатимизда атроф муҳитни муҳофаза қилиш, экологик хавфсизликни таъминлаш, табиий тизимларни, уларнинг биологик ранг-баранглигини сақлаш ва қайта тиклаш, табиий ресурслардан оқилона ва комплекс фойдаланишни таъминлаш, атроф муҳитнинг ифлосланиш даражасини камайтириш, табиий муҳитни сақлашни таъминлашнинг ҳуқуқий механизмини такомиллаштириш, экологик илм-фанни ривожлантириш, экологик билимларни кенг тарғиб қилиш, шунингдек экологик маданиятни ошириш чора-тадбирлари комплексини амалга ошириш борасидаги тадбирларни изчил равишда ҳаётга татбиқ қилиш, уларнинг таъсирчанлигини, самарадорлигини янада ошириш мақсадга мувофиқдир.

Фикримизча, кўрсатиб ўтилган мақсадларга эришиш учун қуйидаги вазифаларни ҳал этиш зарур:

биринчидан, Конституция, экологик қонунчилик, таълим, маданият ва аҳолини тарбиялаш, шунингдек экологик билимларни тарғиб қилиш тизимларини янада такомиллаштириш;

иккинчидан, Ўзбекистон Республикасида табиатдан фойдаланишда иқтисодий механизмни босқичма-босқич жорий этиш, табиатдан фойдаланишни бошқаришнинг иқтисодий усулларини янада такомиллаштириш, шунингдек, экология хавфсизлиги масалалари бўйича комплекс ёндашувни таъминлаш;

учинчидан, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг «Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган бензин ва дизель моторлари билан жиҳоз-

ланган «М2», «М3» ва «N2» тоифаларидаги янги автотранспорт воситаларини «Евро-2» экологик даражадан кам бўлмаган талабларга мувофиқлиги бўйича экологик сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»¹ги қарорига мувофиқ транспорт воситаларидан чиқадиган газларнинг тутунлилик ва захарлилик миқдорининг, шунингдек, транспорт воситалари томонидан ҳосил қилинадиган ташқи ва ички шовқинларнинг меъёрларини стандарт талабларига мослаштириш;

тўртинчидан, амалдаги экологик қонунларнинг мантиқий давоми сифатида Ўзбекистон Республикасининг «Экологик хавфсизлик тўғрисида»ги қонунини қабул қилиш ва ушбу қонунда экология соҳасидаги давлат бошқаруви органларидан бири бўлган ички ишлар органлари ходимларининг экологик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини алоҳида моддада кўрсатиб ўтиш;

бешинчидан, Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунига янги мазмун касб этувчи ибораларни ўзида қамраб олган асосий тушунчалар (экология тизимлари, ландшафтлар, экологик офат, экологик ҳалокат, sanoat чиқиндилари, рўзгор чиқиндилари, атроф муҳит, табиий муҳит, рекультивация, озон қатлами, компенсация тўловлари, табиат кадастри, табиий ресурслар, табиий объектлар, табиий комплекслар, атроф табиий муҳит ва ш.к.) ни киритиш. Зеро, ҳозирги кунда муомалада қўлланилиши тобора кенгайиб бораётган бу тушунчалар ҳам бевосита экологик хавфсизлик билан узвий боғлиқ ва шу боис бу ҳақда қонунда аниқ тушунчалар бериш ҳаётда юзага келиши мумкин бўлган турли муаммо, чалкашлик ва ноаниқликларнинг олдини олади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси давлатимиз эришган буюк ютуқ – узоқ даврга мўлжалланган ҳужжат бўлиб, юқоридаги вазифаларни изчиллик билан, тўлиқ амалга оширишда, яъни атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлашда ҳуқуқий асос ва дастуриламал бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2007. — 15-сон. — 159-м.

А. А. Отажонов*

ФУҚАРОЛАРНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИК МУАММОЛАРИ

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мамлакатимизда янги демократик давлатчиликнинг қарор топганлиги ҳамда тарих саҳнасида ишонч билан одимлай бошлаганини сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан ўзида мужассам этган Бош қомусдир. Мамлакатимиз тараққиётининг ўтган бутун даври мобайнида Асосий қонунимиз юртимизда ҳуқуқий демократик давлатчилик ҳамда фуқаролик жамияти қарор топишининг кафолати, ушбу улуғвор мақсад йўлида амалга оширилаётган туб ислохотларнинг, мамлакатни модернизация этишнинг мустаҳкам қонуний замини бўлиб хизмат қилмоқда. У фуқароларимиз сиёсий ва ҳуқуқий эркинлигининг тимсоли бўлиб майдонга чиқмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, «Асосий қонунимиз қабул қилиниши билан биз Ўзбекистон келажагини, янгитдан барпо этилаётган давлатимизнинг чуқур мазмуни, маъно ва моҳиятини, сиёсий, иқтисодий, гуманитар ва маънавий тараққиётнинг, юртимиз қиёфасини, унинг халқаро ҳамжамиятдаги ўрни ва нуфузини тубдан ўзгартириб юборган мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилишнинг пировард мақсадларини аниқ-равшан белгилаб олганимизни ҳақли равишда юксак баҳолаймиз.

Конституциямизнинг ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган беқиёс аҳамияти ва тарихий ролини биринчи навбатда биз учун мутлақо янги бўлган миллий давлатчилик ва унинг ижтимоий-сиёсий тизимини яратиш, демократик тамойиллар асосига қурилган сиёсий ва иқтисодий тизимни шакллантириш

учун зарур бўлган ҳуқуқий пойдеворни айнан Асосий қонунимиз белгилаб берганида кўрамиз»¹.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари эгаллик қиладиган ҳуқуқлар турли-туман ва барча соҳаларда ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланган. Улар қаторида фуқароларнинг ҳуқуқий мақомини белгиловчи ҳамда давлат ҳаётининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа соҳаларида фаол иштирокини таъминловчи ҳуқуқлари муҳим ўрин тутди. Улар Асосий қонун – Конституция билан мустаҳкамлаб қўйилган. Шу боис, фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиз ҳисобланиб, улардан суднинг қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас.

Конституцияда ушбу ҳуқуқлар тантанавор равишда эълон қилиниши билан бирга, уларнинг реал амалга оширилишини таъминловчи сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий кафолатлар ҳам мустаҳкамлаб қўйилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасида фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқи кафолатланган бўлиб, унга кўра: «Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир. Суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташ тартибидан ёки қонунда кўрсатилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат тақиқланади».

Давлат фуқароларнинг кафолатланган ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда уларни бузганларга нисбатан интизомий,

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси жиноят ҳуқуқи кафедраси бошлиғининг ўринбосари, юридик фанлар номзоди, доцент.

¹Каримов И. А. Бизнинг йўлимиз – демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. Т. 20. – Т., 2012. – Б. 63–64.

маъмурий ёки жиноий жазо чораларини қўллаш таъдиди билан уларнинг тўлиқ таъминланишини қонун нормалари билан кафолатлаб беради. Шубҳасиз, жиноят қонуни фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш воситаси сифатида муҳим ўрин тутди. Мазкур қонунда фуқароларнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва шахсий ҳуқуқ ва эркинликларига қилинган тажовузлар учун жиноий жавобгарлик назарда тутилади. Бундай жавобгарлик фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари кўпол равишда бузилган ҳолларда келиб чиқади.

Фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари амалга оширилишини таъминлаш жиноят ҳуқуқининг бутун тизими билан кафолатланади. Жиноят кодексининг «Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши жиноятлар» деб номланган VII бобида назарда тутилган ҳуқуқий нормаларда фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида (9, 18, 27, 31, 35, 37, 42-м.) мустаҳкамланган ва кафолатланган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шахсий ҳуқуқларининг бевосита амалга оширилишини таъминловчи ижтимоий муносабатларга тажовуз қилганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Шу нуқтаи назардан, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши жиноятлар деганда, уларнинг Конституцияда белгиланган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳамда шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминловчи ижтимоий муносабатларга тажовуз қиладиган, Жиноят кодексига назарда тутилган ижтимоий хавфли, ҳуқуққа хилоф, айбли қилмишлар тушунилади.

Барча давлат органлари, корхона, муассаса, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг қонунлар ва унда кўрсатилган талабларнинг ижро этилишига йўналтирилган давлат органларининг қонуности ҳужжатларига оғишмай риоя қилишлари қонунийликни таъминлайди. Қонун ва қонуности ҳужжатларига қатъий амал қилиниши фуқароларнинг Конституцияда белгилаб қўйилган асосий ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашнинг муҳим шартини ҳисобланади.

Жиноят кодексининг «Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши жиноятлар» деб номланган VII бобида фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан бўладиган жиноий тажовузлардан ҳимоя қилишга йўналтирилган бир қатор нормалар мустаҳкамланган. Уларда асосан фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги, уларнинг турар жой дахлсизлиги, хат-ёзма-лари, телефон сўзлашувлари, телеграф ва бошқа хабарларининг сир сақланишини таъминлаш, фуқароларнинг мурожаатлари, виждон эркинлиги, сайлаш ва сайланиш, меҳнат қилиш, муаллифлик ёки ихтирочилик ҳуқуқларини таъминловчи ижтимоий муносабатларга бўладиган тажовузларни жиноий-ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишга қаратилган нормалар белгиланган.

Жиноят ҳуқуқи фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш жараёнида келиб чиқиши мумкин бўлган барча муносабатларни тартибга сола олмайди. Шу боис фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг турлари, уларни амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва тегишли халқаро ҳужжатларда белгиланган¹.

¹ Улар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин: Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича БМТ Бош конференциясининг 1966 йил 4 ноябрь куни бўлиб ўтган тўртинчи сессиясида эълон қилинган «Халқаро маданий ҳамкорлик принциплари тўғрисида»ги декларация; 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган БМТ Бош Ассамблеяси томонидан тасдиқланган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»; БМТнинг 1963 йил 20 ноябрдаги «Барча турдаги ирқий камситишларни тугатиш ҳақида»ги декларация; Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича БМТ Бош конференциясининг 1978 йил 27 ноябрдаги йигирманчи сессиясида эълон қилинган «Ирқ ва ирқий бидъатлар тўғрисида»ги декларация; БМТ Бош Ассамблеясининг 1981 йил 25 ноябрдаги 36/55-сонли резолюцияси билан эълон қилинган «Диний ёки этник асослари бўйича камситишлар ва мурасизликларнинг барча турини тугатиш ҳақида»ги декларация; Халқаро Меҳнат Ташкилоти Бош конференциясининг 1958 йил 25 июндаги қирқ иккинчи сессиясида қабул қилинган «Касб-хунар ва меҳнат соҳасидаги камситишларнинг олдини олиш ҳақида»ги конвенция; БМТнинг 1952 йил 20 декабрдаги «Аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисида»ги конвенция; Халқаро Меҳнат Ташкилоти Бош конференциясининг 1978 йил 27 июнь куни олтинчи тўртинчи сессиясида қабул қилинган «Давлат хизматларининг иш билан бандлигининг муайян шароитлари тартиби ва ташкилотларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақида»ги конвенция ва бошқалар. Шу билан бирга, мазкур ижтимоий муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ва норматив ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Аммо мазкур ҳолат фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга йўналтирилган жиноий-ҳуқуқий нормаларнинг амалий аҳамиятини камайтирмайди.

Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига тажовуз қилганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи Жиноят кодексининг VII бобидаги жиноий-ҳуқуқий нормалар тизими Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида мустаҳкамланган нормалар тизимини айнан ҳолда акс эттирмайди. Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари Жиноят кодексининг бошқа бобларида назарда тутилган жиноий-ҳуқуқий нормалар билан ҳам ҳимоя қилинади. Юқорида таъкидланганидек, жиноят қонунчилигида фуқароларнинг муҳим конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига тажовуз қилувчи ижтимоий хавфли қилмишлар учун жавобгарликлар белгиланади.

Ушбу қоидадан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, таҳлил этилаётган жиноятларнинг *объектини* фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини тартибга солувчи ижтимоий муносабатлар йиғиндиси ташкил этади. Ушбу ҳуқуқ ва эркинликлар фуқароларнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шахсий ҳуқуқларида ифодаланади.

Фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари амалга оширилишининг реал имкониятларини таъминлаш шарт-шароитларига тажовуз қилинмай туриб, ушбу ҳуқуқларга зарар етказиш мумкин эмаслиги мазкур ижтимоий муносабатларни кўриб чиқилаётган жиноятларнинг объекти сифатида баҳолашга имкон беради.

Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши жиноятларнинг *объектив томони* фуқароларнинг Конституцияда белгиланган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳамда шахсий ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилишида ва уларнинг амалга оширилишини таъминлаш бўйича мажбуриятларни бажармасликда ифодаланади. Шунингдек назардан, таҳлил этилаётган жиноятларнинг *объектив томони* фаол ҳаракатларда, айрим ҳолларда эса, субъектнинг

пассив хулқ-атвори (ҳаракатсизлиги) натижа-сида ҳам содир этилади. Масалан, Жиноят кодексининг 148-моддасида назарда тутилган жиноят – шахснинг ишга тиклаш тўғрисидаги суд қарорини била туриб, ғайриқонуний равишда бажармаслигида ифодаланган ҳаракатсизлик кўринишида содир этилиши мумкин.

Таҳлил этилаётган жиноятларнинг хусусиятларидан бири ушбу ижтимоий хавфли қилмишлар таркибининг (уларнинг айрим турларидан ташқари) формал тузилиши билан изоҳланади. Мазкур ҳолат жиноят қонунида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини тартибга солувчи ижтимоий муносабатларнинг ўзига хос равишда кўриқланишини кўрсатади.

Кўрилаётган жиноятларнинг *объектив томонини* ташкил этувчи яна бир ўзига хослик ушбу турдаги айрим жиноятлар (ЖК 142, 145-м.)нинг зўрлик ишлатиш усулида содир этилиши. Масалан, фуқароларнинг турар жой дахлсизлигини бузиш (ЖК 142-м.) жиноятининг *объектив томони* турар жойга унда яшовчиларнинг эркига хилоф равишда зўрлик ишлатиб ғайриқонуний бостириб киришда ифодаланади.

Ғайриқонуний бостириб кириш деганда, фуқароларнинг турар жойига унда яшовчиларнинг розилигисиз кириш тушунилади. Ғайриқонуний кириш нафақат зўрлик ишлатиш билан, балки яширин, очикдан-очик, алдаш йўли билан, тўсиқларни, одамларнинг, шунингдек, кўриқловчи ходимларнинг қаршилигини енгиб содир этилиши мумкин. Бироқ, мазкур жиноят таркиби объектив томонининг зарурий белгиси сифатида қонунда турар жойга унда яшовчиларнинг ихтиёрига хилоф равишда зўрлик ишлатиб бостириб кириш назарда тутилган.

Зўрлик ишлатиш деганда жабрланувчига нисбатан жисмоний куч ишлатиш ёки жисмоний куч ишлатиш билан кўрқитиб руҳий тазйиқ ўтказиш тушунилади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27-моддаси биринчи қисмида: «Ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашидан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги

хуқуқига эга», – деб белгилаб қўйилган ҳамда шу норма асосида фуқароларнинг турар жойга бўлган дахлсизлик ҳуқуқи кафолатланган. Шу нуқтаи назардан, ҳеч ким қонунда назарда тутилган ҳоллар ва тартибдан ташқари бировнинг турар жойига кириши мумкин эмас.

Таъкидлаш жоизки, турар жойга нафақат унда яшовчиларнинг, балки уларнинг яқин қариндошлари ёки ишончли шахсларининг ҳам истагига хилоф равишда зўрлик ишлатиб бостириб кирилганида ҳам жавобгарлик келиб чиқади.

«Бостириб кириш» ибораси турар жойга куч ишлатиш билан кириб боришни англатади. Бостириб киришда шахснинг қайси ҳаракатлари жабрланувчининг турар жойга бўлган дахлсизлик ҳуқуқини бузганлигини аниқлаш муҳим ҳисобланади.

Қонун мазмунига кўра, турар жойга бостириб кириш ғайриқонуний равишда содир этилган бўлиши керак. Шу сабабли мазкур қилмишга тўғри ҳуқуқий баҳо бериш учун турар жойга бостириб кириш қандай ҳолларда ғайриқонуний ҳисобланишини баҳолаш зарур.

Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши жиноятларнинг *субъектив томонини* белгилашда шахснинг онги билан нафақат қилмишнинг ҳуқуққа хилофлиги ва ижтимоий хавфлилигини англаши қамраб олинганлиги, балки унда жиноят таркибини ташкил этувчи асосий белгилар қаторида биринчи навбатда жиноятнинг объектив белгилари ва айрим ҳолларда эса, жиноятнинг бошқа оғирлаштирувчи ҳолатлари хусусиятларини ҳам англаганлигини аниқлаш талаб этилади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши жиноятларнинг *субъектив томони* айбнинг қасд шаклида ифодланади. Бунда айбдор ушбу жиноятларни содир этишда нафақат ўз қилмишларининг ижтимоий хавфлилиқ хусусиятини англайди ва фуқароларнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва шахсий ҳуқуқлари бузилиши тарзидаги оқибатларининг ижтимоий хавфлилигига кўзи етади, балки уларнинг келиб чиқишини

истайди ва мазкур турдаги оқибатларнинг келиб чиқишига онгли равишда йўл қўяди.

Мазкур турдаги жиноятларда тўғри қасднинг ақлий белгиси айбдор ўзи содир этаётган ҳаракатларининг ижтимоий хавфлилиқ хусусиятини англаши лозимлигини назарда тутати. Одатда, суд амалиётида бундай вазият у ёки бу муаммоларни келтириб чиқармайди, чунки фуқаролик жамиятида яшаётган ҳар қандай шахс содир этаётган аниқ ҳаракатлари натижасида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари бузилаётган ва қилмишининг ижтимоий хавфлилиқ хусусиятини англаш имкониятларига эга бўлади.

Таҳлил этилаётган жиноятлардан кўзланган мақсад ва жиноят мотивлари турлича (моддий манфаатдорлик, ўч олиш, ҳасад, адоват, хусумат ва бошқ.) бўлиши мумкин, бироқ улар мазкур жиноятларнинг юридик баҳоланишига таъсир кўрсатмайди.

Жиноят субъекти белгиларини тўғри аниқлаш жиноятга юридик баҳо беришда муҳим ўрин тутами. Жиноят қонуни жиноят содир этгунга қадар қонунда белгиланган ёшга тўлган (ЖК 17-м.) ва жиноят содир этиш вақтида ўз қилмишининг ижтимоий хавфлилиқ хусусиятини англаган ва ўз ҳаракатларини бошқара олган жисмоний шахсларнигина (ЖК 18-м.) жавобгарликка тортиш мумкинлигини назарда тутати.

Бундан келиб чиқиб айтиш жоизки, ҳар қандай жиноятнинг, шу жумладан фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши қаратилган жиноятларнинг субъектлари, биринчидан, қонунда белгиланган ёшга тўлган, иккинчидан, ақли расо бўлишини тақозо этади.

Таҳлил этилаётган жиноятларнинг *субъектлари* умумий ва махсус субъект белгиларига эгадир. Жумладан, Жиноят кодекси 144-моддасининг иккинчи қисми (*фуқароларнинг муружаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш*), 146-моддасида (*сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш*) назарда тутилган жиноятларнинг субъектлари қонунда белгиланган жавобгарлик ёшига

етган, ақли расо, жисмоний шахс бўлиши билан бирга, ўзининг махсус белгиларига (мансабдор шахс, сиёсий партиялар ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг вакиллари, ташаббускор гуруҳлар ёки сайлов ёхуд референдум комиссиялари аъзолари каби) ҳам эга бўлиши талаб этилади.

Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи жиноий-ҳуқуқий нормалар ушбу ҳуқуқларнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳамда шахсий ҳуқуқ ва эркинликларга бўлиниши тариқасида тавсифланади.

Ўзига хос конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлар, уларни ҳимоя остига олган муайян жиноий-ҳуқуқий нормаларни ташкил этади. Шу нуқтаи назардан, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига тажовуз қилувчи жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган жиноий-ҳуқуқий нормалар асосан уч гуруҳга ажратилади:

1) *фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши жиноятлар*: фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигини бузиш (ЖК 141-м.); сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш (ЖК 146-м.); сайлов ҳуқуқининг ёки ишончли вакиллар ваколатларининг амалга оширилишига тўсқинлик қилиш (ЖК 147-м.);

2) *фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши жиноятлар*: фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш (ЖК 144-м.); меҳнат қилиш ҳуқуқини бузиш (ЖК 148-м.); муаллифлик ёки ихтирочилик ҳуқуқларини бузиш (ЖК 149-м.);

3) *фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши жиноятлар*: фуқароларнинг турар жойи дахлсизлигини бузиш (ЖК 142-м.); хат ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ва бошқа хабарларнинг сир сақланиши тартибини бузиш (ЖК 143-м.); виждон эркинлигини бузиш (ЖК 145-м.).

Хулоса қилиб айтганда, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини бузиш қандай усулда содир этилмасин, фуқароларнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва шахсий ҳуқуқларини кўпол равишда бузиш деб тан олинади. Шу боис, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини бузиш ҳолатларини аниқлаш ва унга қарши курашиш, шунингдек, ушбу турдаги жиноятлар учун жиноий жавобгарлик белгилашда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши жиноятлар учун жавобгарлик ўрнатувчи жиноят қонунчилиги нормалари талабларининг ижросини таъминлаш долзарб аҳамият касб этади.

♦ Нашрга тайёрланди ♦

Жиноят ҳуқуқи. Махсус қисм: Дарслик / Р. Кабулов, А. А. Отажонов ва бошқ. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012.

Дарсликда жиноят ҳуқуқи Махсус қисмининг тушунчаси, тизими ва тузилиш принциплари, жиноятларни квалификация қилишнинг назарий асослари ҳамда шахсга, тинчлик ва хавфсизликка қарши, иқтисодиёт ва экология соҳаларидаги, ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига, жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига, ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларнинг тушунчаси, таркиби ва турлари, ушбу турдаги жиноятларни квалификация қилишнинг хусусиятлари, шунингдек, хорижий давлатлар жиноят ҳуқуқининг асосий қоидалари замонавий таҳлиллар асосида ёритилган.

ШАХС КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚЛАРИНИНГ ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВ ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН ТАЪМИНЛАНИШИ

Ўзбекистон Республикасида қонун устуворлиги, инсонпарварлик ва адолат мезонлари бўйича фаолият юритадиган ҳуқуқий давлатни барпо этишга йўналтирилган мураккаб ва машаққатли ислохотлар изчил амалга оширилмоқда. Ўзбекистонда инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият деб эълон қилинган бўлиб, инсон ҳамда фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ва уларга риоя қилиш барча давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг асосий мажбуриятлари сифатида белгиланган.

«Шу билан бирга, суд-ҳуқуқ тизимини ислох этиш ва либераллаштириш, «Хабеас корпус» институтини қўллаш соҳасини кенгайтириш бўйича қонун ҳужжатлари қабул қилингани ... Концепцияда белгиланган вазифалар амалга оширилганлигини алоҳида қайд этиш лозим»¹.

Инсон ҳуқуқларининг таъминланишида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қоидалари алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, қонун билан муҳофаза қилинадиган ва таъминланиши лозим бўлган ҳуқуқлар унинг алоҳида нормаларида муайян мантиқий тизимга бўйсундирилган ҳолда гуруҳларга ажратилган. Чунки ҳуқуқий давлатда Конституция ва қонунларнинг устуворлиги тан олинди, улар инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш воситаси, унинг бузилган қонуний манфаатларини амалда ҳимоя қилиш кафолати бўлиб хизмат қилади.

Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари «шахс эркинлиги ва ҳуқуқларини, бутун жамият ва давлат манфаатларини самарали ҳимоя қилишни кафолатловчи қонунларни қабул қилиниши, фуқароларнинг бу қонунларнинг ҳурмат этиши ва уларга амал қилиш шarti»² билан ҳамроҳ равишда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинганидан сўнг мамлакатда қонунчиликни такомиллаштириш борасидаги ишлар давом эттирилди. Ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий муносабатлар йўлга қўйилиши, жамиятда юз берган ўзгаришларга мос ҳамда шахснинг замонавий ҳуқуқий мақомини шакллантиришга қаратилган қонунлар қабул қилиниши муносабати билан республикаимиз жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш лозим бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, суд-ҳуқуқ тизими идоралари ходимларининг масъулиятини ошириш, улар томонидан шахснинг барча ҳуқуқларига қатъий риоя қилинишини таъминлаш зарурати юзага келди. Бунда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг жиноят иш юритувига жалб қилинган фуқароларнинг ҳуқуқларини тўла-тўқис таъминлаши шартлиги ҳамда улар билан муносабатларда сансалорлик, мансабпараст-

* Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси жиноят процесси кафедраси бошлиғи, юридик фанлар номзоди, доцент

¹ Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир / Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи. – 2012. – 8 дек.

² Каримов И.А. Адолат – қонун устуворлигида // Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. – Т., 2002. – Б. 50.

лик, калондимоғлик ва бошқа бир қатор салбий ҳолатларга йўл қўймаслик вазифалари алоҳида белгилаб берилган эди. Кўрсатилган вазифаларни бажариш учун жиноят ишлари бўйича иш юритувни соддалаштириш, иш юритишга маъсул давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятининг ошкоралигини таъминлаш, ярашув институтини такомиллаштириш, дастлабки терговнинг сифатини ошириш, жиноят иши қўзғатиш ва кўриб чиқиш муддатларини қисқартириш, жиноят ишлари бўйича ҳимоя институтини ривожлантириш ва ислоҳ қилиш ҳамда бошқа бир қатор вазифалар ўз ечимини кутаётган эди.

Айни вақтда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш киритиш борасидаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. Сўнгги йилларда қонун чиқарувчи орган ЖПКга зудлик билан ҳал қилишни талаб этаётган масалалар бўйича бир қатор ўзгартишлар ва қўшимчалар киритди. Бу эса жиноят процессида иштирок этаётган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масаласини биринчи ўринга чиқариш имконини берди.

Амалдаги ЖПКда жиноят ишини юритиш учун маъсул бўлган барча давлат органлари ва мансабдор шахслар жиноят процессида иштирок этаётган шахсларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишлари шарт эканлиги белгилаб қўйилган. Бунда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мажбурияти халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда, Конституциямизда, жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида қайд этилган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш бўйича талабларининг дарҳол бажарилиши ва таъминланишидан иборатдир.

Масалан, Конституциямизнинг 25-моддасида: «Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас»¹, – деб белгиланган. Демак, ҳеч

бир кишининг эркинлиги ва шахсий дахлсизлигини суд қарори ёки прокурорнинг рухсатсиз чеклаш мумкин эмас, уни қамоққа олиш ёки қамоқда сақлаш тақиқланади. Бунинг мантиқий ечими сифатида 2008 йилнинг 1 январидан эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишга рухсат бериш судлар томонидан амалга оширилаётганлигини келтиришимиз мумкин.

Жиноят ишларини юритишда иштирок этаётган барча мансабдор шахслар қонун талабларига риоя этишлари ҳамда фуқароларнинг шахсий ҳаётига, уй-жойи, ёзишмаларига, телеграф хабарлари ва телефон орқали сўзлашувларига аралашмасликлари шарт. Акс ҳолда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 13, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 12, Ўзбекистон Конституциясининг 27-моддасида белгиланган талаблар¹ қўпол равишда бузилади.

Дастлабки тергов органлари томонидан жиноят ишларини юритиш жараёнида шахнинг конституциявий ҳуқуқларидан бири бўлган – мулк ва унга эгаллик қилиш ҳуқуқи таъминланади. Бунга ижтимоий хавфли қилмиш натижасида мулккий зарар кўрган шахсларнинг (жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарлар) мулккий ҳуқуқларини ҳимоялашга фуқаровий даъво, айбланувчининг мол-мулкни хатлаш, етказилган зиённи бартараф этиш, яраштирув ва бошқа бир қатор институтларини қўллаш орқали эришилади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, амалдаги жиноят-процессуал қонунчилик билан инсоннинг бир қатор асосий ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланиши тартибга солинган бўлиб, жиноят ишини юритиш жараёнида шахснинг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида белгиланган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий ва шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг аниқ ва ишчан механизми мавжудлиги ҳақида хулосага келамиз.

¹ Ўзбекистон Республикаси ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар / Масъул муҳаррир проф. А.Х.Саидов. – Т., 2002. – Б. 17, 39.

**ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ – ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВДА
ШАХСНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ
ГАРОВИ СИФАТИДА**

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинганига 20 йил тўлди. Тарихан қисқа давр мобайнида Бош қомусимиз ўзининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий йўналишлардаги таҳсинга лойиқ ўта муҳим жиҳатлари билан ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида хизмат қилмоқда. Ўтган оғир синовли, мураккаб йиллар мобайнида Конституциямиз ўзининг ҳаётийлиги ҳамда демократик жамият асосларини таъминлашга қодир эканлигини исботлади.

Бош қомусимизда халқимизнинг олий иродаси, адолатли фуқаровий жамият барпо этиш борасидаги орзу-интилишлари, эзгу истаклари мужассам ифодаланган. Бугунги кунда Конституциямиз истиқлолнинг буюк неъматини, ёрқин тимсоли сифатида халқнинг дилидан мустаҳкам жой олди, ҳар биримиз учун мўътабар ижтимоий-ҳуқуқий қадриятга айланиб улғурди.

Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини олий қадрият сифатида қарор топтириш борасида ўтган 21 йил мобайнида қандай ютуқларни қўлга киритган бўлсак, уларнинг барчаси Конституциямизда белгилаб қўйилган қоида ва принциплар билан чамбарчас боғлиқдир.

Бош қомусимиз инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини олий қадрият даражасига кўтариш, халқимизга хос олижаноблик хусусиятлари билан мустақилликкача амалда бўлган конституциялардан тубдан фарқ қилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 25-моддасида «Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас», дейилган бўлса, унинг 26-моддасида «Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошқора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади.

Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас», деб таъкидланган.

Қайд этиш жоизки, ҳар ким инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шахсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари, шунингдек, уларнинг кафолатлари ҳақида фақатгина конституциямизда қайд этилган барча норма ва қоидаларни яхши билиши, балки уни тарғибот ва ташвиқот қилиши керак. Бош қомусимизда белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлар билан бирга, бажаришимиз шарт бўлган бурчлар ҳам мавжуд. Конституция, фикримизча, бу давлат ва фуқаролар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиб турувчи муқаддас шартномадир.

Бурч – шахснинг бирор инсон, оила, жамоа, эл-юрт, Ватан олдидаги мажбуриятини англа-тувчи ахлоқий тушунча бўлиб, унда объектив муносабатлар ифодаланади. Мажбурият эса иймон-эътиқод, онглилик, виждон каби тушун-

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси конституциявий ҳуқуқ кафедраси бошлиғи, юридик фанлар номзоди, доцент.

чалар билан чамбарчас боғлиқ. Ҳозирги шароитда инсоннинг табиат ва авлодлар олдидаги бурчи янгича мазмун касб этиб бормоқда. Оилавий бурч эса жамият олдида турган мақсадлар билан янада уйғунлашмоқда. Она-Ватанга, халққа хизмат қилиш эса энг улуғ ва энг шарафли бурч ҳисобланади.

Асосий қомусимизда конституция ва қонунларга риоя этиш, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш, ўзбек халқининг тарихий ва маданий меросини асраб-авайлаш, атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлаш, Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш сингари бурчлар белгилаб қўйилган. Шу боис уларга қатъий амал қилиш, қолаверса, уни ёшлар онгига сингдириб бориш барча мутасадди ходимлар, педагоглар, психологлар, ўқитувчилар ва ҳоказолар учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Чунончи, судда адолатнинг ҳукмронлиги учун бир палласи айблов, иккинчиси эса ҳимоядан иборат «тарози» бўлгани сингари, жамиятда ҳам Конституцияда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликлар билан бирга, бурч ва мажбуриятлар «палласи»нинг мутаносиблигига риоя этилиши лозим.

Бунинг учун одил судловни амалга оширишда жамоатчилик назоратидан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир. Ўзбекистон Республикасида «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши шу мақсадга хизмат қилиши шубҳасиз.

Жамоатчилик назоратининг муайян жиҳатлари, одатда, фуқароларнинг ахборот олиш ҳуқуқини назарда тутадиган, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган қонунчилик ҳужжатлари орқали тартибга солинади. Шу боис, одил судлов ўз фаолиятининг очиқлигини жинойат ишида иштирок этаётган барча шахсларга сезиларли даражада ифода этиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонуни лойиҳа-

сига кўра, «жамоатчилик назорати» атамаси жамоатчилик назорати субъектларининг давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг Конституция қоидалари, қонунлар ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳуқуқларини тартибга солувчи халқаро меъёрлар ва принципларни сўзсиз ижро этишига доир маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва умумлаштиришга оид фаолиятини ифодалайди.

Бунда жамоатчилик назоратини амалга ошириш инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг устуворлиги, ихтиёрийлик, жаммоатчилик назоратининг ошкоралиги, давлат органлари ва мансабдор шахслар билан ўзаро муносабатларда маънавий-ахлоқий қоида ва меъёрларга қатъий риоя этиш каби тамойилларга амал қилиш асосида таъминланиши муҳимдир.

Қонун лойиҳасида инсон ҳуқуқларига доир қонунчилик меъёрлари бажарилишининг ҳолати устидан мунтазам жамоатчилик мониторингини, социологик тадқиқотлар ва жамоатчилик эшитувларини, давлат органларининг муайян масалалар бўйича фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларини амалиётга жорий этиш, фуқаролик жамияти институтларининг қонунлар ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг жамоатчилик экспертизасида, шунингдек, шахс ҳуқуқлари ва манфаатларига тааллуқли қарорларни қабул қилиш жараёнида иштирок этиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш сингари муҳим жиҳатларнинг белгиланиши мақсадга мувофиқдир.

Ҳуқуқшунос олимларнинг илмий ишларини таҳлил қилиш шундан далолат берадики, инсон ва фуқароларнинг одил судловга эришишининг давлат томонидан таъминланиши, шунингдек одил судловга кўмаклашувчи шахсларнинг хавфсизлигига оид комплекс чоралар тизими каби муҳим конституциявий ҳуқуқларни жинойат ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари зиммасига юкланганига қарамай, ҳозирги кунга қадар тўлиқ ҳажмда амал қилади деб айтиш мушкул.

Чунки жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш жараёнларига кенг жамоатчиликни жалб этиш, бунинг учун эса Конституция 121-моддасининг иккинчи қисми асосида қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ёрдам бераётган шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш, керак бўлса, уларни рағбатлантириш эвазига манфаатдор қилиш каби ишларни такомиллаштиришга зарурат туғилмоқда. Ҳолбуки, гувоҳнинг кўрсатма беришдан бош тортганлиги, шунингдек била туриб ёлғон кўрсатма берганлик учун қонунда белгиланган тарзда жавобгар бўлиши ҳақида «огоҳлантириш» ҳисобига, аксарият ҳолларда бўлганидек, ноаниқ, чалғитувчи кўрсатма олиш эмас, балки уларнинг ўз ҳоҳишлари билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга келиб, ҳар бир содир этилган ёки тайёрланаётган жиноят ҳақида батафсил кўрсатма беришига эришишимиз зарур. Бунинг учун эса энг аввало уларнинг ҳаёти, соғлиги, ҳуқуқ ва эркинликлари, шунингдек хавфсизлиги қонун ҳамда қонуности норматив ҳужжатлари орқали амалда кафолатланган бўлиши керак. Ана шундагина жиноят ёки бошқа ҳуқуқбузар-

ликнинг шоҳиди ёки гувоҳи бўлган шахсларни жиноятларни тергов қилиш жараёнига ҳамкорлик қилиш учун жалб этиш масаласида муаммо бўлмайди.

Зеро, бу борада Юртбошимиз Ислон Каримов томонидан тўғри таъкидланганидек, «энг хавфлиси шундаки, одамлар тақдирига бепарволик, номақбул иш усуллари оқибатида биз оддий, умуман олганда, қонунга итоат этувчи, лекин қонундан бир оз чекинган фуқароларни нотўғри жазолаб, улардан ҳокимиятга ҳам, қонунга ҳам ишонмайдиган норози одамлар тоифасини ўз қўлимиз билан яратамиз»¹.

Хулоса қилиб айтганда, одил судловни амалга ошириш жараёнида фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратидан кенг фойдаланишга қаратилган юқорида келтирилган таклифлар жиноятчиликка қарши кураш соҳасига ҳамда дастлабки тергов органларининг жиноят ишларини юритиш жараёнида шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш механизмига дахлдор энг асосий қоидаларни ишлаб чиқиб амалиётга жорий этишга самарали ҳисса қўшади.

◆ Нашрга тайёрланди ◆

Хасанов Ш.Х., Тураббаев Х.А., Хусанов А.Д. Баллистик экспертиза: Дарслик. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2012.

Дарсликда қуроллар эволюцияси ва суд-баллистик экспертизасининг ривожланиш тарихи, умумий қоидалари, қўл ўқотар қуроллари, жанговар ўқ-дорилар, пневматик ва газ қуроллари, қўлбола ўқотар қуролларнинг гуруҳий тааллуқчилигини аниқлаш, эксперт-криминалистик тадқиқ қилиш масалалари ёритилади. Шунингдек, ноштат патронлар ўқ ва гильзаларини криминалистик тадқиқ этиш, нарезли ўқотар қуролларнинг отилган ўқлардаги изларига кўра идентификация қилиш, силлиқ стволли ўқотар қуролларнинг отилган ўқлардаги изларига кўра ҳамда ўқотар қуролларнинг отилган гильзалардаги изларига кўра идентификация қилиш хусусида атрофлича маълумот берилади. Бундан ташқари, ўқ отилиши ҳодисалари, ўқ отилишида ҳосил бўладиган асосий ва қўшимча излар ҳамда ўқ отилиши изларидан ўқотар қуролни ишлатиш шароитларини аниқлаш методикалари кўриб чиқилади.

ИИБ Академиясининг Олий академик курслари ва кундузги таълим тингловчилари ҳамда ички ишлар идораларининг амалиётдаги ходимларига мўлжалланган.

¹ Каримов И.А.: Адолат – қонун устуворлигида // Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. – Т., 2002. — Б. 36.

**ГУМОН ҚИЛИНУВЧИ ВА АЙБЛАНУВЧИНИ ҲИМОЯЛАНИШ ҲУҚУҚИ БИЛАН
ТАЪМИНЛАШГА ОИД КОНСТИТУЦИЯВИЙ НОРМАЛАРНИНГ ЖИНОЯТ
ПРОЦЕССУАЛ ҚОНУНЧИЛИҚДА ИФОДА ЭТИЛИШИ**

Ўзбекистон бугун дунё аҳли кўз ўнгида ривожланиб, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўринни эгалламоқда. Албатта, мамлакатимиз равнақини Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан айри ҳолда тасаввур эта олмаймиз. Зеро, Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек, «аввало, барчамиз бир ҳақиқатни англаб, тушуниб бормоқдамиз – бугун жамиятимизда қандай ютуқ ва марраларга эришаётган бўлсак, буларнинг пойдеворида Конституциямиз – буюк Ҳаёт қомусимиз турибди»¹.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг энг асосий хусусиятларидан бири – фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари устунлигига алоҳида эътибор берилганлигида намоён бўлади. Дарҳақиқат, «инсон ҳуқуқлари – уларнинг пайдо бўлиши, ижтимоий илдизлари, мақсад ва вазифалари – башариятнинг тарихий, ижтимоий-маданий тараққиётига дахлдор бўлган, неча минг йиллар давомида сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, фалсафий тафаккурнинг доимий диққат марказида бўлиб келаётган азалий муаммолардан биридир»². Бу табиий ҳол, албатта. Чунки, инсон ҳуқуқлари етарлича таъминланмаган, манфаатлари эътибордан четда қолган жамиятда юксалиш, ривожланиш бўлмаслиги барчамизга бирдай маълум. Шу боис, мамлакатимиз мустақилликка эришгач, Президент Ислам Каримовнинг ташаббуси билан инсон ҳуқуқларига муносиб равишда эътибор қаратила бошлади ва конституциявий даражада кафолатлаб қўйилди.

Зеро, «инсон ҳуқуқларини назар-писанд қилмайдиган ва уни чеклаб қўядиган жамиятнинг келажаги йўқ ва ҳатто бугуни ҳам даргумон»³.

Инсон ҳуқуқлари айниқса жиноят ва жазо масалаларини ҳал этиш жараёнида долзарб-лашади. Чунки айнан жиноят процессида тегишли мансабдор шахсларга инсон ҳуқуқларини чеклаш билан боғлиқ ҳаракатларни амалга ошириш ваколати берилган. Қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш ҳамда жавобгарликнинг муқаррарлигига эришишда процесс иштирокчиларининг ҳуқуқларини таъминлаш жиноят ва жазо масалаларини адолатли ҳал этишнинг гарови бўлганлиги боис, жамиятда адолат қарор топишига хизмат қилади. Бу жараёнда айниқса, гумон қилинувчи ва айбланувчининг ҳимояланиш ҳуқуқи таъминланиши муҳим ҳисобланади ва бу уларнинг ҳимояланиш ҳуқуқи билан тўлиқ таъминланиши ҳамда содир этмаган жинояти учун жиноий жавобгарликка тортилишдан ёки содир этган қилмиши оғирроқ жиноят сифатида квалификация қилинишидан ҳимоя этади.

Маълумки, Конституциянинг гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминлашга доир нормалари бугун юртимизда жиноят ва жазо масалаларини ҳал этиш жараёнида инсон ҳуқуқларининг самарали ҳимоя қилинишини таъминламоқда. Хусусан, Конституциянинг 116-моддасида «Айбланувчи ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминланади. Тергов ва суд ишини юритиш-

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ИПКТБ стажёр-тадқиқотчи-изланувчиси.

¹ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т. 8. – Т., 2000. – Б. 87.

² Саидов А.Х. Ўзбекистон Республикаси ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар – Т., 2002. – Б. 5.

³ Ўша манба. – Б. 6.

нинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади. Фуқароларга, корхона, муассаса ва ташкилотларга юридик ёрдам бериш учун адвокатура фаолият кўрсатади...» деб белгиланган. Айнан ушбу норма жиноят-процессуал қонунчиликда гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчини ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминлаш масаласи жиноят процесси принципи сифатида белгиланишига асос бўлган. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси¹ талабларига кўра, «гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи ҳимояланиш ҳуқуқига эга. Ҳимояланиш ҳуқуқи суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд зиммасидаги гумон қилинувчига, айбланувчига ва судланувчига унга берилган ҳуқуқларни тушунтириб бериш ҳамда у ўзига қўйилган айбловдан ҳимояланиш учун қонунда назарда тутилган барча восита ва усуллардан фойдаланишда ҳақиқий имкониятга эга бўлишига қаратилган чора-тадбирлар кўриш мажбурияти билан таъминланади» (ЖПК 24-м.)

Назаримизда, ЖПКнинг мазкур нормаси Конституцияда белгиланган ҳимояланиш ҳуқуқининг мазмунини ўзида тўлиқ акс эттира олмаган. Ушбу нормада гумон қилинувчи ва айбланувчининг уларга қўйилган айбловдангина ҳимояланишлари назарда тутилган. Бироқ дастлабки терговда гумон қилинувчи ва айбланувчи фақатгина айбловдан эмас, балки шаъни ва кадр-қимматини камситадиган, шахсий ҳаётига тааллуқли маълумотлар тарқалиб кетишига олиб келадиган ҳаракатлардан, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ процессуал мажбурлов чоралари қўлланилганлиги муносабати билан ёрдамга муҳтожвояга етмаган фарзандлари, кексайган ота-оналарининг қаровсиз, мол-мулкнинг назоратсиз қолиб кетиши каби ҳолатлардан ҳам ҳимояланишига эҳтиёж мавжудлигини инобатга олиб, гумон қилинувчи ва айбланувчининг ҳимояланиш ҳуқуқи бирмунча кенгроқ мазмун касб этишига ишонч ҳосил қиламиз. Фикримизча, гумон қилинувчи ва айбланувчининг ҳимояланиш ҳуқуқига қуйидагича таъриф бериш мақсадга мувофиқ: *Ҳимояла-*

ниш ҳуқуқи деганда, жиноят содир этишда гумон қилиниб ушланган, жиноят ишида гумон қилинувчи ёки айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинган шахсларни ҳақиқатда содир этмаган жинояти учун ноқонуний ва асоссиз жавобгарликка тортилишидан, содир этган жиноий қилмишлари бўрттириб квалификация қилинишидан, шунингдек, уларга нисбатан содир этилиши мумкин бўлган барча ғайриқонуний хатти-ҳаракатлардан шахсан ўзи ёки ҳимоячи ва қонуний вакили ёрдамида ҳимояланиш имконини берувчи қонуний ҳуқуқлари мажмуаси тушунилади.

Конституциямизда белгиланган ҳимояланиш ҳуқуқига оид нормаларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

Биринчиси – бевосита ҳимояланиш ҳуқуқини назарда тутувчи нормалар. Уларга кўра, «Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади. Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги таъйиққа дучор этилиши мумкин эмас...» (26-м.); «Айбланувчи ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминланади. Тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади. Фуқароларга, корхона, муассаса ва ташкилотларга юридик ёрдам бериш учун адвокатура фаолият кўрсатади...» (116-м.)

Иккинчиси – ҳимояланиш ҳуқуқига алоқадор нормалар. Ушбу гуруҳга кирувчи қоидаларга биноан, «...фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас» (19-м.); «Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас» (25-м.); «Ҳар ким ўз шаъни ва

¹ Кейинги ўринларда ЖПК.

обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашидан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонунда назарда тутилган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бировнинг турар жойига кириши, тинтув ўтказиши ёки уни кўздан кечириши, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошкор қилиши мумкин эмас» (27-м.); «Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозим» (30-м.); «Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади» (44-м.); «... Суд ишлари олиб борилаётган тилни билмайдиган судда қатнашувчи шахсларнинг таржимон орқали иш материаллари билан тўла танишиш ва суд ишларида иштирок этиш ҳуқуқи ҳамда судда она тилида сўзлашиш ҳуқуқи таъминланади» (115-м.).

Жиноят ва жазо масалаларини ҳал этишда инсон ҳуқуқларини таъминлаш жиноят-процессуал қонунчилик билан тартибга солинган бўлиб, бугунги ЖПКнинг ривожланиш тарихи собиқ иттифоқ даври билан боғлиқ бўлганлиги сабабли амалдаги кодексда кескин бурилиш қилиш имкони мавжуд эмас эди. Лекин мустақиллик йиллари суд-ҳуқуқ соҳасида ўтказилган изчил ислоҳотлар натижасида ҳозирги жиноят-процессуал қонунчилик Конституциямиз нормаларини ўзида тўлиқ акс эттирмоқда ва амалдаги ЖПК янгича мазмун касб этмоқда. 2012 йил 18 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни¹ қабул қилиниши бу борада ташланган яна бир қадам бўлди. Мазкур қонун орқали айбланувчи, судланувчини

лавозимидан четлаштириш ҳамда шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини фақат судьянинг санкцияси асосидагина қўллаш тартибининг жорий этилганлиги, Конституцияда белгиланган «...фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас» деган норма талабларининг ифодасидир.

Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар натижасида процессуал мажбурлов чораларини қўллаш учун санкция бериш ваколати босқичма-босқич прокуратура органларидан судга ўтказилаётганлигининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Натижада дастлабки терговда гумон қилинувчи ва айбланувчиларнинг ҳимояланиш ҳуқуқлари тобора самарали таъминланмоқда. Чунки, суднинг мутлақ холис органлиги жиноят процессида шахс ҳуқуқларини чеклаш масаласини адолатли ҳал этишнинг гарови ҳисобланади.

Фикримизча, суриштирувчи, терговчи ва прокурорнинг процессуал ҳаракатлари ёки қарори устидан судга шикоят қилиш тартибини, яъни механизмини жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлиб, бу ҳам дастлабки терговда инсон ҳуқуқларининг самарали ҳимоя қилинишига омил бўлади.

Мазкур таклифни қуйидаги биргина ҳолат мисолида кўриб чиқамиз. ЖПК талабларига кўра, терговчининг ишни ҳал этишда айблов ва ҳимоя функциясини тенг амалга ошириши белгиланган бўлса-да, бироқ унинг амалдаги ҳолати кўпроқ айблагга мойил бўлишини тақозо этади. Шундай экан, терговчи дастлабки терговни мустақил олиб борганлиги сабабли (прокурордан санкция олинмиши назарда тутилган тергов ҳаракатлари бундан мустасно), шахсининг айбини тасдиқловчи истаган тергов ҳаракатини ўтказиш имконига эга. Бироқ қонун чиқарувчи ҳимоячига тергов ҳаракатлари ўтказиш ҳуқуқини бермаган. Улар фақатгина лозим деб ҳисоблаган тергов ҳаракатларини ўтказишни сўраб терговчига илти-

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2012. – №38. – 433-м.

моснома бериш ҳуқуқидан фойдаланишлари мумкин. Терговчи эса аксарият ҳолларда ҳимоячининг ушбу мазмундаги илтимосини қаноатлантиришни рад этади.

Амалдаги ЖПКнинг 358, 377-моддалари талабларига кўра, ҳимоячи дастлабки тергов ҳаракатларини ўтказиш тўғрисида берган илтимосномани терговчи рад этган ҳолларда ҳимоячи терговчининг илтимосномани рад этганлиги юзасидан прокурорга шикоят қилиши мумкин, бироқ прокурорнинг судда айблов функциясини бажариши ва дастлабки терговга раҳбарлик қилиши унинг бундай мазмундаги шикоятни ҳолисона ҳал этишини шубҳа остида қолдиради. Фикримизча, ЖПКда илтимосномани қаноатлантириш рад этилганлиги юзасидан айнан прокурорга шикоят бериш тартибининг белгиланганлиги, тергов амалиётида ҳимоячиларнинг мазкур ҳуқуқларидан етарлича фойдаланмасликларига, фойдаланган тақдирда ҳам уларнинг илтимосномалари аксарият ҳолларда қаноатлантирилмай қолишига олиб келмоқда.

Назаримизда, ҳимоячининг илтимосномасини қаноатлантиришни кафолатлашнинг энг мақбул усули ҳимоячининг илтимоси рад этилганлиги юзасидан судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга бўлишдир. Чунки суднинг холис орган эканлиги, ушбу мазмундаги шикоятлар юзасидан адолатли қарор қабул қилинишини кафолатлайди. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасида ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланиши белгиланган. Ушбу таклиф жиноят-процессуал муносабатларда мазкур конституциявий норма талабларининг тўла-тўқис ифодаланишига хизмат қилади.

Эътиборли жиҳати шундаки, Конституцияда айбланувчини ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминлаш билан бир қаторда уни бевосита кафолатловчи нормалар ҳам назарда тутилган. Хусусан, унда тергов ва суд ишини юритишнинг

ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқининг кафолатланиши, фуқароларга корхона, муассаса ва ташкилотларга юридик ёрдам бериш учун адвокатура фаолият кўрсатиши белгиланган. Чунончи, ҳимоячининг жиноят процессида иштирок этиши гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминлашнинг энг муҳим кафолати бўлиб хизмат қилади¹.

Шу сабабли, мазкур конституциявий нормани амалга ошириш, уни ҳаётга татбиқ этиш учун фуқаролик жамиятининг муҳим институтларидан бири бўлган адвокатура институтини ривожлантириш, унинг жамият ҳаётида тутган ўрни ва ролини ошириш, айблов ва ҳимоянинг тенглигини таъминлаш мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг устувор йўналишларидан бири сифатида эътироф этилиб, бунинг учун зарур бўлган ҳуқуқий асослар яратилди. Суд-ҳуқуқ тизимининг муҳим соҳаларидан бири ҳисобланган адвокатура институтини ислох қилишнинг ҳуқуқий натижаси сифатида 1996 йил 27 декабрда мамлакатимиз тарихида илк бор «Адвокатура тўғрисида»ги, 1998 йил 25 декабрда «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари қабул қилинди. Адвокатура тизими ва адвокатлик фаолиятининг кафолатларини таъминлашга қаратилган давлат сиёсатининг мантиқий давоми сифатида «Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни 2009 йил 1 январда матбуотда эълон қилинди. Натижада адвокатликка бўлган номзодларнинг малакасига қўйилаётган талаблар кучайтирилди, жиноят процессида айблов ва ҳимоя тарафларининг процессуал ҳуқуқлари тенглигини таъминлаш, адвокатлар томонидан касб этикаси қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш механизми ва адвокатларга нисбатан интизомий иш юритиш тизими такомиллаштирилди.

¹ Қаранг: Абдусаломов М.Ю. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳ. – Т., 2001. – Б. 542—543.

Дастлабки терговда суд назоратининг кенгайиши, адвокатура институтининг такомиллаштирилиши ҳамда гумон қилинувчи ва айбланувчи ҳуқуқларининг кенгайиши натижа-сида дастлабки терговда гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминлаш масаласи сифат жиҳатдан ўсди. Шу билан бирга, мазкур ислохотлар дастлабки тергов органлари зиммасидаги масъулиятни янада кенгайтирди. Фикримизча, айна вақтда дастлабки тергов органлари ҳам тубдан ислоҳ қилиниши мақсадга мувофиқдир. Зеро, ҳимояланиш ҳуқуқи етарлича таъминланиши учун бунга имкон берувчи жиноят-процессуал муҳит ҳам яратилиши лозим. Дастлабки терговда гумон қилинувчи ва айбланувчининг етарлича ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминланишига имкон берувчи жиноят-процессуал муҳит юзага келиши учун аввало дастлабки терговни олиб борувчи мансабдор шахс том маънода процессуал жиҳатдан мустақил

бўлиши лозим. Бунинг учун дастлабки тергов органлари суриштирув ва прокуратура органлари таркибидан ажратилиб, алоҳида давлат органи сифатида ташкил этилиши мақсадга мувофиқ. Суриштирув органларининг жиноятларни аниқлаш ва очилиш кўрсаткич-лари учун масъул эканлиги ҳамда прокурорнинг судда айблов функциясини амалга ошириши, мазкур органлар таркибидаги терговчиларнинг адолатли қарор қабул қилишини айрим ҳолларда шубҳа остида қолдиради.

Мухтасар қилиб айтганда, дастлабки терговни олиб борувчи мансабдор шахслар-нинг қарорлари устидан судга шикоят қилиш механизмини жорий этиш ҳамда дастлабки тергов органларини ислоҳ этиш орқали тергов-чининг процессуал мустақиллигини ошириш, дастлабки терговда гумон қилинувчи ва айбланувчининг ҳимояланишга оид конститу-циявий ҳуқуқларини янада тўлиқроқ таъмин-лашнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

♦ Нашрга тайёрланди ♦

Фуқаролик ва оила ҳуқуқи: Маърузалар курси / О. А. Камалов, О. А. Ниятов, Н. А. Қўлдашев, Ш. М. Тўйчиев, Д. И. Самандаров, Х.М. Қиличев; Масъул муҳаррир юридик фанлар доктори, проф. Ҳ. Раҳмонқулов. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012.

Ушбу маърузалар курсида фуқаролик ҳуқуқи тушунчаси, фуқаролик-ҳуқуқий муносабат субъектлари, фуқаролик ҳуқуқи объектлари, битимлар, вакиллик, ишончнома, даъво муддати, мулк ҳуқуқи ва уни ҳимоя қилиш усуллари, мажбурият ҳуқуқи ҳамда уларнинг бажарилишини таъминлаш усуллари, мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик асослари ва шартлари, муаллифлик ҳуқуқи, ворислик ҳуқуқи ва фуқаролик ҳуқуқининг бошқа шу каби муҳим институтлари ёритиб берилади. Шунингдек, оила ҳуқуқи тушунчаси, оила ва унинг жамият ҳаётида тутган ўрни, никоҳ, васийлик ва ҳомийлик, қон-қардошлик ва болаларнинг насл-насабини белгилаш, алимент мажбуриятлари ва оила ҳуқуқи муносабатларини тартибга соладиган бир қатор бошқа масалалар хусусида фикр юритилади.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ олий ўқув юртларининг курсантлари ва тингловчиларига мўлжалланган бўлиб, ундан республикамиздаги бошқа юридик олий ўқув юртларининг талабалари ҳам фойдаланишлари мумкин.

Ф. В. Менглиев*

**КОНСТИТУЦИЯДА ИНСОН ВА ФУҚАРО ҲУҚУҚЛАРИНИНГ
УСТУВОРЛИГИ**

Мамлакатимиз мустақиллигининг бебаҳо тимсоли ва буюк халқимиз келажагининг кафолати бўлмиш Конституциямизнинг қабул қилинганига йигирма йил тўлди. Шу вақт мобайнида асосий қомусимиз халқимизнинг азалий орзуси бўлган мустақиллигимизни мустаҳкамлашга, олдимизга мақсад қилиб қўйилган адолатли фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий демократик давлатни шакллантиришга қаратилган барча ижтимоий соҳалардаги кенг қўламли туб ислохотларни амалга оширишда энг асосий ҳуқуқий замин бўлиб, халқимизнинг ва ёшларимизнинг буюк келажагига юксак ишонч уйғотиб, камарбаста бўлиб келмоқда.

Конституциямизнинг қабул қилиниши, авваламбор, истиқлолимиз мевасидир, қолаверса, унда халқимизнинг порлоқ келажаги белгилаб берилди. Унинг муқаддимасида: «Ўзбекистон халқи: инсон ҳуқуқларига ва мамлакатимиз мустақиллиги ғояларига содиқлигини тантанали равишда эълон қилиб, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятни англаган ҳолда, ўзбек давлатчилигининг тарихий тажрибасига таяниб, демократия ва ижтимоий адолатга садоқатини намоён қилиб, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда, республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга интилиб, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни кўзлаб, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш мақсадида, ўзининг мухтор вакиллари сиймосида Ўзбекистон Республикасининг мазкур Конституциясини қабул қилади», – деб эълон қилинган.

Республикаимиз Асосий қонунининг қабул қилинишида 100 дан ортиқ мамлакатларнинг Конституциялари, ривожланган демократик

давлатларнинг илғор тажрибалари, халқаро ҳужжатларнинг нормалари ўрганилиб, халқимизнинг бой тарихи, бебаҳо маънавий меросимиз ва миллий қадриятларимиз, азалий урф-одатлар, анъаналар ҳисобга олинди. Конституциямизнинг хорижий мутахассислар томонидан дунёда энг демократик конституция деб эътироф этилгани таҳсинга лойиқдир.

Бундан кўриниб турибдики, Конституцияда мамлакатимиз ва халқимизнинг буюк келажагига пойдевор яратилди. Унда давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилиши, давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъул эканлиги, мамлакат ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилиниши, уларнинг ривожланиши учун давлат шароит яратиб бериши, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги, халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи эканлиги белгилаб қўйилган, Ўзбекистон халқи номидан иш олиб боришга у сайлаган Президент ва Олий Мажлис ҳақли эканлиги, Ўзбекистонда давлат ҳокимиятининг тизими қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципа асосланганлиги, Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланиши, Ўзбекистонда демократия умуминсоний принципларга асосланганлиги, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият эканлиги, давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга

* Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси Олий академик курслари тингловчиси.

ошириши, Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни кафолатлаши ва Республика ҳудудидаги чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланиши қайд этилган. Ўзбекистон Республикасининг фуқароси Республика ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, Ўзбекистон Республикасига келиш ва ундан чиқиб кетиш ҳуқуқига эга эканлиги, виждон эркинлиги кафолатланлиги, ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эгалиги, Ўзбекистон фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқига эга эканлиги, ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш, ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиши, бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланганлиги, ҳар ким илмий ва техникавий ижод эркинлиги кафолатланганлиги, вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида эканлиги каби ҳақиқий демократик ва инсонпарвар қоидалар мустаҳкамлаб қўйилган.

Мустақил Ўзбекистон Конституцияси, собиқ шўро тузумининг Конституциясидаги маъмурий буйруқбозлик ғоялари ва халқ манфаатларидан давлат манфаатларининг устунлиги ифодаланган қоидалардан буткул йироқлаштирилган. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, «ислоҳот ислоҳот учун эмас, инсон учун»-деган улуғвор ғоя айнан Асосий қомусимизнинг мазмун-моҳиятини ташкил қилади.

Асосий қомусимизнинг ҳар қайси қоидасида инсон манфаатларининг ҳамма нарсадан устунлиги, дунёвий неъматлар орасида энг улуғи инсон эканлиги намоён бўлиб туради. Масалан, Конституциянинг 11-моддасидаги ҳокимият бўлиниши принципининг замирида ҳам давлат ҳокимияти органлари бир-бирларини тийиб туриш орқали халқимизга муносиб яшаш шароитини яратиб беришидек улкан вазифа ифодаланган.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин туб ислоҳотларнинг амалга оширилишида ва ижобий натижаларга эришилишида мустақил Ўзбекистон Конституцияси ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди. Аниқроқ айтганда,

мазкур Конституциямиз асосида 700 дан ортиқ демократик қонунлар ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинди ва жамиятимизда демократик жараёнлар жадаллашди. Жумладан, фуқаролик жамияти институтлари шакллантирилди, фуқаролар ўртасида фикрлар хилма-хиллиги, сиёсий партиялар, кўппартиявийлик ва сайлов тизими ривожлантирилди, фуқароларнинг давлат ва жамиятни бошқаришдаги фаоллиги ошди, халқ фаровонлиги таъминланди. Юксак маънавий меросимиз ва она тилимиз тикланишига имконият яралди, хилма-хил мулк шакллари ижобий натижасини берди.

Президент Ислон Каримов таъкидлаганидек, ана шундай беқиёс ўзгаришларнинг амалий ҳаётий натижаси сифатида, юртимизда бола ва оналар ўлими кескин қисқарди, аҳолининг ўртача умр кўриш даражаси ҳозирги кунда собиқ СССР ҳудудидаги энг юқори кўрсаткичлардан бирига 73 ёшга, аёлларимиз ўртасида эса 75 ёшга етди.

Демак, Конституциямизнинг бош мақсади, мамлакатимизни ривожланган демократик давлатлар қаторига кўтариш, халқимиз учун тинч, фаровон, турмуш шароитлари яратиб беришга хизмат қилишдан иборат. Зеро, Конституция Ўзбекистон халқи учун кенг имкониятлар ва порлоқ келажак эшигини очиб бераётган олтин калит бўлиб, барчамиздан Асосий қонунимизни ва шу қонун асосида қабул қилинган барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мукаммал ўрганиб, ўзлаштириб, уларга амал қилиб, ҳуқуқий маданиятни юксалтириб бориш талаб этилади. Бу эса мамлакатда адолатли фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий демократик давлатни қуришнинг энг муҳим талабидир.

Президентимиз И.А.Каримовнинг 2001 йил 4 январда «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш тўғрисида» фармон қабул қилинганлиги аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга бўлган эътибор белгисидир.

Шундай экан, ҳар биримиз ўз устимизда тинимсиз ишлашимиз ва жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга муносиб ҳиссамизни қўшишимиз замон талаби эканлигини унутмаслигимиз, бунга айниқса ўсиб келаётган ёшлар онгига синдиришимиз лозим. Президент Ислон Каримов таъкидлаганидек, «онги ва тафаккури, эътиқоди мустаҳкам бўлган, ўз мустақил фикри билан яшаётган одамни чалғитиб ҳам, кимлардир хоҳлаган томонга оғдириб ҳам бўлмайди».

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING КОНСТИТУЦИЯСИ – ЖИНОЯТ ВА
ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ ҚОНУНЧИЛИКНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ АСОСИ**

Ўзбекистон Республикасида демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш мақсадида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида энг олий кадрият - инсон ва унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш вазифалари белгилаб олинган. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси эса давлат олиб бораётган инсонпарварлик сиёсатининг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилади.

Чунки, Конституцияда инсонпарварлик ғояларига содиқлик «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий кадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади» (13-модда) деб мустаҳкамланган.

Бу борада мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов «Биз, энг аввало, ҳуқуқий асосни тайёрладик, жамиятимизнинг асосий ақидалари, унинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий йўналишлари белгилаб берилган конституциямиз ҳам ана шу асосга қурилган»¹, дея эътироф этган.

Этиборли жиҳати шундаки, Конституция-мизда инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, шунингдек дахлсизликлари мазмунини очиб берувчи етти боб, ўттиз тўртта модда мавжуд ва уларнинг ҳар бири инсонпарварлик ғоялари билан суғорилган. Бу эса, қомусимизнинг энг ривожланган, тараққий топган демократик давлатларнинг конститу-

цияларидан қолишмайдиган, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳужжатларига, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидаларига асосланган дунёдаги илғор конституциялар қаторига киришини таъминлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 43-моддасига кўра «Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди». Бу эса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаганларидек, «инсон ва давлат ўртасидаги муносабатларда инсон манфаатлари устувор бўлиши керак. Давлат ва давлат ҳокимиятининг барча тармоқлари ўз фаолиятини инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш ишига сафарбар қилгандагина ўз вазифасини тўғри адо этган ҳисобланади»².

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз Конституцияси республикамиз фуқароларининг демократик ҳуқуқ ва эркинликларини ўзида мужассам этиб, маъмурий, фуқаролик, жиноят ҳуқуқи, жиноят-процессуал, меҳнат, оила ва бошқа ҳуқуқ тармоқларини ўзида акс эттирган бўлиб, кундан-кунга ривожланиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бучлари билан ўзаро боғлиқ эканлиги, фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиз эканлиги (19-м.); ҳар ким ўз шаъни ва

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими стажёр-тадқиқотчи-изланувчиси.

¹ Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. – Т., 1996. – Б.135.

² Ўша манба. – Б. 17.

обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашидан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга эканлиги (27-м.); ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги (35-м.); ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли эканлиги (36-м.) ўз ифодасини топган бўлиб, ушбу моддалар Жиноят-процессуал кодексининг нормаларида бевосита ўз аксини топган.

Сўнги йилларда мамлакатимизда жиноят, жиноят-процессуал қонунчиликни ривожлантириш йўлида бир қатор салмоқли ишлар қилинди ва бугунги кунда улар ўз самарасини бермоқда.

Айниқса, 2001 йил 29 август куни Жиноят, Жиноят-процессуал ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга жинойат жазоларни либераллаштириш муносабати билан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишини юксак инсонпарварлик намунаси дейиш мумкин. Ушбу қўшимчаларнинг киритилиши жиноятларни квалификация қилиш билан боғлиқ ўзгартиришларнинг вужудга келишига, оғир ва ўта оғир таркибли жиноятларнинг 75 фоизини ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказилишига, иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар бўйича қамоқ ва озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазолар ўрнига жарима жазосининг қўлланишининг кенгайтирилишига, жазо тизимидан мол-мулкни мусодара қилиш билан боғлиқ бўлган жазо турининг чиқариб ташланишига ва Жиноят кодексининг ўн битта моддаси таркиби бўйича етказилган зарар бартараф этилган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш жазосининг қўлланилмаслиги институтининг жорий этилишига сабаб бўлди.

Мазкур ислохотлар натижасида озодликдан маҳрум қилиш жойларида маҳкумларнинг сақланиши бўйича Ўзбекистон дунё мамлакатлари орасида энг паст кўрсаткичга эга бўлиб, ҳар 100 минг аҳолига 166 маҳкумнинг тўғри келиши ва сўнги ўн йил ичида маҳкумлар сони икки бараварга камайганини айтиб ўтиш

мумкин. Бу кўрсаткич Россия Федерациясида мос равишда 611 та маҳкумни, АҚШда 738 маҳкумни ташкил этади.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда яна бир олға ташланган қадам 2008 йилда ўлим жазоси ўрнига умрбод озодликдан маҳрум қилиш ва узоқ муддатли қамоқ жазоларининг киритилиши бўлди. Мамлакатимизда ўлим жазосининг бекор қилиниши хорижий мутахассислар томонидан юксак баҳоланди. Германия ва Польша давлатларида умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси 5 та, Бельгия ва Россияда 6 та, Данияда 9 та, Швецияда 13 та, Францияда 18 та, Голландияда эса 19 та жиноят таркибига нисбатан қўлланилаётган бўлса, мамлакатимизда ушбу жазо фақатгина 2 та жиноят тури, яъни қасддан одам ўлдириш ва терроризм жиноятларига нисбатан фақат 18 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркак жинсидаги шахслар жиноят содир этган тақдирдагина қўлланилади.

Мамлакатимизда 2001 йилдан бошлаб ярашув институтининг жорий этилиши, 2004 йил 27 августда ва 2009 йил 3 апрелда ушбу институтга ўзгартишлар киритилиши Жиноят кодексининг эллик бешта моддаси бўйича тарафларга ярашиш имкониятини яратди ва ушбу ислохот натижаси юз мингдан ортиқ шахсларнинг жинойат жавобгарликдан озод этилишига сабаб бўлди.

Ислохотларнинг мантиқий давоми сифатида 2008 йилда «Хабеас корпус» институтининг қонунчилигимизга жорий этилиши, яъни қамоққа олиш эҳтиёт чорасига санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши халқимизнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларининг таъминланиши янада такомиллашувига сабаб бўлди.

Юқоридаги ислохотлардан ташқари жиноят-процессуал қонунчиликда шахс ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида жиноят содир этишда гумон қилинаётган ва айбланаётган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишга доир бир қатор қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши ва диспозитивлик институтининг жиноят-процессуал қонунчилигида кенгайтирилиши, инсон ҳуқуқларининг таъминланишида олға қўйилган қадам

десак муболаға бўлмайди. Лекин жиноят процессининг асосий вазифаларидан бири ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши натижасида маънавий, жисмоний ёки мулкый зарар кўрган шахсларнинг, яъни жабрланувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилишда камчиликларнинг мавжуд эканлиги ушбу масалага алоҳида эътибор қаратишни тақозо этади.

Бугунга келиб, жиноятдан зарар кўрган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш нафақат мамлакатимиз, балки бутун дунёдаги долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Бу борада республикаимизда бир қатор ишлар амалга оширилган бўлсада, бироқ ҳанузгача жабрланувчиларга етказилган моддий зарарнинг ўрни тўлиқ қопланишига эришиб бўлмапти.

Ҳозирги вақтда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти фақатгина жиноят содир этган шахсни аниқлаш, унга нисбатан тегишли жазо тайинлаш билан чекланиб қолмоқда. Жабрланувчига етказилган моддий, маънавий ва жисмоний зарарларни бартараф қилиш масаласи иккинчи даражали кўринишга келиб қолган.

Жиноят содир этган шахсга нисбатан жазо тайинланиши жабрланувчининг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш билан боғлиқ барча муаммоларни ҳал этмайди. Фақатгина жазо тайинлаш билан чекланиш эса, ўз навбатида, жиноятдан зарар кўрган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўлиқ таъминланмаслигига олиб келади. Жиноятдан жабр кўрган ҳар қандай фуқаронинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилишидан мақсади аввало ўзига етказилган моддий зарарнинг қопланиши, бузилган ҳуқуқларининг таъминланишини талаб қилиш ва бунга эришишдан иборат бўлади. Моддий зарарнинг қопланмаслиги фуқароларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятига, яъни давлатга ишончсизликнинг вужудга келишига сабаб бўлади. Бу эса содир этилган жиноятлар ҳақида фуқаролар томонидан ҳуқуқни

муҳофаза қилувчи органларга хабар берилмаслигига ва ноқонуний йўллар ёки зўравонлик билан зарарни ўзбошимчалик билан ундириш ҳаракатларининг амалга оширилишига, жиноятларнинг латентлашишига, жиноят содир этган шахсларнинг жавобгарликдан қутулиб қолишига ва жазонинг муқаррарлиги принципининг бузилишига, жиноятчи шахслар ва жиноятлар сонининг ўсишига сабаб бўлади.

Бундан ташқари, ҳар қандай жиноят туфайли мулкый ва жисмоний зарар етказилиши натижасида жабрланувчиларда маънавий зарарнинг вужудга келишини инкор этиб бўлмайди. Амалдаги жиноят-процессуал қонунчилигида эса маънавий зарарни бартараф этиш, жабрланувчиларга руҳий ёрдам кўрсатиш жараёнининг акс эттирилмаганлиги ҳам ушбу масалага чуқурроқ эътибор қаратилишини талаб этади.

Демак, бугунги кунда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг таҳлили жабрланувчиларга етказилган моддий зарарни қоплаш, уларга руҳий ёрдам кўрсатишда муаммолар мавжуд эканлигини ва уларни бартараф қилиш билан боғлиқ чоратадбирлар кўрилиши лозимлигини тақозо этади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, Конституциямиз инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқий ҳолатини белгилашда, инсон ҳуқуқлари устуворлигини эътироф этади. Унда инсон, унинг эркинлиги, шаъни ва қадр-қиммати олий қадрият сифатида баҳоланади. Бу эса ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган ғояларини ўзида намоён қилади. Қолаверса, Конституциямиз ҳар қандай ҳуқуқ соҳасининг ривожланишида ва ҳуқуқий ислохотларда асос бўлиб хизмат қилади. «Ҳақиқатан ҳам ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, бизнинг Конституциямиз умуминсоний ғоялар — тенглик, эркинлик, биродарлик, халқаро ва миллатлараро дўстлик, мамлакат ва дунё барқарорлиги каби энг улўф ғояларга хизмат қилади»¹.

¹ Каримов И.А. Буюк келажакимизнинг ҳуқуқий кафолати. — Т., 1993. — Б. 8.

О КОНСТИТУЦИОННО-ПРАВОВЫХ МЕХАНИЗМАХ ОБЕСПЕЧЕНИЯ СОЦИАЛЬНЫХ ПРАВ ЧЕЛОВЕКА

В летописи независимого Узбекистана 8 декабря 1992 г. отмечен как День принятия Конституции Республики Узбекистан. Эта знаменательная дата ежегодно широко отмечается в нашей стране. Выступая на торжественном собрании, посвященном 20-летию Конституции Республики Узбекистан, Президент И. А. Каримов отметил, что весь ход поступательного развития Узбекистана за истекшие годы независимости убедительно подтверждает огромный потенциал нашей Конституции, глубокую продуманность, последовательность и жизненность заложенных в ней принципов, положений и норм¹.

Следует подчеркнуть, что, учитывая важность данного документа, 4 января 2001 г. Президент страны издал распоряжение «Об организации изучения Конституции Республики Узбекистан», направленное на углубленное изучение Конституции и создание для этого необходимых условий. Распоряжение предусматривает организацию изучения Конституции во всех образовательных учреждениях республики. Особое внимание уделяется изучению Конституции в педагогических образовательных учреждениях, на выпускниках которых лежит задача формирования социально-правовой активности молодежи, правовой грамотности и правовой культуры юношей и девушек².

Конституция Узбекистана – гарант развития демократии и соблюдения прав человека³. Одним из основных видов прав человека, закрепленных в Основном Законе нашей республики, являются социальные права, к

которым следует отнести право на труд, на свободный выбор работы, на справедливые условия труда и на защиту от безработицы.

В соответствии со ст. 37 Конституции Республики Узбекистан «каждый имеет право на труд, на свободный выбор работы, на справедливые условия труда и на защиту от безработицы в порядке, установленном законом».

Понятие защиты трудовых прав работников необходимо рассматривать в широком и узком аспектах. Защита трудовых прав работников в узком смысле – это обеспечение соблюдения трудовых прав, защита от их нарушений, реальное восстановление незаконно нарушенных прав и установление трудовым законодательством и действиями соответствующих органов реальной эффективной ответственности работодателей и их представителей (администрации) за нарушение трудового законодательства, его неисполнение.

В широком же смысле под защитой трудовых прав работников следует понимать реализацию защитной функции трудового права.

В Узбекистане в законодательном порядке и в повседневной жизни каждому человеку обеспечивается полная свобода экономической деятельности, свобода выбора сферы и формы приложения своего труда.

Свобода труда означает:

– свободный для человека выбор – работать или не работать. Незанятость человека не может служить основанием для привлечения его к административной или иной ответственности;

* Преподаватель кафедры конституционного права Академии МВД Республики Узбекистан.

¹ Правовая основа процветания нашей страны // Народное слово. — 2012. — 8 дек.

² См.: Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи: Юридик олий ўқув юртлири учун дарслик / У. Таджиханов, Х. Одилқориев, А. Саидов. — Т., 2011. — Б.752.

³ См.: Каримов И. А. По пути созидания. Т.4. — Т., 1996. — С.189.

– право каждого свободно распоряжаться своими способностями к труду, выбирать род деятельности и профессию. Следовательно, человек может работать по найму, заниматься индивидуальной предпринимательской деятельностью или иным законным способом зарабатывать средства к существованию;

– запрещение принудительного труда (не считается принудительным трудом выполнение ряда публичных мероприятий – военная служба, работа в условиях чрезвычайных обстоятельств, работа на основании вступившего в законную силу приговора суда).

В развитие конституционных норм, закрепляющих право каждого человека на труд, на свободный выбор работы, на справедливые условия труда и на защиту от безработицы, были приняты законы Республики Узбекистан «О занятости населения», «Об охране труда», «О фермерском хозяйстве», «О дехканском хозяйстве», Гражданский кодекс Республики Узбекистан, Трудовой кодекс Республики Узбекистан.

Согласно ст. 6 Трудового кодекса Республики Узбекистан все граждане имеют равные возможности в обладании и использовании трудовых прав. Установление каких-либо ограничений или предоставление преимуществ в области трудовых отношений в зависимости от пола, возраста, расы, национальности, языка, социального происхождения, имущественного и должностного положения, отношения к религии, убеждений, принадлежности к общественным объединениям, также других обстоятельств, не связанных с деловыми качествами работников и результатами их труда, недопустимо и является дискриминацией.

Не являются дискриминацией различия в сфере труда, обусловленные свойственными данному виду труда требованиями или особой заботой государства о лицах, нуждающихся в повышенной социальной защите (женщины, несовершеннолетние, инвалиды и др.).

Лицо, считающее, что оно подверглось дискриминации в сфере труда, может обратиться в суд с заявлением об устранении дискриминации и возмещении нанесенного ему материального и морального вреда.

В свою очередь, одной из гарантий свободного выбора работы является ст. 58 Трудового кодекса, которая гласит, что государство гарантирует: свободу выбора вида занятости, в том числе работы с различными режимами труда; защиту от незаконного отказа в приеме на работу и прекращения трудового договора; бесплатное содействие в подборе подходящей работы и трудоустройстве; обеспечение каждому равенства возможностей в получении профессии и работы, условиях труда и занятости, оплате труда, продвижении по службе; бесплатное обучение новой профессии (специальности), повышение квалификации в местных органах по труду или по их направлению в иных учебных заведениях с выплатой стипендии; компенсацию в соответствии с законодательством материальных затрат при приеме на работу в другую местность; возможность заключения срочных трудовых договоров на участие в оплачиваемых общественных работах.

Каждый работник имеет право на охрану труда. В соответствии с трудовым законодательством на всех предприятиях должны быть созданы условия труда, отвечающие требованиям безопасности и гигиены. Создание таких условий – обязанность работодателя.

В условиях перехода к рыночной экономике, как свидетельствует мировой опыт, возрастает острота проблемы обеспечения занятости трудовых ресурсов. Поэтому одной из главных задач проводимых реформ – недопущение роста безработицы.

В целях реализации конституционных норм, направленных на защиту от безработицы каждого человека, и создания правовых основ осуществления специальных мер по недопущению роста безработицы был принят Закон Республики Узбекистан «О занятости населения». К данным мерам относятся: выплата пособия по безработице; оказание материальной помощи с учетом наличия иждивенцев; выплата стипендии в период профессиональной подготовки, повышения квалификации или переподготовки и включение этого периода в трудовой стаж; возможность участия в оплачиваемых общест-

венных работах. При прекращении трудового договора по отдельным основаниям работникам предоставляются дополнительные гарантии материальной поддержки (ст. 64 Трудового кодекса).

Говоря о трудовых правах работников нельзя не отметить права работающих по найму на оплачиваемый отдых и социальное обеспечение в старости, в случае утраты трудоспособности, а также потери кормильца, что нашло свое отражение в ст. ст. 38, 39 Конституции Республики Узбекистан соответственно. Конституция гарантирует установление законом продолжительности рабочего времени, выходных и праздничных дней, оплачиваемого ежегодного отпуска.

Так, согласно трудовому законодательству всем работникам, в том числе и работающим по совместительству, предоставляются ежегодные трудовые отпуска для отдыха и восстановления работоспособности с сохранением места работы (должности) и среднего заработка. Ежегодный основной отпуск предоставляется работникам продолжительностью не менее пятнадцати рабочих дней. Воскресные и праздничные дни, приходящиеся на период отпуска и являющиеся нерабочими, при определении длительности отпусков не учитываются.

Одним из главных пяти принципов, на которых основывается деятельность нашего государства в ходе экономических и социальных реформ, является проведение сильной социальной политики.

Социальное обеспечение – это участие общества в содержании тех своих членов, которые из-за нетрудоспособности либо других не зависящих от них причин не имеют достаточных средств к существованию.

Конституция Республики Узбекистан признает право каждого на социальное обеспечение и одновременно возлагает на государство обязанность создавать необходимые условия для беспрепятственного осуществления этого права. Правовые основания, наличие которых вызывает у человека потребность в

социальном обеспечении, многочисленны. К ним относятся возраст, болезнь, инвалидность, потеря кормильца, воспитание детей. Данный перечень не является исчерпывающим.

По своему содержанию право на социальное обеспечение включает право на денежные выплаты (пенсии, социальные пособия, компенсации) и право на социальные услуги. Каждая из перечисленных форм социального обеспечения регулируется целым комплексом нормативно-правовых актов.

Государственные органы, в том числе Президент, Олий Мажлис, Кабинет Министров, министерства и ведомства, хокимияты и местные представительные органы, каждый в рамках своей компетенции, осуществляют социальную защиту граждан.

Кроме того, существует система органов, главной функцией которых является именно указанная деятельность. Этими органами являются Министерство социального обеспечения и соответствующие органы на местах. Следует отметить, что при Кабинете Министров действует Фонд социального страхования, при Министерстве социального обеспечения Республики Узбекистан функционируют Пенсионный фонд, при Министерстве труда – Фонд занятости. При непосредственной поддержке государства созданы и действуют Детский фонд, фонд «Соглом авлод учун», фонд «Махалля».

Таким образом, в Узбекистане созданы условия для реализации конституционного права на социальную защиту со стороны государства, закреплена действенный правовой механизм, гарантирующий защиту этого права. При этом, как подчеркнул Президент И. А. Каримов, «наша Конституция – это не только основной правовой документ, определяющий комплекс наших прав и обязанностей. Она – животворный источник улучшения нашей жизни, ее строительства на истинно законной основе, обеспечения наших прав, установления приоритета закона и справедливости в обществе»¹.

¹ Каримов И. А. Свое будущее мы строим своими руками. Т.7. — Т., 1999. — С.242-246.

БОЛА ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

Боланинг конституциявий-ҳуқуқий мақоми Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, конституциявий қонунлари, қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари белгилаган бола ҳуқуқлари, эркинликлари, мажбуриятлари ва уларни амалга ошириш кафолатларининг мажмуасидан иборат.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида бола мақомининг конституциявий-ҳуқуқий асослари фуқаролар мақомига мос белгиланган. Конституцияда, давлат ва жамиятнинг болага, унинг ҳуқуқ ва эркинликларига оид муносабатининг туб принциплари белгилаб қўйилган. Президентимиз таъкидлаганидек: «Биз фарзандларимизнинг баркамол руҳий дунёси учун, уларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, жисмонан соғлом бўлиши учун доимо қайғуришимиз зарур»¹.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида халқаро ҳуқуқ нормаларининг умумэътироф этилган қоидалари ўз ифодасини топганлиги, мамлакатимизда устувор эканлиги тан олингани бола ҳуқуқларини таъминлашга бевосита алоқадордир. Конституциянинг Муқаддимасида мустаҳкамланган бу қоида давлатнинг болаларга нисбатан ҳуқуқий сиёсатининг асосларини аниқлашда, яъни ювенал сиёсатни шакллантиришда Ўзбекистон Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги биллда, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда белгиланган бола ҳуқуқларининг халқаро андозаларига суянади.

Ўзбекистон бола ҳуқуқларини қонуний тартибга солар экан, махсус халқаро конвенцияларга, хусусан: Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция, Ирқий камситишларнинг барча шакллари тугатиш тўғрисидаги конвенция, Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадрқимматни камситувчи турларига қарши конвенцияга ҳам таянади. Ўзбекистон Республикаси бу халқаро ҳужжатларга қўшилиши билан бола ҳуқуқларини халқаро андозаларга мувофиқ ҳимоя қилишни таъминлаш бўйича халқаро мажбуриятларни ўз зиммасига олган.

Маълумки, ҳар бир конституциявий қоида амалиётда болаларга алоқадор, лекин «бола», «болалар», «вояга етмаганлар» каби тушунчаларни Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тўртта моддасида кузатиш мумкин. Конституциянинг 45-моддасида: «Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар, ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир», дейилган. 64-моддадаги нормага биноан, «ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар.

Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг ҳомийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларни рағбатлантиради».

65-моддада «Фарзандлар, ота-оналарининг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади», деб ёзилган.

* Тошкент давлат юридик институти катта ўқитувчиси.

¹ Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. – Т., 1999. – Б. 385–386.

Асосий қонуннинг 66-моддасида «Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар», деб кўрсатилган.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида бола ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг қуйидаги энг муҳим принциплари белгиланган:

– бола ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлашда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормалари устуворлиги;

– бола ҳуқуқларини ҳимоялаш ва муҳофазалашнинг давлат томонидан таъминланиши;

– етим болалар ва ота-она ғамхўрлигидан маҳрум бўлган болалар устидан давлат ва жамиятнинг васийлиги;

– болаларнинг насл-насаби ва ота-онасининг фуқаровий ҳолати сабабли камситишга йўл қўйилмаслиги;

– болаларга нисбатан хайрия фаолиятини рағбатлантириш;

– ота-онанинг ўз фарзандларини боқиш ва тарбиялашга мажбурлиги.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қолган нормаларида бола ҳуқуқий муносабат субъекти сифатида «фуқаро», «шахс» атамаларида ҳам назарда тутилади. Демак, бола Ўзбекистон Республикаси фуқароларига тааллуқли барча ҳуқуқ ва эркинликларга эга.

Таъкидлаш жоизки, бола нафақат ҳуқуқларга, балки Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 47–52-моддаларида назарда тутилган бурчларга ҳам эга. Булар: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя қилиш; бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилиш; Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросларини асраш; атроф-табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш; қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлаш; қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташ мажбуриятларидир.

Ўзбекистонда бола ҳуқуқлари 100дан зиёд қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинган. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция қоидалари улардан баъзиларида, хусусан «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик тўғрисида»ги қонунида, Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси ва Меҳнат кодексида қанчалик ўз аксини топганини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

Жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланган оила ва болаларга ғамхўрлик ўзбек халқининг миллий қадриятлари сирасига киради. Юртимизда болаларнинг тўқис тарбия олиши ва шаклланиши учун қулай, зарур шарт-шароитларни яратишдан асосий мақсад, биринчи навбатда, болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва шу орқали соғлом авлоднинг вояга етишига эришишдир¹.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг оила масалаларига бағишланган XIV бобининг 64 ва 65-моддаларида, таъкидлаганимиздек, бола ҳуқуқларига алоҳида эътибор берилган. Уларда ота-оналарнинг ўз фарзандларини вояга етгунга қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурлиги, давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлаши, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларини рағбатлантириши, фарзандлар ота-оналарининг насл-насабларидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенг эканликлари ва оналик ҳамда болалик давлат томонидан муҳофаза қилиниши белгилаб қўйилган. Демократик ҳуқуқий давлат ва юксак маданий-маърифий фуқаролик жамиятида инсон, унинг ҳаёти, шаъни, кадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликлари муқаддас саналади. Ҳуқуқ ва эркинликлар рўёбга чиқарилиши туфайлигина шахснинг ижодий салоҳияти ва имкониятлари намоён бўлади.

Ҳар бир халқнинг ва инсониятнинг келажаги вояга етаётган авлодга боғлиқ.

¹ *Рустамбаев М.Х.* Бола ҳуқуқлари қонун муҳофазасида // Ҳуқуқ ва бурч. – 2010. — № 1. – Б. 20.

Шунинг учун бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш ҳозирги даврнинг долзарб вазибаларидан бири ҳисобланади¹.

Мамлакатимизда демократик-ҳуқуқий давлат қуриш жараёнида, жамият ҳаётининг турли жабаҳаларида, шу жумладан, суд-ҳуқуқ соҳасида ҳам туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида олиб борилаётган ислохотлардан кўзланган мақсад адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришдир, яъни «бизнинг пировард мақсадимиз – инсон ҳуқуқлари ҳар томонлама ҳимоя қилинадиган маърифатли жамият барпо этишдан иборат»².

Ҳозирги вақтда чоп этилаётган ҳар бир мақола, рисола, қўлланма, монография, дарслик фуқароларнинг, айниқса ёш авлоднинг ҳуқуқий, маънавий, маърифий билимларини ошириш, уларнинг ҳар томонлама баркамол инсон бўлиб етишиши учун салмоқли ҳисса қўшмоқда. Бу борада олдимизга қўйилган вазибаларни амалга ошириш ва ислохотлар муваффақияти, кўп жиҳатдан, жамиятда шаклланиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни турли салбий таъсирлардан ҳимоя қилишга қаратилган мукамал ҳуқуқий базанинг яратилганлигида дейиш мумкин.

Ҳар қандай давлатнинг келажаги ундаги ёш авлоднинг таълим-тарбияси, ақлий салоҳияти, соғлиғи билан боғлиқ. Шу боис ёшларнинг соғлом, баркамол бўлиб тарбия олишлари, ўсиб-улғайишларига шароит яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан бир қанча қарорлар, Олий Мажлис томонидан қонунлар қабул қилинди.

Мамлакатимизда ёшларга оид сиёсат давлат фаолиятининг устувор йўналишлари-

дан бири бўлиб, унинг асосий мақсади ёшларнинг ҳар томонлама шаклланиши ва камол топиши, ижодий иқтидори тўла-тўқис рўёбга чиқиши учун барча шарт-шароитларни яратишдан иборат.

Мамлакатимизда 2010 йилнинг «Баркамол авлод йили» деб эълон қилинганлиги бу борадаги саъй-ҳаракатлар самарадорлигини оширишда ҳал қилувчи аҳамият касб этди.

Мустақиллик йилларида бола ҳуқуқларига тегишли қонунчилик тизими яратилди. Фуқароларнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ҳуқуқларига доир 90дан ортиқ меъёрий ҳужжатларда бола ҳуқуқлари, ёш авлодни ҳар томонлама камол топтириш, манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатлари акс этган.

Мустақиллик йиллари давлатимиз қўшилган халқаро ҳужжатлар Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ҳамда Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциядир. 2007 йилнинг апрель ойида яна иккита муҳим халқаро ҳужжат – Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги конвенция» (Женева, 1976 йил 26 июнь) ҳамда Болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисидаги конвенцияни (Женева, 1999 йил 17 июнь) ратификация қилиш тўғрисидаги қонунларнинг қабул қилиниши бу борадаги фаолиятнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Шундай қилиб, бола ҳуқуқларини таъминлашнинг конституциявий-ҳуқуқий кафолатлари мамлакатимиз қонунчилигида тўлиқ ифодасини топган бўлиб, улар халқаро ҳуқуқ нормалари доирасида янада такомиллаштирилмоқда.

¹ Дўсмуҳаммедова Н. Бола ҳуқуқлари кафолатлари // Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ахборотномаси. – 2008. – №6. – Б. 35.

² Каримов И.А. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8. – Т., 2000. – Б.28.

АХЛОҚ-ОДОБ ҚОИДАЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири бу – қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатдир. Бир сўз билан айтганда, юртимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш ва аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш биз учун ҳал қилувчи вазифа бўлиб қолмоқда¹.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, шахснинг шаъни ва қадр-қимматини, ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза этиш ҳамда уни турли жинойий тажовузлардан ҳимоя қилиш, вояга етмаганларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш каби нормаларни ўзида мужассам этган асосий қонун ҳисобланади.

Конституциямиз дунёнинг энг ривожланган давлатлари андозаси талабларига мос равишда яратилган. Шуниси эътиборлики, кўпгина тараққий этган давлатларнинг конституцияларида оила институти ҳақида бирон-бир норма ўрин олмаган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида оилага алоҳида боб ажратилганлигини ўзбек ҳалқининг муқаддас қадриятларга садоқати, миллий урф-одат ва анъаналарга бўлган чуқур ҳурмат-эъзозини намунаси дейиш мумкин.

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ давлатимиз томонидан оила институтига алоҳида эътибор қаратилганлигининг ўзиёқ рамзий маънога эга. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов оила

ҳақида шундай дейди: «Оила ҳақида гапирар эканмиз, авваламбор, оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, келажак насллар қандай инсон бўлиб етишига бевоқиф таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи эканлигини тан олишимиз даркор»².

Маълумки, шарқ мутафаккирларининг бизга қолдирган бой илмий-маданий меросида ўзбек халқининг оила-турмуш қоидалари, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, оила аъзолари ўртасидаги муносабат жараёнида юксак маданиятлилик каби фазилатлар инсон тарбиясида улкан ахлоқий аҳамиятга эга.

Юқоридаги фикрларнинг Конституция нормалари билан мустаҳкамланганлигини қуйидагиларда кўриш мумкин. Хусусан, оилада эр-хотиннинг тенг ҳуқуқли эканлиги, вояга етмаганларга ҳар томонлама ғамхўрлик, шахснинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни ва қадр-қимматини қонун орқали муҳофаза этиш, шахсларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш билан боғлиқ нормалар шулар жумласидандир.

Шунингдек, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 1-моддасида «Ҳамма одамлар ўз қадр-қиммати ҳамда ҳуқуқларида эркин ва тенг бўлиб туғилдилар» деб белгиланган. Инсоннинг яшаш ҳуқуқи олий неъматдир. Инсон шаънини таҳқирлаш унинг обрўсини тўқиш, қадр-қимматини топташ, жамиятдаги ўрни ва нуфузини йўқотиш демакдир. Инсонни ана шу даражага келтириш ёки шунга ҳаракат қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддасида «Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка,

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси илмий педагог кадрлар тайёрлаш бўлими стажёр-тадқиқотчи-изланувчиси.

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. — Т., 2010. — Б.56

² Қаранг: Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. — Т., 1998. — Б.400

шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас», деб белгилаб қўйилган.

Президентимиз Ислоом Каримов таъкидлаганидек, «инсон ҳуқуқлари ғояси Олий Мажлис фаолиятида доимий ўрин эгаллаши керак. Ҳар қандай қонун, ҳаракат доирасидан қатъи назар, ишлаб чиқарилаётган ва муҳокама этилаётган пайтда инсоннинг асосий, бузилмас ҳуқуқларига қанчалик мос келишига алоҳида эътибор қаратилиши зарур»¹.

Жамиятда амал қиладиган қонун ва барча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар инсоннинг манфаатларига, бевосита унинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 46-моддасида «аёллар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги», Оила кодексининг 3-моддасида «оилавий муносабатларда эркак ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлилиги» белгилаб қўйилган ҳамда ушбу ҳолат Жиноят кодекси билан кучли ҳимояланган, яъни Кодекснинг 141-моддасида фуқароларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ёки ижтимоий мавқеидан қатъи назар, ҳуқуқларини бевосита ёки билвосита бузганлик ёки чеклаганлик учун муайян жазо чоралари назарда тутилган.

Бугунги кунда ахлоқ-одоб доирасидаги ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар жамият ҳаётининг ривожланиш босқичида инсоният учун хатарли ғайриижтимоий салбий омил сифатида, афсуски, учраб турибди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъбири билан айтганда, «аслини олганда, ахлоқ – маънавиятнинг ўзаги. Инсон ахлоқи шунчаки салом-алик, хушмуомаладангина иборат эмас. ахлоқ – бу аввало инсоф ва адолат туйғуси, иймон, ҳалоллик дегани»². Ахлоқ бу инсоний хусусиятлар мезонини белгиловчи восита. Агар жамиятда ахлоқнинг салбий кўринишлари мавжуд бўлса, бу ўша жамиятни ҳалокатга олиб боришиш муқаррардир.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда жиноятларнинг олдини олиш ва унга қарши кураш давлат сиёсати даражасига кўтарилган масалалардан биридир. Шу сабабли, ички ишлар

идоралари томонидан ахлоқ-одоб доирасидаги ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш борасида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда

Маълумки, ҳозирги шароитда дунёда кенг муҳокамаларга сабаб бўлаётган жиноятлар одам савдоси, фоҳишабозлик ва ахлоқ меъёрларини издан чиқарувчи салбий мазмундаги порнографик материалларнинг тобора тез тарқалаётганлиги бу муаммонинг нақадар долзарб эканлигини кўрсатади. Ачинарли томони шундаки, ушбу салбий иллатлар натижасида оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этилмоқда. Мазкур жиноятлар жамият учун катта ижтимоий хавф туғдирувчи терроризмни, гиёҳвандлик, ОИТС билан боғлиқ жиноятларнинг келиб чиқишига замин яратмоқда. Гарчи, ахлоқ-одоб доирасида гап кетганда биринчи навбатда жамиятда мавжуд бўлган фоҳишабозлик, вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатга жалб этиш, порнографик материалларни тайёрлаш ёки тарқатиш, фоҳишахона сақлаш ёки қўшмачилик қилиш ва шу каби салбий иллатлар тушунилади. Бу вояга етмаганлар тарбиясининг издан чиқишига, уларнинг ҳуқуқий савияси дағаллашувига ҳамда келгусида улар томонидан ахлоқ-одоб доирасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этилишига олиб келади.

Ҳар бир ҳуқуқий фаолият, муносабат ҳуқуқий нормалар орқали тартибга солинади. Ҳуқуқ назариясида эса, ҳуқуқий тартибга солиш ҳуқуқий воситалар ёрдамида ижтимоий муносабатларни тартибга солиш, қўриқлаш, уларни жамиятнинг ижтимоий эҳтиёжига мувофиқ равишда ривожлантириш мақсадида мунтазам, норматив таъсир этиш жараёни тушунилади. Ҳуқуқий тартибга солиш ижтимоий муносабат субъектларининг юридик ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб, уларнинг бажарилишини таъминлайди³. Айтиш керакки, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш субъектлари фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Мазкур йўналишдаги ишларни такомиллаштириш борасида ички ишлар идораларининг фаолиятини такомиллаштиришга қара-

¹ Қаранг: И.А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари» рисоласи бўйича илмий-амалий анжуман материаллари. — Т., 1995. — Б.7.

² Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. — Т., 1996. — Б. 39.

³ Қаранг: Бобоев Х.Б., Одилқориев Х.Т. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик. — Т., 2000. — Б. 357.

тилган кенг қамровли ислохотлар ўтказилди. Хусусан, ўтган йиллар ичида Асосий қонуниimizга таяниб республикаimiz ички ишлар тизимида бир қатор ислохотлар амалга оширилди⁷. Ушбу суд-ҳуқуқ ислохотлари натижасида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланди, бу борадаги халқаро миқёсдаги стандартлар ва нормалар тан олинди ҳамда миллий қонунчилигимизга жорий этилди⁸.

Ички ишлар идоралари хизматларининг одоб-ахлоққа зид жиноий қилмишларга қарши кураш фаолияти, хусусан ушбу турдаги жиноятларнинг олдини олишга оид халқаро норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, декларациялар, конвенциялар, пактлар, икки ва кўп томонлама шартномалар, битимлар ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Ахлоқ-одоб доирасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш субъектлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини, қонунлар ва қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ажратиш мумкин.

Мазкур нормаларни айнан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мисолида таҳлил қилиб кўриш мумкин. Хусусан, ахлоққа зид жиноятларнинг олдини олишнинг ҳуқуқий асосларини белгиловчи нормаларни уч гуруҳга ажратиш мумкин:

а) фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш билан боғлиқ: Конституция ва қонунларда мустақамланиб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларнинг дахлсизлиги (19-м); фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шартлиги (20-м.); давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақамланган ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини таъминлаши (43-м);

б) ички ишлар идоралари томонидан инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқларининг ҳар хил турдаги жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиши (13-м); инсон ҳаётига суиқасд қилиш

нинг оғир жиноят эканлиги (24-м); ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоққа сақланиши мумкин эмаслиги (25-м); ҳар бир шахснинг ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқининг таъминланиши (35-м); фуқаролар томонидан Конституцияда белгилаб қўйилган бурчларини бажаришини таъминлаш (47-м); фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишни таъминлаши (48-м);

в) ички ишлар идораларининг одоб-ахлоққа қарши жиноятларнинг олдини олиш фаолиятини амалга оширишда ўзлари риоя этишини талаб қилувчи: Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўриш (15-м); барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги принципига риоя қилиш (18-м); фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларидан суд қарорисиз маҳрум этмаслик ҳамда чекламаслик (19-м); ҳеч кимнинг қийноққа солиниши, зўравонлик, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилмаслигини таъминлаш (26-м); қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга жамоат ташкилотлари ва фуқароларнинг ёрдам кўрсатишлари мумкинлигини (121-м) белгиловчи нормаларга ажратиш мумкин.

Ички ишлар идораларининг одобга-ахлоққа зид бўлган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш фаолиятида мазкур Конституция негизида тайёрланган ва қабул қилинган асосий ҳуқуқий манбалардан бири – Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 17 апрелда қабул қилган «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги қонунидир. Мазкур қонунда одам савдосига қарши курашишнинг асосий принциплари, одоб-ахлоқ доирасидаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашишни ташкил этиш, одам савдосидан жабрланганларни ҳимоя қилиш, уларга ёрдам кўрсатиш каби долзарб масалалар белгилаб берилган. Жумладан, Қонуннинг 7-моддасида ички ишлар идора-

⁷ Қаранг: *Соатов М.З.* Ўзбекистон Конституцияси — ички ишлар органлари тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳуқуқий асоси // Конституция давлат ва жамият қурилиши ислохотларининг асоси: Илмий-назарий конференция материаллари тўплами. Т., 2006. — Б. 252–256.

⁸ Қаранг: *Парпиев Х.* Суд-ҳуқуқ ислохотлари ва жиноий жазоларни либераллаштириш // ТДЮИ ахборотномаси. 2009. — Б.66.

ларининг одам савдосига қарши курашиш ва унинг олдини олиш соҳасидаги вазифалари белгиланган бўлиб, унда мустаҳкамланган талаблардан келиб чиққан ҳолда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизматлари ўз ваколатлари доирасида:

биринчидан, ахлоқ-одоб доирасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш билан боғлиқ жиноятларни очиш бўйича тезкор-қидирув ҳамда жиноят ишлари бўйича суриштирув ва дастлабки терговда иштирок этишлари;

иккинчидан, ахлоқ-одоб доирасидаги ҳуқуқбузарлик билан шуғулланувчи шахслар, уюшган гуруҳлар ва жиноий уюшмаларнинг фаолиятига чек қўйиш бўйича ички ишлар идораларининг соҳавий хизматлари, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликни амалга оширишлари;

учинчидан, юқори турувчи органларга одоб-ахлоқ доирасидаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашни кучайтириш юзасидан таклиф ва тавсиялар киритишлари;

тўртинчидан, ахлоқ-одоб доирасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш билан шуғулланувчи шахслар, уюшган гуруҳлар ва жиноий уюшмалар ҳақида тегишли давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига ахборот тақдим этишлари ҳамда оммавий ахборот воситаларини жалб этган ҳолда аҳоли ўртасида кенг миқёсда огоҳлантириш-профилактика ишларини ташкил этишлари белгилаб қўйилган.

Таъкидлаш жоизки, ахлоқ-одобга қарши ҳуқуқбузарликлар ичида одам савдоси билан боғлиқ жиноят ўзига хос тадқиқот объекти ҳисобланади. Бундай жиноятчилар вояга етмаган қизлар ва аёлларни алдаб, уларни ишончига кириб ахлоқ-одобга хилоф бўлган турли кўринишдаги (масалан, аёлларни фоҳишалikka мажбурлаш, қул қилиш, эксплуатация қилиш) ҳуқуқбузарликлар содир этишга ундамоқда.

Шу боис, ички ишлар идоралари томонидан ахлоқ-одобга қарши жиноятларнинг олдини олиш амалиётини самарали ташкил этиш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

– маъмурий ҳудудда ахлоқ-одобга қарши ҳуқуқбузарликлар содир этувчи шахсларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда уларга нисбатан тегиш жазо чораларини кўриш;

– маъмурий ҳудудда ахлоқ-одобга қарши ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил шахсларнинг турмуш тарзи ва улар хулқ-атвори тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлиш;

– ёшлар, айниқса вояга етмаган йигит-қизларнинг ўқишга бўлган қизиқишлари, таълим муассасаларидаги педагог ходимлар билан муносабати, хулқ-атвори тўғрисида уларнинг мураббийлари ҳамкорлигида иш олиб бориш;

– ахлоқ-одобга қарши ҳуқуқбузарликлардан жабрланган шахсларни аниқлаш, улар билан якка тартибда профилактик ишлар олиб бориш ҳамда жойларда ушбу мавзуда маҳалла фаоллари билан биргаликда учрашув ва мулоқотлар ташкил этиш;

– чет элга узоқ муддатга чиқиб кетган аёлларнинг яқин қариндошлари билан суҳбатлашиб, улар нима мақсадда чиқиб кетганликларини аниқлаш, сафардан қайтган шахслар билан якка тартибда профилактик суҳбатлар олиб бориш;

– маъмурий ҳудудда жойлашган уй бошчилари, кўча бошчилари билан суҳбатлашиб шу уйда ёки кўчада ижарада яшаётган аёллар ва хотин-қизлар нима иш билан шуғулланиши, уларнинг уйларига кимлар келиб-кетиши ҳақида хабардор бўлиш;

– жойлардаги савдо расталарида порнографик мазмундаги беҳаёликни тарғиб қиладиган CD, DVD дискларининг савдоси билан шуғулланувчи ҳамда уларни тайёрловчи шахсларни аниқлаш ва уларга нисбатан қатъий чоралар кўриш;

– болалар тарбиясини ўз ҳолига ташлаб қўйган, турмуш тарзи ва хатти-ҳаракатлари билан фарзандлари тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи ёки ўз фарзандларини ахлоқ-одоб доирасидаги ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ ғайрижимоий иллатларга жалб қилувчи ота-оналарни аниқлаб, жойларда маҳалла фаоллари билан биргаликда муҳокама қилиш.

Шундай қилиб, ахлоқ-одобга хилоф ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларга қарши курашишда ички ишлар идоралари ходимлари билан биргаликда маҳалла фаоллари, жамоатчилик вакиллари ҳамда педагоглар, психологлар ва бошқа мутасадди шахсларнинг ҳамкорлик қилиши жамиятда соғлом турмиш тарзининг барқарор бўлишига, қолаверса, мамлакат ёшларининг ижтимоий-иқтисодий, маънавий баркамол бўлишига олиб келади.

КОНСТИТУЦИЯ – БАХТИМИЗ ҚОМУСИ

Жорий йилнинг декабрь ойида Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг Маънавият ва маърифат марказида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 20 йиллиги муносабати билан «Конституция – бахтимиз қомуси» мавзuida илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Ички ишлар ва Адлия вазирликлари вакиллари ҳамда ИИВ тизимидаги олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари қатнашдилар.

Конференцияни ИИВ Академияси Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашишдаги долзарб масалалар лойиҳаси раҳбарининг ўринбосари, юридик фанлар номзоди Н.Т. Исмоилов очди.

Анжуманда Конституциямизнинг бош йўналишларидан бири бўлган инсон ҳуқуқларини кафолатлаш, унинг халқаро-ҳуқуқий қадриятлар билан боғлиқ жиҳатлари, суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, шунингдек миллий ғоя тарғиботида доир масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

Маълумки, ҳар қандай демократик давлатнинг асосий қонуни унда истиқомат қилаётган халқларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини, эрку иродасини, маданияти ва маънавиятини ифода этиши шубҳасиз. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳам айна шу қадриятларга хизмат қилиши билан бирга, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидаларига буткул жавоб беради. Асосий қонунда республикамизда яшайдиган барча миллат ва элатларнинг ким бўлишидан қатъи назар, тили, дини, урф-одат ва анъаналари ҳурмат қилиниши кафолатланган, уларнинг амал қилиши ва ривожланиши учун барча ҳуқуқий асослар яратилган.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси, юридик фанлар номзоди А. А. Раҳмонов, ИИВ Академияси давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи кафедраси бошлиғи, юридик фанлар доктори профессор Х.Т. Одилқориев, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Олий академик курслари бошлиғи юридик фанлар доктори Ў. Х. Мухамедов, Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти кафедраси бошлиғи, юридик фанлар доктори, профессор Ш.О. Мамадалиев, конституциявий ҳуқуқ кафедраси бошлиғи, юридик фанлар номзоди Б.А. Саидовлар маъруза қилдилар.

Анжуманда Бош қомусимизда белгилаб берилган инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга доир нормаларни ҳаётга татбиқ этишда ички ишлар идоралари ходимларининг роли, бу ўринда амалга оширилиши лозим бўлган зарур вазифалар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.